

# Ал-Ваъй



Кенг кўламли,  
фикрий, сакофий журнал

## Ал-Ваъй сўзи

**Ливан ва (Исройл) ўртасидаги денгиз чегараларининг демаркация қилиниши муносабатларни нормаллаштириш келишуви бўлиб, у минтақани қайта шакллантириш бўйича АҚШ тузган режанинг бир қисмидир**

Инсон ақлияси (менталитети)да кўникма ҳосил қилиш ва бу нарсанинг халқларни мустамлака қилишдаги таъсири

Ҳоким (ҳукм чиқарувчи) ким? Ким қонун чиқариш ҳуқуқига эга? Аллоҳ Таоломи ёки инсонми?

Иқтисодий муаммо ва иқтисодий сиёsat... Қашшоқликка қарши кураш

Уламолар: пайғамбарлар мероси билан бойлик ва ҳокимият ишқи ўртасида



435

Ўттиз еттинчи  
йил чиқиши  
Робиуссоний 1444ҳ  
Ноябр 2022м

Ливан 1000 лира
Яман 30 риёл
Туркия 1 доллар
Покистон 1 доллар
Австралия 2,5 доллар
Америка 2,5 доллар
Канада 2,5 доллар
Германия 2,5 евро
Швеция 15 крон
Бельгия 1 евро
Швейцария 2 франк
Австрия 1 евро
Дания 15 крон

## Чибдү сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Ливан ва (Исройил) ўртасидаги денгиз чегараларининг демаркация қилиниши муносабатларни нормаллаштириш келишуви бўлиб, у минтақани қайта шакллантириш бўйича АҚШ тузган режанинг бир қисмидир....3
- Ҳоким (хукм чиқарувчи) ким? Ким қонун чиқариш ҳуқуқига эга? Аллоҳ Таоломи ёки инсонми?.....8
- Намунавий иқтисод низоми (5) .... 21
- Иқтисодий муаммо ва иқтисодий сиёsat... Қашшоқликка қарши кураш.....25
- Инсон ақлийяси (менталитети)да кўникма ҳосил қилиш ва бу нарсанинг халқларни мустамлака қилишдаги таъсири .....33
- Уламолар: Пайғамбарлар мероси билан бойлик ва ҳокимият ишқи ўртасида .....38
- **Олам мусулмонлари хабарлари** .....51
- **Қуръони Карим сұхбатида** .....57
- **Жаннат боғлари:** Яхшилик қилиш ва одамларнинг эҳтиёжларини қондириш.....67
- **Уларнинг ҳидоятларига эргашинг::** Саҳобий Абу Суфён ибн Ҳорис жаннат ўғлонлари саййидидир .....74
- **Сўнгги сўз:** АҚШдаги оралиқ сайловлар олдидан янграган огоҳлантирув ва зўравонлик қўрқуви .....79
- Игнатиус: Хоманай режими ўз вужудини ларзага келтирган бундай норозилик ҳаракатига ҳеч қачон дуч келмаган .....80



## ЛИВАН ВА (ИСРОИЛ) ЎРТАСИДАГИ ДЕНГИЗ ЧЕГАРАЛАРИНИНГ ДЕМАРКАЦИЯ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТЛАРНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ КЕЛИШУВИ БЎЛИБ, У МИНТАҚАНИ ҚАЙТА ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА АҚШ ТУЗГАН РЕЖАНИНГ БИР ҚИСМИДИР

### Келишув лойиҳаси:

Қўшма Штатлар икки йилдан бери Ливан ва (Исроил) ўртасида дengiz chegaralariни belgilash hamda neft va gaz қидiriш iшлари oлдидағи tўсиқларни bartaraф этишга қaratilgan keliшuvga эришиш учун воситачилик қilmоқда. Сўнгти пайтда Rossия-Ukraina uруши va жаҳон bозорининг neft va газни kechiktiрmasdan қазib oliшga muхtojligi manzaрасида музокараларнинг tezлашgани kuzatilmoқда. Amerika ўзининг воситачиси Amos Xoхшteйn орқали 2022 йил 10 okтябрda эълон қилинган keliшuv лойиҳасига эришди. Uшбу лойиҳа бўйича (Исроил) Millий xavfсизлик agentлиги raхbari Иёл Xалatu араб тилида берган баёнотида шундай dеди: «Bизнинг барча talablarimiz bажарилди va биз сўраган tuzatiшlar қабул қилинди. Bиз (Исроил)ning xavfсизлик manfaatlarini saқlab қoldик va биз tарихий keliшuv sari ketяpmiz». Boшқа томондан, Livan томонидан музокаралар масаласи bўйича masъул bўлган Ilёs Bu Saъb «Рейтер» aхборот agentligiga берган intervyюсида шундай dеди: «Bиз якуний лойиҳани oлдик va барча talablarimiz inobatga олинганини ҳис қilmоқдамиз. Ishonamizki, ikkinchi томон ham ўз talablari қabул қилинганини ҳис қilmоқда». U тез orada музокаралар «tarixий keliшuvga» olib keliши mumkinligini aйтди. Жумҳuriят prezidenti Michel Aunнинг vakolati тугashiдан oлдин shу йилning ўнинчи oйidan kechiktiрmasdan bu keliшuvning расман imzolaniши va uning imzolaniши Amerika томонидан kaфолatlaniши кутилmoқда. Shunда bu keliшuv Michel Aunнинг ютуқлariдан бири deb xisoblaniб қoladi.

## **Бу келишувдан энг катта фойда олувчи (Исройл)дир**

Шубҳасиз, бу келишувдан энг катта фойда кўрувчи (Исройл)дир. Чунки у нефть ва газга бой бўлган «Кареш» ерларини урушсиз қўлга киритди. Кареш – нефть ва табиий газ конидир. У Ливан армиясининг ўтган йилги хариталарига кўра, «29 линия» деб номланган Ливан линияси ичida жойлашган. Яъни у ер Ливанга тегишли. Бироқ, ҳамма нарсада ихтилофлашиб келган Мишель Аун, Нажиб Миқотий ва Набиҳ Берри каби Ливан расмийлари уни бир овоздан (Исройл)га тегишли деб ҳисоблашга ва лойиҳани имзолашга рози бўлишди. Бу шуни кўрсатадики, уларга бу тўғрида Америка томонидан буйруқ келган... Қолаверса, келишувнинг имзоланиш даври савдо нуқтаи-назаридан олиб қараганда (Исройл) учун олтин давр ҳисобланади. Чунки у Россия-Украина уруши фонида Европа нефть ва табиий газга жуда муҳтоҷ бўлиб турган бир пайтда, нефть ва газ қазиб олиш имкониятини қўлга киритмоқда. Ливанга «Қана» конидан нефть қазиб олиш имконига эга бўлиши учун кўп йиллар керак бўлади. Чунки у ерда бурғулаш ва қидириш ишлари ҳали амалга оширилмаган. Бу кон ўз ичига олган нефть ва табиий газнинг миқдори ҳам ҳозиргача маълум эмас.

**Агар Эрон Ҳизби (Ҳизбуллоҳ)нинг розилиги бўлмагандан денгиз чегараларини белгилаш бўйича келишув амалга ошмаган бўларди**

Айтиш мумкинки, Эрон Ҳизбининг бундай позицияси Америка ва Исройлга роҳат бағишлади ва келишувнинг амалга ошишига йўл очди. Эрон Ҳизби келишувнинг ҳар бир бандини бирма-бир кўриб чиқаётганини кўрсатишга зўр бериб ҳаракат қилди. Гёёки у «агар биз ва ракеталаримиз бўлмаганда келишув бу тарзда амалга ошмаган бўларди» демоқчидек эди. У бу келишувни ўзининг ғалабаси сифатида кўрсатди... Шундай қилиб, чекиниш ва хиёнат ғалаба сифатида кўрсатилди.

**(Исройл) билан бўлган кураш мавжудлик курашидан чегара курашига айланди**

Ливан (Исройл)га қарши уруш ҳолатидаги мамлакатлардан бири бўлгани учун, бу уруш марказида Эрон Ҳизби туроди ва унинг алифбосини ҳам у белгилайди. У (Исройл)га қарши курашни ёлғиз ўзига чеклайди ва одамларга ўзининг унга қарши курашини принципиал кураш қилиб кўрсатади ҳамда уни тан олмаслигини

даъво қиласи. У ўзининг Ливан давлати қарорлари ортида турганини эълон қилиши билан ҳаммани ҳайратда қолдирмоқда. У бундай позицияси билан муносабатларни нормаллаштиришга нисбатан ўзининг позицияси ўзгарганини ва бу билан бирга (Исроил)га қарши кураш харakterи ҳам ўзгарганини эълон қилмоқда. Буларнинг барчаси Американинг минтақадаги сиёсатига мос равишда кетмоқда.

### **Демаркация келишуви муносабатларни нормаллаштириш келишувидир**

Ливандаги вазиятни назорат қилаётган Америка унинг баъзи муаммоларини ҳал қилишни (Исроил)га боғлаб қўйишни истайди. У аввалроқ электр энергияси таъминоти ҳал этилишини газ ва нефтни Сурия, Иордания, Миср ва (Исроил)дан олишга боғлаган эди. Ливанга иқтисодий кризисдан чиқишида ёрдам бериш учун газ ва нефть қазиб олиш муаммосини ҳал қилишни у билан (Исроил) ўртасидаги денгиз чегаралари устидаги низонинг ҳал этилишига боғлиқ қилиб қўйди. У бунга денгиз чегараларини демаркация қилиш келишуви орқали эришди. Демаркация мавзуси Ливан билан (Исроил) ўртасида муносабатларнинг нормаллаштирилишига йўл очди ва низо эшигини ёпди. Бунинг энг эътиборли томони Эрон ва унинг Ҳизбининг (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириш жиноятига очиқ киришидир... Маълумки, муносабатларни нормаллаштириш сиёсати тинчлик жараёнини аввалги йўналишидан бошқа томонга буриб юборди. Ярашув музокаралари аввал (Исроил) билан Фаластин томони ўртасида бошланиб, кейин унга араб давлатлари ҳам қўшиларди. Энди эса, аксинча, музокара бирон бир араб давлати билан бошланиб, Фаластин аҳли унга етиб олишга ва унинг аравасига чиқишига мажбурланмоқда. Бу Трампнинг «аср келишуви» деб номланган режасидир. Бу билан улар Фаластин масаласини эътибордан четда қолдиришни, бундан кейин ҳам марказий масала, Уммат масаласи ва Исломий масала сифатида кўтарилимаслигини исташмоқда.

### **Демаркация келишуви Американинг минтақани қайта шакллантириш бўйича тузган режасининг бир қисмидир**

Шу ўринда, Эрон учун Ливандаги ушбу келишувдан кейин Эрон Ҳизбига эҳтиёж қолмадими? – деган савол туғилади. Бунга жавоб шуки, Эрон Американинг қўлидаги қуролдир. Эрон Ҳизбининг

қуроли бирон кун ҳам (Исройил)ни йўқ қилишга қаратилмаган. Аксинча, минтақада Америка сиёсатига хизмат қилувчи қурол бўлган. Эрон Ҳизбининг (Исройил)га ёки Америкага қарши барча позициялари ҳақиқатни акс эттиrmайди. Тўғрироғи, Эрон Ҳумайний давридан бери ташқи сиёсатида Америкага тобеъ. Эроннинг Афғонистондан бошлаб Ироқ, Яман, Сурия ва Ливангача бўлган бутун минтақадаги позициялари Америка томонидан белгиланган. Асаднинг ҳокимиятда қолишини қўллаб-қувватлашда ҳам Эрон Ҳизби асосий ролни йўнади. У Эроннинг кўрсатмаси билан ва у билан тўлиқ ҳамкорлик қилган ҳолда, Америка манфаати учун Ливанга ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан таъсир ўтказди. Шунингдек, (Исройил)нинг ўз ечимини Ливанга юклашига ҳам тўсқинлик қилди. У Эроннинг кўрсатмаларига кўра, Ливан ҳам унинг бир қисми бўлган минтақани қайта шакллантирилишида – Эрон Ҳизби етакчилари буни билиши ёки билмаслигидан қатъий назар – Америкага ёрдам бермоқда. Эрон минтақанинг Америка томонидан тузилган янги шаклида найзанинг учи бўлишига интилмоқда. Демак, Ливан ва (Исройил) ўртасидаги денгиз чегараларини белгилаш тўғрисидаги келишув Америка келишуви бўлиб, унинг муваффақиятли амалга ошишига Эрон ва унинг Ҳизби ҳисса қўшмоқда... Энди саволга қайтадиган бўлсак, унинг жавоби шуки, модомики, Американинг минтақани шакллантириши, хусусан Сурияга алоқадор қисмida охирига етмаган экан, Эрон Ҳизбуллоҳни, сақлаб қолади. Унинг Америка ва (Исройил)га қарши баёнотлари ҳам ўзи билан сақланиб қолади. Бироқ, бу нарса (Исройил)ни йўқ қилиш учун эмас, балки Сурияда Америка сиёсатига хизмат қилиши учун бўлади. Кейин, Сурияга Башар бўлмаса ҳам, унга ўхшаган ҳоким келади. Америка Сурияда ўзига холис бўлган, бошқалардек (Исройил) билан муносабатларни нормаллаштириш сари юрадиган ва минтақада шакллантирилган янги тузилманинг бир қисми бўладиган кимсани ҳокимиятга олиб келганидан кейингина, Сурия масаласини ҳал қилиши кутилади.

Демаркация келишуви минтақани қайта шакллантириш бўйича Америка тузган режанинг бир қисмидир. Бу келишув билан минтақани шакллантириш бўйича тузилган режанинг Ливанга алоқадор қисми амалга ошгани учун ундан (Исройил)дан кўра кўпроқ Америка хурсанд бўлмоқда. Келишувдан кейинги ҳаракатлар унинг доирасида бўлиши учун ундаги энг муҳим нарса

унинг амалга ошишидир. Одамлар беш йилга чўзилиши мумкин бўлган вақт давомида иқтисодий ваъдаларнинг амалга ошишини кутиб овора бўладилар. Чунки нефть ва газ қазиб олишни бошлаш учун шунча вақт кераклиги айтилмоқда. Бу даврда Халқаро Валюта Фонди ўз чора-тадбирларини ва одамларга босим ўтказишни охирига етказиб олади. Бу эса, охир-оқибат Ливан иқтисодининг бутунлай эгаллаб олинишига, унинг бойликлари, айниқса, нефть бойлиги фонднинг гаровида бўлиб қолишига олиб келади. Шундай қилиб, Ливан узоқ йиллар давомида қарз тўлаш машаққати остида қолиб кетади.

Ислом яҳудийлар билан сулҳ тузишни ҳаром қиласиди ва Фаластинни Ислом диёрига, яъни Ислом давлатига қайтаришни мусулмонларга вожиб вазифа қилиб юклайди. Шаръий ҳукм доирасидан ташқарида бўлган ҳар қандай келишув ботил бўлиб, шариат наздида ҳеч қандай қонуний кучга эмас. Ушбу демаркация келишуви ҳамда демократик ўйинлар ва халқаро қонунлар орқали Умматга юклangan бошқа ҳар қандай келишув, шунингдек, (Исройл)нинг Фаластин масаласига алоқадор барча келишувлар эътироф этилмаган келишувлар бўлиб, улар Уммат наздида ҳеч қандай қийматга эга эмас. Ҳукмдорлар тарафидан бу келишувларнинг имзоланиши Уммат иродасининг ифодаси эмас. Аксинча, бу келишувлар уларга ҳомийлик қилаётган, ўз мустамлакачилигини қонунийлаштириш учун ҳукмдорлардан қурол ўрнида фойдаланаётган ғарб давлатлари иродасининг ифодасидир... Уммат билан ҳукмдорлар ўртасида жарлик борлигини ғарбнинг ўзи яхши билади. Араб баҳори қўзғолонлари бунинг ёрқин мисолидир. Бугунги кунда Умматни унинг холис ва онгли ўғлонларигина тамсил этади. Шунинг учун ўз етакчилигини шу ўғлонларгагина беради. У Роббисини рози қиласидиган иш ҳақидагина ўйлайди. Зоро, ўзгариш жараёни тезлашмоқда ва барча нарса Исломнинг қайта тикланиб, ҳокимиятга келишига, яҳудийларга қарши уруш очиб, уларнинг давлатини йўқ қилишига ҳамда жиҳодга кенг йўл очишига ишора қилмоқда. Россия-Украина уруши буни тасдиқлаш учун келди. Эртанги кун уни кутган киши учун яқиндир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَاللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰ أَمْرِهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

**«Аллоҳ ўз ишида ғолибdir. Лекин одамларнинг кўплари (буни) билмайдилар»** [Юсуф 12] □

## ҲОКИМ (ҲУКМ ЧИҚАРУВЧИ) КИМ? КИМ ҚОНУН ЧИҚАРИШ ҲҮҚУҚИГА ЭГА? АЛЛОХ ТАОЛОМИ ЁКИ ИНСОНМИ?

Соир Салома (Абу Молик)

Биз «Ғарб тафаккурининг қора қутиси» номли мавзунинг қисқача мазмунидаги унинг асосий қисмида бу саволнинг фикрий пойдеворини қўйдик. Чунки бу савол деярли мавзунинг асосий мавзуси эди. Қонунчиликнинг одамлар қўлига ўтиши натижасида юзага келадиган мураккаб фикрий муаммоларни ҳам баён қилиб ўтдик. Мана энди бу ерда масалани ўз ўрнига қайтарадиган ечимларни таклиф қиласиз. Қонун чиқаришни инсонга эмас, балки яратувчига топшириш қандай натижаларни олиб келади? Биз нега буни қилишимиз (қонун чиқаришни яратувчига топширишимиз) керак? Исломий шариатнинг ўзини ва унинг мўъжизавий хусусиятларини инсонни тузатувчи, ҳақиқатни рўёбга чиқарувчи, адолатни ўрнатувчи ҳамда ҳаётни тўғри тартибга келтирувчи метод сифатида қабул қилиш нега вазифа қилиб юкланган?

Дунёдаги ҳар қандай давлат иккита асосий тамойилга, яъни суверенитет (хўжайинлик) ва ҳокимиятга<sup>1</sup> асосланади. Суверенитет деганда қонун чиқариш салоҳиятига эгалик жиҳатидан давлатда олий ҳокимиятга эга бўлган (турли масалалардаги келишмовчилик ва баҳсмунозараларни ҳал қилишда сўз соҳиби бўлган) томон тушунилади.

Халқлар пайдо бўлганидан бошлаб бу суверенитет ё Аллоҳга ёки инсонга тегишли бўлиб келди. Суверенитет инсонга тегишли бўлганида, у турли шаклларда бўлди. Баъзида Фиръавн каби

﴿أَنَا رَبُّكُمْ أَلَا أَعْلَمُ﴾

«Мен сизларнинг энг олий парвардигорингизман»

[Назиат 24]

﴿مَا عَلِمْتُ لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرِي﴾

«Эй одамлар, мен сизлар учун ўзимдан бошқа бирон илоҳ борлигини билган эмасман»

[Қасос 38]

деб айтган якка шахсга тегишли бўлди. Баъзида эса, Совет Иттифоқидаги коммунистик партия каби ҳукмрон партияга тегишли

(1) Ҳокимият (салтанат) Исломда Умматга тегишилдир. Луғатда: طَلْش – унга ҳокимият ва куч-қувват берди, سلطنه عليه – унга унинг устидан ҳокимият берди, ҳокимият берди, маъною тушунилади. «Султон» сўзи куч ва қувватдир. Яъни у давлатни назорат қилиш ва ҳукмронлик қилиш ваколатига эга бўлган шахс. «Ҳукм», «мулк» ва «султон» сўзлари бир хил маънога эга, яъни қонунларни ижро қиласиган куч. Ҳокимиятга эга бўлиш фақат иккита омил мавжуд бўлгандагина мумкин бўлади: Биринчи: муайян аҳкомлар (бошқарув низоми ва давлатнинг бошқа низомлари) билан одамларнинг манфаатларини бошқариш. Иккинчи: фуқароларни ҳимоя қиласиган, ҳукмларни ижро этувчи ва хавфсиликни таъминловчи куч.

Ҳоким (ҳукм чиқарувчи) ким? Ким қонун чиқариш ҳуқуқига эга? Аллоҳ Таоломи ёки инсонми?

бўлди. Француз инқилобидан олдин, суверенитет «илоҳий ҳуқуқ» деб номланган ҳуқуқ асосида черковнинг қўлида бўлди. Инқилобдан кейин қонунчилик кенгashi вакили бўлган «халқ» қўлига ўтди.

Аслини олганда, қонун чиқарувчилар конституциявий қонуншунос ва ҳуқуқшунослар груҳи бўлиб, вакиллар палатаси (парламент) уларнинг чиқарган қонунларига овоз беради. Улар ўйлаганидек, халқ қонун чиқармайди. Умуман олганда, суверенитет турли шаклларда бўлса ҳам, улар қонун чиқариш салоҳиятини инсонга беришда ўзаро мослашади. Аллоҳ Мұхаммад ни элчи қилиб юборганидан кейин, У зот суверенитетни ёлғиз Аллоҳга чекладилар ва шу асосда давлат барпо этдилар. Ушбу асосга зид бўлган ҳар қандай ҳукмни, унга куфр келтирилиши вожиб бўлган тоғут деб ҳисобладилар. Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, турли даврларда қонун чиқариш ва ишларга ҳукм қилиш салоҳиятининг (ваколатининг) манбаси иккита бўлиб келган, уларнинг учинчи манбаси йўқ. Яъни бу ваколат ё Аллоҳга (Росууллоҳ келтирган шариатга) ёки инсонга (яъни ақлга<sup>1</sup>, ҳавои нафсга) тегишли бўлган. Бунда ақл, ҳавои нафс ҳар хил номланиши мумкин<sup>2</sup>.

Илм-фан, адабиёт, фалсафа, тарих, фиқҳунослик, тилшунослик, инсоннинг уйғониши ва юксалиши, улар (юқорида келтирилганлар) пайдо қилган ҳазоратлар, маълумотли бўлиш учун олинган билим... буларнинг барчаси ақл, бинобарин, тафаккур маҳсулидир. Билим – инсон борлиғи (вужуди)нинг мазмуни, шунингдек, ақлий хulosалар, борлиқ қаърини (моҳиятини) ва ҳаёт жангоҳларини ўрганиш самарасидир. Айни шу самаралар инсоннинг олий мавқеини кўтариб, уни маҳлукотларнинг энг афзалига айлантиради ёки ҳайвондан ҳам паст даражага туширади. Бу самаралар ё инсонни ўз шахсияти билан уйғунлаштириб, ҳаёти давомида тинчлантиради ёки унинг вужудини тубдан силкитиб, безовталанишига ва шак-шубҳага тушишига сабаб бўлади. Улар ё унга оламни тушунтиради ёки уни ҳайратга солиб чалғитади.

Инсон бу борлиқда марказий ўринда туради. Коинот ўзининг бутун орбиталари, самовий жисмлари ва тизими билан ҳаётни қабул

(1) Коинот ҳақиқатларини тушуниш ҳамда эътиқоднинг тўғрилигига хулоса қилиш учун ақл юритиб тафаккур қилишга буюрган Қуръони Каримни ўрганиш орқали унинг бирон бир жойда ақлни камситмаганлигини кўрамиз. Одамлар қонун чиқаришга ва ҳаромни ҳалол қилишга журъат этганларида, улар ақлга эмас, ҳавои-нафсига эргашдилар. Шунинг учун «қонун чиқариш ҳуқуқи Аллоҳга тегишлими ёки ақлами?», деб айтиш ўрнига, «қонун чиқариш Аллоҳга тегишлими ёки ҳавои-нафсами», деб айтиш тўғрироқ».

(2) «Нега айнан Халифаликни барпо этиш керак?», «Роя» газетаси, Мозин Даббоға мақолоси.

Хоким (хукм чиқарувчи) ким? Ким қонун чиқариш ҳуқуқига эга? Аллоҳ Таоломи ёки инсонми?

Қилишга тайёр ҳолда яратилган. Ҳаёт ҳам ўзининг ҳайратланарли мұйыжизалари билан инсонни қабул қилишга тайёр ҳолда яратилган. Ҳаёт занжиридаги әнг юксак маҳлүқот инсон бўлиб, у ўзининг ақли билан юксалади!

Ақл бир қурол бўлиб, инсон у орқали яратувчисини танийди ва ўз борлиғининг сирини англайди. У бу борлиқнинг кўплаб жумбоқларини шу ақл орқали ечади ва уларни ақлий боғлаш, тушуниш, идрок этиш, янги фикрларни яратиш, изланиш, хулоса чиқариш ва ўрганиш орқали талқин қиласди. Ақл мажбурият юкланадиган ўрин (манотут таклиф)дир.

Ақли расо инсоннинг бошқа маҳлүқотлардан мумтозлигига ақлнинг ўрни катта. Яратувчи билан бўлган алоқани идрок этишда ҳам ақлга таянилади. Шубҳасизки, ақл етук аҳамиятга эга бўлган кучли қуролдир. Яратувчи ҳақида хулоса чиқариш ёки борлиқни талқин қилиш жараёнида ақл чиқарадиган ҳукмнинг (далилларга асосланган ва қатъийликни ифодаловчи аниқ хуносаларга боғланган бундай ҳукмнинг) тўғрилиги аниқ ечилган ҳукм эканлигига шубҳа йўқ. Биз бундай ҳукмни ҳеч иккиланмай қабул қилишимиз керак. Лекин ақлнинг эътиқод масалаларига қараганда камроқ аҳамиятга эга бўлган инсон ҳаётини тартибга келтиришга алоқадор баъзи аҳкомларга ҳукм чиқариш қобилиягини ўрганадиган бўлсак, унинг бундай ҳукмларни чиқара олмаслигини биламиз. Ақл қандайдир бир ишнинг чиройли ёки хунуклиги, яхши ёки ёмонлиги, унга савоб ёки жазо белгилангани тўғрисида, шунингдек, бу ишнинг инсоннинг ҳаёт кечириш воситаларини ислоҳ қилиши ёки бузиши ҳақида ҳукм чиқаролмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, ақлнинг ҳукм чиқара олмаслиги, унга ҳукм чиқариш тақиқлангани учун эмас. Балки, ҳукм чиқара олиши учун керакли бўлган воситалар, имконият ва маълумотлар унга берилмагани сабабли чиқаролмайди. Агар ақл қандайдир бир ишга чиройли ёки хунук, яхши ёки ёмон деб ҳукм чиқара олса, албатта унинг ҳукми шариат ҳукмига мос келиши керак. Аммо шариатнинг ҳукми билан ақлнинг ҳукми ўртасида қарама-қаршилик бор. Бу шунга қатъий далолат қиласди, ақл ҳукмларни чиқаришга қодир эмас.

Шунга кўра, ушбу баҳснинг қайсиdir бир жойида, ақл ҳукм қилишда хато қилиши мумкин ёки ақл тафовутланади ёки ҳукм чиқариш ақлга тегишли эмас деб айтсак, биз бундан ақлнинг ўзини эмас, балки ҳавойи нафсни ва майл-истакни кўзда тутамиз. Ақл ҳукм чиқариш қудратига эга эмас. Лекин инсон қонун ва аҳкомларни чиқаришдан тўхтамаяпти. Чунки инсонни ақли эмас, балки ҳавойи

Хоким (хүкм чиқарувчи) ким? Ким қонун чиқариш хүкүқига эга? Аллоҳ Таоломи ёки инсонми?

нафси башқаряпты<sup>1</sup>. Фарб ҳазорати ақлнинг шаънини шу даражада кўттардики, у табиат оламидаги ҳар бир нарса устидан ҳукмронлик қиласидиган бўлди. Шунинг учун биз бу ерда масалани ўзининг тўғри контекстида қўямиз. Биз илмоний либерал рационалликка раддия берганимизда ақл сўзини ишлатишими мумкин, лекин бундан биз ҳавоий нафсни ва майл-истакни назарда тутамиз.

Ақлнинг нима учун ҳукм чиқара олмаслигига келсак, шубҳасиз, у чекланган ва унинг тафаккури маълум доирага чегараланган. Ақл ўзи ёки асари ҳис қилинган воқелик ҳақидагина фикрлай олади. Асари ҳис қилинган воқеликда ақл билан ўша воқеликнинг асари ўртасида муттасиллик, сабабият, иллият ёки шериклик алоқаси каби аниқ алоқа (боғланиш) бўлиши шарт қилинади. Акс ҳолда, у зиддият ва хатога дучор бўлади. Ақл агар ушбу доирадан чиқса, у чиқарган ҳукмдан ёлғон ёки хато сифатини чиқариб юбориш учун уни ҳимоя қилувчи воситалар керак бўлади. Ақл воқеликни тушунтириб берадиган собиқ маълумотларга муҳтоҷлиги билан чекланган. Шунинг учун ушбу собиқ маълумотларсиз фикрлар ва ҳукмларни пайдо қила олмайди.

Ақл ўлчовга муҳтоҷлиги билан чекланган. Бу ўлчов асосида фикрларнинг тўғрилиги, фикр натижаларининг ҳаққонийлиги ва қувватининг даражаси ўлчанади. Шунингдек, бу ўлчов ақлни фактлар ҳақида хатога йўл қўйишдан сақлайди. Ақл чегараларга муҳтоҷлиги билан чекланган. Бу чегаралар ақлнинг ҳукм чиқаришига таъсир ўтказиши лозим бўлган таъсир қилувчи тўғри омилларни, шунингдек, ҳукм чиқариш пайтида ҳукмнинг тўғри чиқарилишига таъсир қилмаслиги учун истисно қилиниши лозим бўлган омилларни баён қилиб беради. Масалан, ақл бирон бир нарса ҳақида тўғри ҳукм чиқариши учун шарҳланиши ирода қилинган воқелик ҳақидаги собиқ маълумотларга таяниши ҳамда ҳукм чиқариш жараёнига ҳукмронлик қилиб, уни бузиши мумкин бўлган собиқ раъйларни, шунингдек, қонун чиқариш масаласида (виждон, замон ва макон каби) омилларни истисно қилиши лозим. Шунингдек, ақл ҳудудга (чегарага) муҳтоҷлиги билан ҳам чекланган. Агар у бу ҳудуддан ўтиб кетадиган бўлса, фикрлаш тақиқланган доирага тушиб қолиши, натижада, тўғри бўлмаслиги эҳтимоли бўлган билимни келтириб чиқариши мумкин. Бунга ўзи ва асари ҳис қилинмаган нарсалар (метафизика) ҳақида изланиш олиб боришни мисол қилиш мумкин. Демак, ақл табиат ортидаги нарсалар ҳақида фикрлаб, тўғри

<sup>(1)</sup> Доктор Маҳмуд Абдулҳодий Фоур, «Фарб тафаккурининг қора қутиси» китобининг обзори.

Хоким (хұмм чиқарувчи) ким? Кім қонун чиқариш ҳұқықига эга? Аллоқ Таоломи ёки инсонми?

Хулосаларға етиб бориши учун фикрлашда түфри тариқаттаға риоя қилишга муҳтож<sup>1</sup>.

Синчковлик билан назар ташлайдиган бўлсак кўрамизки, ақл коинотнинг ҳар бир бурчагини тўлдирган далилларни қидирганда, далиллар натижаларининг түфри ва қатъийлигига ҳұмм қила оладиган доирага киради. Ақл ўз изланишини ўрганилаётган воқеликка мос келган аниқ ва қатъийлик даражасига кўтариш ёки уни гумон доирасида қолдириш ёки унинг ёлғонлигига ҳұмм қилиш учун ўзидаги собық маълумотларга, аксиома ва асосларга мурожаат қилади. Шунинг учун ақл яратувчининг борлиги, шунингдек, яратувчи билан коинот ва инсон ўртасидаги алоқанинг – бу алоқа тартибга солиш ва яратиш алоқаси бўладими ёки әлчилар орқали буйруқ ва қайтариқларни яратувчига боғлаш алоқаси бўладими, ҳеч бир фарқсиз – түфрилиги ҳақида изланиш каби эътиқодий масалаларга ҳұмм чиқара олади.

Ақл амаллар, манфаатлар, оқибатлар, яхшилик ва ёмонлик, чиройли ва хұнук, савоб ва жазо, адолат ва зулм ҳақида ҳұмм чиқаришга алоқадор доирага кирганида, у (воқелик моҳиятини тушуниш каби) баъзи воситаларга эга бўлади. Бироқ, у ушбу изланиш учун зарур бўлган (ушбу воқеликнинг келажакдаги оқибатларини билиш каби) бошқа баъзи воситаларга эга эмас. Яъни ушбу воқелик унга келажакда яхшилик олиб келадими ёки ёмонликми? Бу воқеликда у учун манфаат борми ёки зарарми? Манфаат моддий фойдадан иборатми ёки ахлоқий, инсоний ва руҳий қийматданми? Булар жумбоқлар бўлиб, ақл уларни еча олмайди. Ақл ҳұмм ва қонунларни чиқаришга олиб борадиган фикрий жараён учун зарур бўлган ушбу хусусият ва маълумотларга эга бўлмагани учун ҳұмм ва қонунларни чиқаришни тўхтатиши керак. Инсон қонун чиқаришни ўзига раво кўрганида, қонун чиқариш вазифасини ақлига бермайди, аксинча, ҳавои нафсиға ва майл истакларига беради. Ҳавои нафси уни шундай бир нарсанинг ичига кириб боришга ундейдики, инсон ақли у ҳақида бирон бир сўз айттолмайди. Майл-истак эса, ўзига мос келган нарсани манфаатли қилиб кўрсатади. Биз ақл Аллоқ яратган маҳлуқотларнинг энг буюги ва ҳайратланарлиси деган эътиборда, қонун чиқаришни ундан кутадиган бўлсак, бу билан мукаммал ва гўзал кўринишда бунёд этилган, бироқ, парвоз қилиш механизмига эга бўлмаган машинанинг парвоз қилишини кутган кишига ўхшаб қоламиз.

(1) Биз бу масалани «Билиш назарияси (гносеология) ҳамда фикрлаш ва хулоса қилиш методлари» китобида батафсил баён қилдик.

Ҳоким (ҳукм чиқарувчи) ким? Ким қонун чиқариш ҳуқуқига эга? Аллоҳ Таоломи ёки инсонми?

Ақлнинг қонун чиқариш қобилиятига ҳукм қилиш учун ҳамда унинг (ёки қонун чиқарувчининг) қонун чиқариш имконига эга бўлиши учун биринчи навбатда муайян хусусиятларга эга эканлигини кўрсатувчи тадқиқот олиб бориш лозим. Қабул қилинган қонун маълум хусусиятларга эга бўлиши, маълум билимлар билан бирга бўлиши ва маълум натижаларга олиб келиши керак. Шундагина биз уни инсон ҳаётини тартибга келтиришга яроқли деб айта оламиз.

### **Инсоннинг қонунчиликка ва ҳаёт низомига бўлган эҳтиёжи: нарсалар ҳақида ҳамда ҳаёт ҳақидаги тушунчалар**

Инсон коинотда Аллоҳ унга бўйсундириб қўйган нарсаларга дуч келганида, улар ҳақида фикр юритади. Натижада, бу нарсалар ҳақида унда тушунчалар пайдо бўлади. Нарсалар ҳақидаги тушунчалар ҳамма одамларда деярли бир хил бўлади. Чунки одамларнинг ҳаммаси бир хилда, пиёз ейилади, заҳар агар истеъмол қилинса ўлдиради, девор иссиқдан ҳимоя қиласди ва жинсий муносабат нав ғаризасини қондиради, деб тушунади... Лекин инсон учун пиёз ейиш жоизми ёки тўнғиз гўштиними? Сувни ичиш жоизми ёки маст қилувчи ичимликними? Ерни ижарага бериш жоизми? Маст қилувчи ичимлик каби товарни сотиш жоизми? Бу ҳаёт тарзи инсоннинг ишлари учун миқёсни шакллантирувчи ҳаёт ҳақидаги тушунчаларга эҳтиёж сезади. Яъни ҳаёт ҳақидаги тушунчалар нарсалар ҳақидаги тушунчалар устидан ҳукмронлик қилиб, уларни тартибга келтиради. Шунингдек, бу тушунчалар инсонни ўз эҳтиёжларини ҳеч қандай тартиб ва назоратга риоя қилмасдан қондираверадиган ҳайвонийлик даражасидан инсонийлик даражасига кўтаради. Ҳаёт ҳақидаги бундай тушунчалар катта тугун ҳал қилинганидан кейингина вужудга келади.

Инсон табиатан ижтимоий бўлгани учун нарсалардан фойдаланишда тартиб-интизомга муҳтождир. Яъни инсоннинг турмуш-тарзини, бошқача айтганда, ғариза ва узвий эҳтиёжларини қондирадиган ҳаётдаги ишларини ўзи яшаб турган жамиятга фикр ва туйғу жиҳатидан мақбул қилиб берадиган тартиб-интизомга муҳтоҷ. Шунинг учун жамият низомга муҳтождир.

Шунингдек, жамиятни тартибга келтириш инсоннинг асосий ва камолий эҳтиёжларини қондириш масъулияти юки енгиллаштирилишига олиб келади, товар ва хизматларга ўз имконияти доирасида эришишини кафолатлайди ҳамда фаровон ҳаёт кечиришини таъминлайди.

Шунинг учун ҳар қандай инсон ушбу нарсалар қаршисида ўз ҳавойи-нафсиға мувофиқ ҳаракат қилиши мумкин бўлса-да, бироқ бу унинг тараққий этишига ва фикрий уйғонишига олиб бормайди.

Ҳоким (ҳукм чиқарувчи) ким? Ким қонун чиқариш ҳуқуқига эга? Аллоҳ Таоломи ёки инсонми?

Аксинча, у қарама-қаршиликлар исканжасида қолиши ҳам мүмкін. Унинг ўзи хоҳлагандай эркін ҳаракат қилиши бошқаларга ёки унинг ўзига күлфат келтириши ёки оний манфаат ортидан зарар келиши ёки бунинг акси юз бериши мүмкін. Жамиятсиз ҳаёт тұғри бўлмайди. Агар тартиб-интизом ва ушбу тартиб-интизомни ҳимоя қилувчи механизм бўлмаса, жамият ҳам тұғри бўлмайди<sup>1</sup>.

Кўп одамлар ҳаётда кўр-кўрона юриб, ўз ишларини ўлчовсиз бажарадилар. Шунинг учун уларни яхши деб ўйлаб қабиҳ ишларни қилаётганига, қабиҳ деб ўйлаб яхши ишлардан тийилаётганига гувоҳ бўласиз. Демак, инсон – у мусулмон ёки ғайримусулмон бўлишидан қатъий назар – бир ишга киришишидан олдин ишнинг моҳиятини билиб олиши учун унга ўз ишларини ўлчайдиган ўлчов бўлиши лозим. Хўш, яхшиликни рўёбга чиқарадиган тұғри ҳукмни чиқариши учун инсон қандай белги ва хусусиятларга эга бўлиши керак? Ушбу ўлчовларнинг тұғри ёки нотұғрилигини кўрсатиб берадиган қандай меъёрлар бор? Ҳукмга тұғрилик, бузуқлик, яроқсиз ёки яроқлилик сифатини бериш учун унга ҳукмронлик қиласидиган маълум бир миқёс, хусусият ва белгилар бўлиши нега керак? Бироқ, ақллар чекли ва тафовутли, майл-истаклар ҳукмрон бўлгани ҳолда, ишнинг яхши эканлигини, бугун ҳам, эртанги кунда ҳам унда инсон ва жамият учун яхшилик борлигини қандай қилиб қатъий ва тұғри тарзда белгилаш мүмкін? Бунга қўшимча, бирон бир ишга яроқли, яхши ёки яхши эмас деб ҳукм чиқаришга боғлиқ бўлган масалаларнинг мураккаб экани ёки нисбий ва номукаммал суратда маълумлиги ақл чиқарган ҳукмларга албатта таъсир қиласи. Юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра, инсон кўпинча қабиҳ ишни чиройли деб белгилashi ёки чиройли ишдан юз ўгириб, унинг тескарисини қилиши мүмкін.

Шу боис, Ислом инсон учун манбаси куллий фикрат, яъни ақида бўлган миқёсни белгилаб берди. У нарсаларни шу миқёс асосида ўлчар экан, юқорида айтиб ўтилган барча тўсиқ ва тойилишлардан ўзини четга олади. Натижада, чиройли ишдан қабиҳ ишни фарқлаб олиб, қабиҳ ишни қилишдан тийилади ва чиройли ишни қилишга киришади. Ушбу миқёс ёлғиз шариатдир. Шариат қайси ишни чиройли деб белгилаган бўлса, у чиройлидир ва қайси ишни қабиҳ

<sup>(1)</sup> Ислом ақидасини мисол қилиб олайлик: Ислом ақидани куллий фикрат қилиб белгилади. У инсоннинг муносабатда бўлишини ирова қилган воқеликка нисбатан миқёс қилиб оладиган тушунчаларини шакллантиради. Ушбу миқёс инсон учун фикрий йўлбошли вазифасини бажарип, ҳаётнинг энг оғир сўқмоқларида уни бошқаради. Ислом ақидасининг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари ҳаёт муаммоларига ечимларни беради. Яъни инсон учун ҳаёт ишларини тартибга солувчи аҳкомларни беради. Демак, Ислом низоми воқелик билан инсон ҳаёти учун зарур бўлган ечимлар ўртасини боғлайди.

Ҳоким (ҳукм чиқарувчи) ким? Ким қонун чиқариш ҳуқуқига эга? Аллоҳ Таоломи ёки инсонми?

деб белгилаган бўлса, у қабиҳдир. Бу миқёс доимий бўлиб, чиройли иш қабиҳга ва қабиҳ иш чиройлига айланиб қолмайди. Аксинча, шариат нимани чиройли деб айтган бўлса чиройли, нимани қабиҳ деб айтган бўлса қабиҳ бўлиб қолади. Яхши ва ёмон ҳақида ҳам айни шу гап айтилади. Ушбу миқёс барча замон ва маконда барча инсонлар учун яроқли бўлиб, уларнинг ҳаёти, манфаатлари ва турмушини тўғри тартибга солади. Илмонийлик ва либерализм ҳаётни тартибга келтиришни инсонга топширади. Энди, Аллоҳнинг изни ила, Ғарб белгилаган ёки қабул қилган миқёсларни ўрганиб чиқамиз.

Жамият аъзоларининг жамият иймон келтирган ақидадан балқиб чиқкан низом бўйича яхши интизомини кафолатлаш учун куллий ақида жамият муносабатларини тубдан тартибга солувчи низомни ўз ичига олиши лозим<sup>1</sup>. Чунки одамларнинг манфаатлари тўқнаш келганда ёки бу низомга бўлган қарашлари зиддиятли бўлса, уларнинг ўртасида шу низом ҳукм чиқаради. Жамият учун фойдали бўлган тизимни ҳам шу низом кўрсатиб беради. Бу низом улар учун бир гуруҳ ҳисобига иккинчи гуруҳнинг ҳавои нафсидан ёки бир гуруҳнинг иккинчи гуруҳ нуқтаи назарига зид бўлган нуқтаи назаридан таъсиrlанмаган ҳолда «умумий манфаат»ни белгилаб беради. Ушбу умумий манфаат манфаатларга эришиш ва зарарни даф этиш учун асос бўлиб қолади. Агар у ўзидан ҳаёт низоми балқиб чиқмайдиган ақида бўлса ёки ундан балқиб чиқкан низом ҳаётнинг барча жабҳаларини ўз ичига олмаса (яъни шахсий ҳолат ва ибодатларнинга ўз ичига олса), у руҳонийликка оид руҳий ақида бўлишдан нарига ўтмайди. Шунинг учун у одамларни бошқаришга ва уларни уйғониш йўлига бошлашга ярамайди. Агар у миқёсларни ҳамда инсон ва жамият муаммоларини ҳал этувчи асосий аҳкомларни ўз ичига олмаса, куллий ақида бўлмайди. Бошқа томондан, агар низомлар жамият иймон келтирган ақидага боғлиқ бўлмаса, бундай жамият низомларга амал қилиш учун ички мотивларни топа олмайди. У ақидасининг кўрсатмалари билан татбиқ қилинаётган ва ақидага ҳеч қандай алоқаси бўлмаган низом кўрсатмалари ўртасида зиддиятда яшайди.

Қонунчиликнинг тўғрилиги ва инсон ҳаётини тартибга келтиришга яроқлилигига кафолат бериш учун масалани олти жиҳатдан мұҳокама

(1) Мабда (идеология) ўзидан тузум балқиб чиқадиган ақлий ақидадир. Куллий ақида коинот, инсон ва ҳаётдаги ўзи ёки асари ҳис қилинган нарсалар ҳақида куллий тушунчани беради. Агар ундан инсон ва жамият ҳаёти муаммоларининг ечимларини ўз ичига олуви низом балқиб чиқадиган бўлса, у жамиятларни уйғотишга асос бўлишга яроқли мабда бўлади.

Ҳоким (ҳукм чиқарувчи) ким? Ким қонун чиқариш ҳуқуқига эга? Аллоҳ Таоломи ёки инсонми?

Қиласиз: Биринчи: қонун чиқарувчи томонга ёки қонунчиликнинг түғрилиги ва яроқлилигига алоқадор хусусиятлар билан боғлиқ бўлган жиҳат. Иккинчи: қонун белгиланиши ирода қилинган воқеликни тушунишга боғлиқ бўлган жиҳат. Учинчи: қонунчилик муайян самараларни бериши учун унинг воқеликда татбиқ этилишига алоқадор, яроқлилигини кафолатловчи белги ва хусусиятлар. Унинг түғрилиги ва яроқлилиги воқеликда самара бериш ҳамда муайян мақсадларни рўёбга чиқариш қобилиятида намоён бўлади. Тўртинчи: воқега алоқадор ёки уни тушуниш ёхуд ҳукмни татбиқ қилиш билан боғлиқ зарурый ва тахминий таъсирларни ўрганишда қўлланадиган ўлчовлар. Бешинчи: табиий ва ғайритабиий ҳолатларнинг ҳукмга бўлган таъсири. Олтинчи: Ҳукм ва қонунларнинг ижтимоий ва иқтисодий низомга оид масалаларда бошқа низомлар қонунлари билан бир-бирига зид бўлмаслиги ва низомнинг барча мақсадларига эришишини таъминлаш. Бу мақолада биз ушбу фикрларнинг баъзиларини қисқача кўриб чиқамиз. Батафсилроқ муҳокамани «Ислом шариатининг мўъжизакорлиги: унинг хусусиятлари ва таркибий қисмлари» номли китобимиздан топишингиз мумкин.

### **Қонунчиликнинг яроқлилигини кафолатловчи ҳамда қонун чиқарувчи эга бўлиши лозим бўлган белги ва хусусиятлар**

а) Қонун чиқарувчи қонунларни қабул қилиш ва жамият номидан иш юритиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Шунда ушбу қонунлар асосида мукофотлаш ва жазолаш учун қонуний ҳуқуқقا эга бўлган ваколат мавжуд бўлади. Чунки қонун чиқаришдан мақсад, у татбиқ қилинган пайтда, шахс ва бутун жамиятнинг унга амал қилишидир. Зоро, татбиқ итоат ва амалга ошириш жиҳатидан шахснинг истагига боғлиқ экан, агар шахс ўзи учун ўзи қонун чиқарса, унинг истаги ўзига қарши кафолатланган бўлади<sup>1</sup>. Лекин биз инсон жамиятга қўшилиб яшашга муҳтож бўлгани учун унинг бошқаси томонидан чиқарилган қонунга муҳтожлигини исботладик. Инсон учун қонун чиқарадиган ушбу бошқа томон ё жамоат бўлади ёки давлат бўлади ёхуд дин бўлади. Демократия, илмонийлик ва либерализм кўпчиликни, яъни «умумий ирода»ни<sup>2</sup> ифодалайдиган қонунчилик ёки конституцияни

(1) Доктор Муҳаммад Малковий.

(2) Демократик ёндашув: «Ҳокимиятнинг асоси ёки манбаи халқнинг умумий иродаси бўлиб, ҳокимият халқнинг умумий иродаси натижаси бўлгандагина қонуний бўлади». Абдулҳамид Мутаваллийнинг «Конституциявий ҳуқуқда воситачи» китобидан, 125 саҳифа. «Агар қонун халқ иродасини ифода этса, у мутлақ ҳокимият ҳуқуқидан фойдалана олади». Сайид Сабрийнинг «Конституциявий ҳуқуқ асослари» китобидан, 52 саҳифа.

Ҳоким (ҳұқым чиқарувчи) ким? Кім қонун чиқариш ҳуқуқига эга? Аллоқ Таоломи ёки инсонми?

ярата олмади. Биз бу нарсаны ушбу китоб ва үнинг холосасида құйидагиша исботлаганмиз:

(Халқ суверенитеті тамойилини, яғни шахслар иродасига боғлиқ бўлмаган мустақил ирода мавжудлигини назарий жиҳатдан қабул қиласак ҳам, воқеий жиҳатдан олиб қараганда, халқ иродаси кўпчилик иродаси шаклида намоён бўлади. Бутун халқ иродасига эришиш қийин масаладир. Ҳатто бутун халқ иродасига эришилган деб ҳисоблаганимизда ҳам, суверенитет бутун халққа эмас, кўпчиликка тегишли бўлади. Озчиликни кўпчиликка бўйсундиришнинг қонуний сабаби нимада?!<sup>1</sup>). Кейин уни суверенитетдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг қонуний сабаби нимада?! Бу эса, кўпчиликнинг мустабидлигига ва озчиликнинг ажralmas ҳуқуқларидан маҳрум бўлишига олиб келади.

Демократик фалсафа ўз нүқтai назарини суверенитет мутлақо халққа тегишли деган асосга қуриб, кейин халқнинг катта қисмини сиёсий фаолият ҳуқуқидан маҳрум қилганида қарама-қаршиликка тушиб қолди. Шунинг учун демократия хатарли бўлиб қолди. Чунки у аслида қул бўлганларни ҳур қилиб кўрсатади<sup>2</sup>. У қонунчилик ва конституциянинг доимий равища жамият манбаатларига хизмат қилишини таъминлай олмади. Долзарб масалаларни жамоатчилик муҳокамасига қайтариш ва жамоатчилик манбаатларининг асосий таркибий қисмларини аниқлаш имконини берадиган механизмни ҳам ярата олмади. Яғни у қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жамоат номидан иш юритиш ҳуқуқига эга бўлишини таъминлай олмади. Бунинг ўрнига қонунчиликни конституциявий қонуншунослар, ҳуқуқшунослар ва парламентда кўпчиликни ташкил этган сиёсий партиялар гуруҳи қўлига топшириб қўйди. Ҳолбуки, улар биз айтиб ўтганимиздек, сайловчиларнинг кўпчилигини ифодаламайди. Шундай қилиб, демократик давлатда ҳеч ким жамиятда қонунни амалга ошириш учун берилган ваколатларга эга эмас. Шу сабабли, шахсларнинг қонунларга бўйсуниши ғайритабиий бўлиб қолди. Ҳатто қонун чиқарувчи гуруҳ эга бўлган ҳеч қандай ҳуқуқдан келиб чиқмади. Буни фақат жамият устидан диктатура ва автократия сифатида тавсифлаш мумкин. Бундан ташқари, демократия қонунга итоат қилиш учун туртки бермайди. Энг ёмони шундаки, бандаларнинг бир бирлари учун қонун ишлаб чиқариши, Аллоҳни қўйиб баъзилари баъзиларини худо қилиб олишларидир. Чунки қонун чиқариш қонун чиқарувчига бўйсунишни англаатади. Шунинг

(1) «Конституциявий қонун», Доктор Абдулфаттоҳ Сайдор, 63 саҳифа.

(2) «Ислом ва бошқарув асослари», Доктор Маҳмуд Холидий.

Ҳоким (ҳукм чиқарувчи) ким? Ким қонун чиқариш ҳуқуқига эга? Аллоҳ Таоломи ёки инсонми?

учун ҳам инсонлар озод эмас, балки Аллоҳга тобе қилиб яратилган. Буларнинг барчаси, яратувчи, парвардигор<sup>1</sup> ва ҳукмдор бўлган Аллоҳ Таоло томонидан келган қонунлардан фарқ қиласди.

б) Қонун чиқарувчи хатодан ҳимояланган бўлиши ва бўнинг учун юқорида айтилганларнинг ҳаммасини билиши керак. Шунингдек, у қарама-қаршиликлардан, келишмовчиликлардан, камчиликлардан, хато ва беҳуда нарсалардан ҳимояланган бўлиши ҳам керак. У адолатли бўлиши, ҳеч кимга тажовуз қиласлиги ва унинг қонунчилиги хавфсизликни таъминлаши лозим. Шунингдек, у объектив (холис), мутаассиблиқдан йироқ бўлиши, ўткинчи манфаатларга берилмаслиги ҳамда ҳеч бир томонга ён босмаслиги керак. Биз қонун чиқарувчи одамларнинг кўп ҳолларда объектив эмаслигига ва ўзларининг ёки элитанинг хоҳиш-истаги бўйича иш юритаётганига гувоҳ бўламиз.

Ақлнинг қонун чиқариш қобилияти, яъни муаммоларнинг ечими ва ечимларни бир шодага териш ҳақидаги қарashi ҳар хил бўлади. Шубҳасизки, объективлик, шунингдек, одамлар адолатдан баҳраманд бўлишлари учун жамоат манфаатини топиб, уни белгилаш ва ҳукмларни чиқаришда хатодан сақланиш ушбу ҳар хилликдан таъсирланади. Сақофат, урф-одат, мұхит, истак, завқ (дид) ва ҳавойи нағс, турли ақлий қобилият ва ихтисосликлар, туғма ғаризий майллар... буларнинг барчаси қонун қабул қилиш ва ҳукм чиқаришга таъсир кўрсатади.

(<sup>1</sup>) (الرب) Робб) сўзи араб тилида икки маънода келади: 1 – Хўжайн; яъни тадбир қилиб бошқарувчи, буюрувчи ва қайтарувчи, қонун чиқарувчи ҳукмдор. 2 – Мулкдор; яъни бирор нарсага эгалик қилиш ва тасаррӯф этиш ҳуқуқига эгалик қилувчи. (Доктор Массарийнинг «Шариатнинг устуворлиги ва ҳукмронлиги» китобидан, 28-29 саҳифа. Ибн Форис айтади: «Робб сўзининг ўзаги Р ва Б ҳарфларидан иборат. Биринчи маъно нарсани ислоҳ қилиш ёки тикилашдир. Робб – ҳукмдор, яратувчи ва эгалик қилувчидир. Робб – нарсани ислоҳ қилувчидир. Мисол учун агар бирон бир киши бирор нарсани ислоҳ қилса, фалонча уни ислоҳ қилди (тузатди) дейилади. Аллоҳ маҳлуқотларнинг ҳолатини ислоҳ қилгани учун Роббdir». (Мўжам Мақоисул Луга). Робб – бирор нарсани астасекин камолига етказиши ёки тарбиялаш демакдир. Бу сўз барча яхшиликларни, жумладан, ҳимоя ва адолатли муносабатни бирлаштиради. Робб тарбия қилган зотнинг тавсифидир. Бу сўз эгалик қилувчига ҳам тегишли. Чунки у бор нарласини сақлаб қолади ва ўстиради. Бу сўз, аслида, Аллоҳдан ўзгани назарда тутмайди. Аллоҳ Таолонинг اَنْجَعٌ إِلَيْكُمْ (ҳожангнинг олдига қайт) деб айтиган сўзи каби баъзи ҳоллар бундан мустасно. Ибн Жузай айтади: «Унинг тўртта маъноси бор: Илоҳ, хўжайн, эгалик қилувчи ва ислоҳ қилувчи. Бу маъноларнинг ҳар бири оламлар парвардигори Аллоҳга мос маънолардир. Аммо «Илоҳ» сўзи Аллоҳга хос бўлгани учун уни ишлатиш яхшироқдир. (Баҳрул Мадид тафсири, Ибн Ажиба). Абу Ҳайён Андалусий (Фарнатий) «Баҳрул Мұхит» китобида шундай ёзади: Робб – хўжайн, эгалик қилувчи, собит турувчи, ибодат қилинувчи ва ислоҳ қилувчидир. Баъзилар буларга «соҳиблик қилувчи»ни ҳам қўшадилар».

Ақлий қобилияrtlар күч ва заифликда, зарар ва манфаатта баҳо беришда фарқланади. Қабул қилинган қарорларга ҳавойи нафс ва майл-истаклар таъсир қиласы. Одамлар орасыда қабул қилинган қарорлар түрлича бўлади. Кимдир бир нарсани чиройли деб билса, бошқаси хунук деб билади. Манфаатни рӯёбга чиқариш кайфиятини белгилашда ҳам ақллар бир-биридан фарқ қиласы. Қонунлар давлатдаги жамоат ҳуқуқлари тизими билан қандай уйғун бўлиши кераклигини, шунингдек, қадриятлар тизимиға ва қонунчилик мақсадларига қандай эришиш мумкинлигини ҳам ақллар ҳар хил тушунади. Бирон бир масалага таъсир кўрсатувчи кўплаб мураккаб омилларни ўрганишда, бир омилни бошқасидан устун қўйишда, шунингдек, қисқа ёки узоқ вақтдан кейин қонунлар нимага олиб келишини таърифлашда ақллар фарқланади. Ушбу барча омилларнинг мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Шунинг учун ақлнинг қонун чиқаришга қодир эмаслигини ва қонунларнинг хоҳиш истак асосида чиқарилишига йўл қўймаслик зарурлигини тан олиш керак.

в) Қонун чиқарувчи инсон табиати ҳақида билимга эга бўлиши керак. Инсон учун дунё ва охиратда нима афзал? Инсоннинг аҳволини, ҳаёти ва ишларини нима ислоҳ қиласы? Инсон нималарга бардош бера олади ва нималарга кучи етмайди? Қийинчиликларни енгишда унга нима ёрдам беради? Ҳар доим ва ҳамма жойда инсон учун нима мос келади? Ер юзида ҳақиқат қарор топишига ва адолат ўрнатилишига нима олиб келади? Қонун чиқарувчи булар ҳақида ҳам билимга эга бўлиши лозим.

г) Қонун чиқарувчи қонун чиқарилаётган воқелик моҳиятини билиши керак. Шунингдек, қабул қилинган қарорнинг тӯғрилигига боғлиқ бўлган ёки мавжуд воқеликка таъсир қилувчи масалалар, ҳолатлар ва шароитларни ҳам билиши лозим. Шубҳасиз, бундай масалалар сон-саноқсизdir. Уларнинг таъсири исталган натижага зид бўлиши мумкин. Шунинг учун у ҳақда мулоҳаза қилиш лозим. Масалан, хамр (маст қилувчи ичимлик) ва майсир (қимор ўйинлари)нинг маълум фойдаси бўлиши мумкин, аммо гуноҳи (зарари) фойдасидан каттароқдир. Инсон ақли бирор нарсани тўлиқ эмас, балки нисбий ўлчов билан билиши мумкин. Қонун чиқарувчи жамиятнинг барча (иқтисодий, ижтимоий ва ҳаказо...) масалалари моҳияти ҳақида тўлиқ билимга эга бўлиши керак. Албатта, буларнинг барчаси парламентда ҳар доим ҳам мавжуд бўлавермайдиган техник ваколатларни талаб қиласы. Бундай масалаларда билимдан мутахассисларга мурожаат қилинса ҳам, улар қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлмайди. Шунингдек, улар хатолардан

Ҳоким (ҳукм чиқарувчи) ким? Ким қонун чиқариш ҳуқуқига эга? Аллоҳ Таоломи ёки инсонми?

Ҳимояланмаган ва ўзларининг хоҳиш истаклари таъсирида бўлишади. Улар бу масалаларда қарор қабул қилиш ваколатига эга эмас ва уларнинг фикри умумий иродани ифодаламайди. Бундан ташқари, уларнинг бир хил масалалар бўйича фикрлари турлича бўлади. Масалан, мутахассислар етарли бўлишига қарамай, турли иқтисодий институтлар айрим муаммоларни ҳал қилиш борасида келиша олмаяпти. Буларнинг барчаси, албатта, ҳақиқатнинг ошкор бўлишига, қонунчиликнинг тўғрилигига ва жамият манфаатларини англашга таъсир қиласиди. Ақл бу вазифани енгишга қодир эмас. Демак, қонунлар яратувчи томонидан келиши керак.

д) Бу муаммолар бирон бир ақлнинг ҳукмини бошқа ақллар ҳукмидан ёки бир гуруҳ одамлар ҳукмини бошқалар ҳукмидан устун қўйиш билан ҳал этилмайди. Маълум бир гуруҳ ақлини бошқаларнинг ақллари учун манба қилиб олиш билан ҳам ҳал этилмайди. Айниқса, барча ақллар камчиликларга бўйсунади ва тўғри қарор қабул қилиш учун зарур бўлган таркибий қисмларга эга эмас. Қабул қилинаётган қонунларнинг жамиятда қандай натижаларга олиб келиши ҳақидаги статистик маълумотларни, масалан, никоҳ ва ажralиш каби ҳолатларни ўрганиш билан ҳам бу муаммолар ҳал этилмайди. Чунки жуда кўп мотивлар ва психологияк ҳолатлар борки, улар статистик маълумотларда кўрсатилган натижалардан бутунлай бошқача натижаларга олиб келади. Муаммонинг ечими эмпирик илмий тадқиқот ҳам эмас. Чунки илмий тажриба табиий ҳодисани лабораторияда қайта яратишга ёки бирон бир моддани маълум шароитда синовдан ўтказиб, унинг ҳаракатини кузатишга, кейин хулоса чиқаришга асосланади. Инсон эса ҳодисалар билан ўзаро муносабатда бўлишида атомга ўхшамайди. Синовдан ўтказилиши мумкин бўлган моддадан фарқли ўлароқ, инсон ижтимоий сабабият тизимларини лойихалаш ва уларни бошқариш қобилиятига эга. Шунингдек, миқёслар, мотивлар, яхшилик ва ёмонлик, хоҳиш-истак, маънавий қадрият, буларнинг барчасини лабораторияда тажриба қилиб бўлмайди. Чунки бу инсон онгидан яширин соҳадир. □

## НАМУНАВИЙ ИҚТИСОД НИЗОМИ (5)

Маҳмуд Абдулҳодий

Исломдаги иқтисод низоми ҳар бир шахснинг бойликка эга бўлиш, уни тасарруф этиш ва эҳтиёжларини етарли даражада қондириш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини баён қилиб берувчи шаръий аҳкомлардир. У низомлиги жиҳатидан, бандаларнинг ишларини тартибга солувчи шаръий аҳкомлар мажмуидир. Ислом иқтисодининг предмети молиявий ишларни (мулкка эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш нуқтаи назаридан) бошқаришдир.

Исломдаги иқтисод низоми дунёдаги маълум капиталистик ва социалистик низомлардан фарқ қиласи. У ўзининг келиб чиқсан асоси ва олинган манбасида, ўзи ҳал этаётган иқтисодий муаммони белгилашида, шунингдек, сиёсатида, яъни муаммони қандай ҳал этишида капиталистик ва социалистик низомлардан ўзгачадир. Ислом ҳукмлари ва муолажалари ўрганиладиган бўлса, унинг ўзгачалиги очиқ кўринади.

Исломни тушунишда мусулмонларга етган заифлик, Исломни давлат ва ҳаётдан ажратган мустамлакачилар истилоси, шунингдек, уларнинг низом ва қонунларга, оммавий ахборот воситалари ва таълим программаларига аралashiши каби омилларнинг Исломнинг бузуб кўрсатилишида, одамлар онгига нотўғри фикрлар сингдирилишида таъсири кучли бўлди. Мусулмонларда куфр фикрларига асосланган ақлиялар шаклланди. Мустамлакачи кофир, унинг қонунлари, тарихи ва турмуш тарзи мусулмонларнинг, айниқса, таъсирили лавозимларни эгаллаган зиёлиларнинг диққат марказида бўлиб қолди. Мусулмонларнинг ўз динлари, турмуш тарзи, шу жумладан, иқтисод низомини билмасликнинг кучайишида буларнинг таъсири кучли бўлди. Шунинг учун Исломдаги иқтисод низомини тақдим этиш ва унинг аҳкомларини тушунтириш зарур бўлиб қолди.

**Унинг келиб чиқиш асосига келсак,** иқтисод низоми Исломнинг бошқа низомлари каби ҳақ экани ҳамда Аллоҳнинг бўйруқ ва қайтариқлари деган эътиборда амал қилинишининг вожиблиги исботланган шаръий аҳкомлардир. Шунинг учун у ҳақ бўлиб, ундан бошқаси ботилдир. Чунки унинг асоси қатъий ҳақиқатдир. Яъни у «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Мухаммад Унинг Росулидир» деган шаҳодат калимасига асосланади. Ҳуқуқ ва бурчларни, манфаат ва зарарни, шунингдек, уларнинг қандай аниқланишини кўрсатиб берадиган низомнинг манбаларини айни шу ақида белгилайди. Бу манбалар; Қуръон, Суннат, саҳобалар ижмоси ва қиёсдир.

Ислом манбаларидан олинмаган ҳар қандай ҳукм ботилдир. Чунки унинг тасдиқлангани ёки уни олиш, мажбурият қилиб юклаш ва унга амал қилишнинг вожиблиги исботланмаган. Уни рад этишнинг вожиблиги қатъий исботланган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ أَمْرٌ إِلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيمَانًا﴾

**«Ҳукм фақат Аллоҳни кидир. У зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир»** [Юсуф 40]

Шунга кўра, Қуръон ва Суннат, шунингдек, ваҳий эканига ҳамда ушбу манбалардан олинган исломий фиқҳ эканига Қуръон ва Суннат ишора қилган манбалар (ижмо ва қиёс) Исломдаги иқтисод низомининг манбасидир.

Капиталистик низом одамлар хатти-ҳаракатидаги ҳақ ва ботилни, чиройли ёки хунукни белгилаш кайфиятини баён қилиб берадиган, шунингдек, бойликка эга бўлиш ва уларни тасарруф этиш кайфиятини кўрсатиб берадиган ишончли, ақлга таянган асосга эга эмас. Чунки у қонунлар манбаларининг ҳақиқийлигини ёки қонунларнинг тўғрилигини исботламай туриб, қонун манбаларини белгилайди ва қонунларни қабул қиласди. Бинобарин, у ҳавои-нафсга ва майл-истакларга таянади. Натижада, ким нуфузга, бойликка ва кучга эга бўлса, жамиятнинг бошқа вакиллари устидан ёки бошқа жамиятлар устидан ҳукмронлик қиласди.

Капиталистик низом қонунлар манбаларини белгилаш ҳамда шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини аниқлаш учун яроқли бўлган асосга эга бўлмагани сабабли, у бу масалани четлаб ўтиб, шахслар учун эркинликлар бўлиши лозимлигини даъво қиласди. У ўзининг изланиш ва тадқиқотларини нарсалар ва инсоннинг хусусиятларига, унинг хатти-ҳаракатларига қаратади. Бу тадқиқот муаллифлари ўз фикрларида илм-фанга асосланишларини даъво қилишади. Натижада, иқтисод илми билан иқтисод низомини аралаштириб, уларни битта нарсага айлантиришади. Аслида эса, улар бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил мавзудир.

Исломга келсак, у иқтисод низомини баён қиласди. Унинг пулга ва бойлиқдан фойдаланишга алоқадор ишлар ва хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган ҳукмлари пулга эга бўлиш ва уни тасарруф этиш кайфиятини баён қиласди. Яъни бу ҳукмлар пулни кўпайтириш ва сарфлаш ҳамда эҳтиёжларни қондириш кайфиятини, шунингдек, қондиришни таъминлаш масъулияти кимнинг (ота, ўғил, эр, қариндошлар, Уммат ёки давлатнинг) зиммасига тушишини баён қиласди.

Бойлик ёки пулни қандай топиш ва кўпайтиришни, шунингдек, товар ишлаб чиқаришни ва хизматларни қандай кўпайтиришни ўрганиш иқтисод низомининг тадқиқотларидан ва унинг аҳкомларидан эмас. Чунки уни ўрганиш иқтисод низомига эмас, балки илм-фанга ва иқтисод илмига алоқадордир. Шариат унинг илмини ўрганишга, фуқароларга маслаҳат бериб энг фойдали нарсага эришишга унданған ва уни вожиб қилган бўлса ҳам, у шаръий иқтисодий сиёсатнинг мубоҳ саналган режа ва услублари сирасига киради. У Росулуллоҳ : «Дунёвий ишларингизни сизлар билувчироқсиз», деб хабар берган ишлардандир. Шунинг учун ерларга ишлов бериш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва такомиллаштириш, чорвачиликни ривожлантириш йўлларини ўрганиш учун олиб бориладиган илмий тадқиқотлар иқтисод низомининг тадқиқотлари эмас. Бозорни, истеъмолни, маркетингни, техник-иктисодий асосларни ёки иқтисодий операцияларни ўрганиш ҳам иқтисод низоми тадқиқотлари эмас.

**Капиталистик низомга кўра, иқтисодий муаммо товар ва хизматларнинг, шунингдек, эҳтиёжларни қондириш воситаларининг нисбий таққислигидир;** Шунинг учун бу низом ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва бозорда хизмат ўринларини таъмин этишга қаратилган. Унга кўра, бу билан муаммо ҳал бўлади ҳамда шахслар нархини тўлаш орқали ушбу воситаларга эга бўлиш ва эҳтиёжларини қондириш имконига эга бўлишади. Уларнинг фикрича, нарх бойликнинг адолатли тақсимланишини кафолатлади; Чунки нарх бир чеклов бўлиб, у инсонни эга бўлиш ва истеъмол қилишдан ўз ресурсларига мос чегарада тўхташга мажбур қиласди. Нархга ёки нархга муқобил бўлган товар ва хизматларга эришиш ишлаб чиқаришга ва куч сарфлашга ундовчи омилдир. Шундай қилиб, уларнинг фикрича, нарх ёки нарх механизми шахсларга бойликни тақсимлашни тартибга солувчи омил бўлади.

Бу ақли расо одам айтиши ёки қабул қилиши мумкин бўлган энг ғалати нарсалардан бири бўлиб, бу уларнинг бойликни тақсимлаш борасидаги қобилиятсизлигидан ва нотўғри йўлдан боришидан далолат беради. Бу эса, куч сарфлашга қуввати етмаган, ишлаб чиқаришга истеъдоди бўлмаган кишиларни, яъни нархга эга бўлмаган кишиларни ўлимга ёки маҳрумликка маҳкум қилиш демакдир.

**Иқтисодий муаммо** бойликни яратишда ҳам, ишлаб чиқариш ва уни кўпайтиришда ҳам эмас. Чунки одамлар табиий равишида эҳтиёжларини қондиришга, бойликка эга бўлишга, ишлаб чиқаришга ва ундан фойда олиш учун ишлаб чиқаришни кўпайтиришга интиладилар. Бойлик мавжуд бўлиб, муаммо уни яратишда эмас.

Аксинча, муаммо унга қандай әгалик қилиш ва қандай тасарруф этишда. Бойликнинг тўғри тасарруф этилиши ҳар бир шахснинг ўз эҳтиёжини қондириш имконига эга бўлишига олиб келади. Шунда уни бойлар ва қудратлилар әгаллаб олмайди. Бойликнинг бой ва қудратли кишилар томонидан әгаллаб олиниши, қашшоқларнинг кўпайишига, эксплуатация ва зулмнинг кучайишига, шунингдек, гарчи пул (бойлик) кўп бўлса ҳам, қашшоқлик, маҳрумлик ва ишсизликнинг кенг қулоч ёйишига олиб келади.

Исломдаги иқтисодий сиёsat инсон ишларини бошқаришга боғлиқ бўлган аҳкомларга қаратилади. Бу аҳкомлар ўзига хос турмуш тарзга эга бўлган муайян жамиятдаги ҳар бир шахснинг барча асосий эҳтиёжларини тўлиқ қондириши ҳамда унинг имкон борича камолий эҳтиёжларини қондириш имконига эга бўлишини кафолатлади.

Исломдаги иқтисод низоми асосланган қоидаларни баён қилишдан олдин, мавзуга алоқадор баъзи таърифларни бериб ўтиш лозим:

**Бойлик – пул ёки меҳнат йиғиндисидир.**

1 – Пул – сотиш, ижарага бериш, совға қилиш, қарз ёки кредит бериш орқали фойдаланиш учун молияланадиган барча нарса... Пул (бойлик) олтин, кумуш, доллар, фунт, риял каби нақд пулларни... кийим-кечак ва озиқ-овқат каби товарларни... ҳовли ва корхона каби кўчмас мулкларни... ва булардан бошқа молияланадиган бошқа нарсаларни ўз ичига олади.

2 – Саъй-ҳаракат – пул топиш ёки пул манфаатини қўлга киритиш учун сарфланадиган фикрий ва жисмоний меҳнатdir.

3 – Манфаат – нарсанинг инсон эҳтиёжини қондиришга яроқлилигидир.

4 – Нарсадан фойдаланиш ё олма ёки ноннинг айни ўзини истеъмол қилиб тутатиш орқали ёки автомобил ва уй-жой каби истеъмол қилинмайдиган нарсалардан фойдаланиш орқали бўлади.

5 – Нарса ёки товарнинг қиймати ундаги манфаат миқдоридир. У шахсга қараб ўзгармайдиган реал нарса бўлиб, танқислик омилини эътиборга олганда деярли доимий бўлади. У нархдан бошқа нарсадир.

6 – Нарса ёки товарнинг нархи жамият баҳосига кўра қиймат ўлчовларидан биридир. Унинг белгиланиши ҳақиқий қийматта, таклиф ёки талабнинг кўп ёки камлигига ва шахсга боғлиқ. □

## ИҚТИСОДИЙ МУАММО ВА ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ... ҚАШШОҚЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

Устоз Аҳмад Қасос

Иқтисодий низом инсон учун қонун бўлар экан, унинг вазифаси бошқа барча қонунлар сингари инсон муаммосини ҳал қилишдир. Бу ерда муаммо иқтисодий муаммо, яъни одамлар ўртасида бойлик алмашинуви масаласидир. Бу бойлик замонавий ибора билан айтганда товар деб аталадиган нақд пулми ёки ҳозирда хизмат деб аталадиган манфаат келтирувчи саъй-ҳаракатларми (ишчи кучими) фарқи йўқ. Демак, иқтисодий қонунчиликтаги асос-пойдевор иқтисодий муаммони аниқ белгилаб беришдир. Яъни Иқтисодий низом муолажа қилиши лозим бўлаётган муаммо нима эканини аниқ билиб олишдир.

Иқтисодий низом муолажа қилиши лозим бўлган муаммога инсон муаммоси ва инсоний жамият муаммоси сифатида қаралиши керак. Агар қонунчилик муаммони шу нуқтаи назардан келиб чиқиб муолажа қилса, у ер ёки бу ерда учраган тасодифий муаммони эмас, балки инсон муаммосини ва инсоний жамият муаммосини ҳал қилган бўлади. Шунда ушбу низом ҳар қандай замон ва макондаги инсон ва жамият учун яроқли бўлади.

Инсонлар томонидан чиқарилган қонунлар, шу жумладан иқтисодий низомларнинг балоси шундаки, улар инсон муаммоларини ҳал қилмайди, балки ўзига хос ҳазорий ва тарихий хусусиятларга эга бўлган муайян жамиятни безовта қилаётган тасодифий муаммоларни ҳал қилиш учун мўлжалланган. Масалан капиталистик низом Фарб жамиятларига ўрта асрлар давомида маълум бўлган феодал низомнинг емирилиши шароитида вужудга келган. Социалистик низомлар эса ўз навбатида, барча кўринишиларида, капиталистик низом қўлланилган мамлакатларда юзага келган инқизорзларга реакция сифатида ва бойлик жамиятдаги озчилиқдан иборат бир ҳовуч гурӯҳ қўлида тўпланиши ва кўпчилик қашшоқ ва камбағал яшаши оқибатида юзага келган адолатсизликдан қутилиш сифатида пайдо бўлган. Демак, иқтисодий муаммони иқтисод назариётчилари ўзлари яшаган ўзига хос воқелик билан таъсирланган ҳолда тасаввур қилишлари иқтисодий қонунчиликларининг асоси бўлиб қолди.

Биз ҳозирги воқеликда капиталистик низомнинг иқтисодий муаммо ҳақидаги тушунчасини танқид қиляпмиз. Чунки бу тушунча капиталистик низомни пайдо қилган. Дарҳақиқат, капиталистик қонунчилар иқтисодий муаммони «товар ва хизматларнинг тақчиллиги»да деб тушунишди. Капитализм назарида ва унинг

хаёттинг маңноси ҳақидаги түшүнчесида инсоннинг товар ва хизматларга бўлган интилиши доимий ва барқарор равишда ошиб боради ва ҳеч қандай чегарада тўхтамайди. Товар ва хизматларнинг чекланганилиги эса ушбу интилишларга тўсқинлик қиласди ва бу унинг ўз интилишларини тўйдирисх имкониятини чеклаб қўяди. Шунингдек, бу фарб ҳазоратининг баҳт ҳақидаги түшүнчесига кўра унинг баҳтини чеклади. Шунинг учун иқтисодий қонунчиликнинг асосий вазифаси ушбу бойликни доимий ва барқарор равишда кўпайтиришини кафолатлайдиган низомни ишлаб чиқиш деб ҳисобланади. Токи инсонга ўшаларга эришиш орқали ўз интилишларини кўпроқ қондириш имконияти туғилсин. Бу эса капитализмдаги қонун чиқарувчи иқтисодий низом билан иқтисод илмини фарқлай олмаслигини англатади. Бу капиталистик тафаккур ҳукмрон бўлган замонавий иқтисоддаги ўсиш, ривожланиш, миллий даромаднинг юксалиши ва шунга ўхшаш атамалар қанчалик даражада нотўғри тушунилаётганини кўрсатиб турибди.

Аммо бойликни жамиятдаги шахслар ўртасида ҳар бир шахснинг асосий эҳтиёжлари қонадиган даражада тақсимлаш жараёнинг келсак, капитализмдаги қонун чиқарувчи иқтисодий низомнинг вазифаси ҳар бир шахснинг асосий эҳтиёжларини қондириш эмас, балки бу эркин рақобат ҳамда талаб ва таклифга ташлаб қўйилган деб тушунади. Шунинг учун ким товар ва хизматни хоҳласа, уни қўлга киритиш учун товар ёки хизматнинг пулига эга бўлишга имкон берадиган саъй-ҳаракатларни амалга ошириши керак. Иқтисодий мұаммони мана шундай тушунишдан пайдо бўлган ушбу капиталистик тузум натижасида миллий бойлик ниҳоятда кўпайди. Лекин озчилик одамлар ўз эҳтиёжларини қондирадиган миқдордан бир қанча баробар кўп бойликка эришган бир пайтда, оддий одамларнинг аксарияти асосий эҳтиёжини ҳам қондира олмайдиган даражага тушиб қолдилар.

Аммо исломий иқтисодий қонунчилик бу иқтисодий түшүнчадан бутунлай фарқ қиласди. Чунки у аввало инсон томонидан эмас, балки Аллоҳ ҳузуридан инсонга келган қонундир. Бундан ташқари, у тарихий ва ҳазорий шароитларда тасодифан бўладиган иқтисодий мұаммони муолажа қилиш учун нозил бўлмаган. Араб ярим оролида Росууллоҳ  га нозил бўлган исломий шариат инсоннинг мұаммосини инсон сифатида ва жамоатнинг мұаммосини жамоат сифатида муолажа қилиш учун келган. Шунингдек, у еттинчи милодий асрда Араб ярим оролидаги араблар учунгина келмаган. Шунинг учун мұхити, одати ва иқтисодий фаолияти ҳар хил бўлишидан қатъий назар, ер юзининг барча қисмларида уни яхши

тушуниш ва татбиқ қилиш даражасига қараб унинг натижалари ҳайратланарли эди. Бинобарин, исломий шариат муолажа қилиш учун келган иқтисодий муаммо инсоннинг бу муаммони идрок этиш қобилиятига қарамай, мусулмон назариётчилари ва Ислом ҳуқуқшунослари ёки мужтаҳидларига ташлаб қўйилмади. Балки илоҳий қонуннинг ўзи буни белгилаб берди.

﴿لَا يَعْلَمُ مِنْ حَلَقَ وَهُوَ الظَّيْفُ الْخَيْرُ﴾

**«(Ахир) яратған зот (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) билмасми?!  
У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) хабардор зотдир»** [Мулк 14]

Инсон ва жамоанинг воқеени тушуниш ҳамда исломий иқтисодий қонунчилигини ўрганиш орқали иқтисодий низом муолажа қилиши лозим бўлган иқтисодий муаммо капиталистик низом тасаввур қилганидек товар ва хизматларнинг етишмаслиги эмаслигини билдик. Инсон ўзининг узвий эҳтиёжлари ва айрим ғаризаларини қондириш учун керак бўладиган товар ва хизматлар Аллоҳ юратиб, инсонга бўйсундириб қўйган табиий бойликлардир. Қолаверса, Аллоҳ Таоло инсонга ақлий ва жисмоний меҳнат самарасини алмашиб, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги орқали табиий бойликлардан фойдаланиш имконини берадиган ақлий ва жисмоний қобилияtlарни берган. Ресурсларнинг етишмаслиги ҳолатлари вақтинчалик ва истисноий бўлиб, улар пайдо бўлган пайтда кўриб чиқилиши керак. Бундан ташқари, инсон табиий ресурслар ва инсон қобилияtlаридан фойдаланган ҳолда товар ва хизматларни кўпайтириш ҳуқуқига эга. Буларнинг барчаси одамларнинг тадбири ва билимига ташлаб қўйилган иқтисод фанига киради. Бу ҳақда Пайғамбаримиз ﷺ Ином Муслим ривоят қилган саҳих ҳадисда шундай дейди:

«أَنْتُمْ أَعْلَمُ بِأُمُورِ دُنْيَاكُمْ»

**«Дунё ишларингизни ўзинглар яхшироқ биласизлар».** Бу нарса қонунчилик масаласи бўлган иқтисодий низомдан эмас.

Аммо ҳақиқий иқтисодий муаммо бойликни одамлар ўртасида одилона тақсимлашдир. Зоро, бунда ҳар бир инсон ўзининг асосий эҳтиёжларига кифоя қиласидиган заруратга эга бўлади. Шунингдек, ҳар бир шахс ўзи истаган ва қурби етган даражада камолий эҳтиёжларини рўёбга чиқаради. Бу иқтисодий муаммо бўлиб, исломий иқтисодий низом уни муолажа қилиш учун келган ва уни самарали муолажа қилишга олиб борадиган шаръий ҳукмлар тизимини белгилаган.

Ислом шахс ва жамоатни ишлаб чиқариш ва бойликни күпайтиришга рағбатлантиришига қарамай, бойликни күпайтириш воситаларини баён қилмади. Восита ва қуролларни инсонга ва унинг истеъдоди ва ижодига қолдирди. Аммо бойликни одамлар ўртасида тақсимлаш кайфиятини мана шу кайфиятда адолатни рўёбга чиқариш учун иқтисодий қонунчиликнинг масаласи қилиб белгилаган. Пул ва унинг мұомаласига оид буйруқ, тақиқ ва рухсатлар иқтисодий низомнинг мавзуси ҳисобланади. Ислом низоми ҳал қилиши лозим бўлган бу мұаммога мувофиқ тарзда исломий иқтисодий сиёсат пайдо бўлди. Шу ерда биз иқтисодий сиёсат мұҳокамасига ўтамиз. Иқтисодий сиёсат – иқтисодий низом ўз қонун-қоидалари билан интилаётган мақсад бўлиб, агар у низом татбиқ этилса, яъни унинг ҳукм ва қонунлари ижро қилинса, унга бўйсунувчи одамлар воқеида ушбу мақсад рўёбга чиқади.

### **Шундай экан, Ислом олиб келган иқтисодий сиёсат нима?**

Исломдаги иқтисодий сиёсат фуқароларнинг ҳар бирининг асосий эҳтиёжларини бирма-бир тўла қондиришни рўёбга чиқариш ҳамда одамларнинг барчасига ўзларининг камолий эҳтиёжларини хоҳлаганча ва қудрати етганча амалга оширишга имкон беришdir. Шундай қилиб, ушбу сиёсат батафсил равища қўйидагиларни англатади:

1 – Ҳар бир инсоннинг асосий эҳтиёжи ейиш-ичиш, кийиниш ва бошпанадан иборат экан, Ислом низоми ҳар бир шахснинг ушбу эҳтиёжларини қондириш лозимлигини таъминлайди. Зеро, давлат бирорта ҳам фуқаросини озиқ-овқатсиз, кийимсиз ва бошпанасиз ташлаб қўйиши жоиз эмас. Шунингдек, агар шахс ушбу эҳтиёжларини ўзи учун таъминлашга қодир бўлмаса, уни ўша эҳтиёжлар билан таъминлаш давлатга вожиб бўлиб қолади. Бу эса, камбағалликка чек қўйиш деганидир. Чунки камбағаллик асосий эҳтиёжларни қондира олмаслиkdir.

2 – Ушбу эҳтиёжлардан юқориси камолий эҳтиёжларdir. Ҳар бир инсонда ўзининг камолий эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилиш ҳуқуқи бор. Зеро, унга бойлигини күпайтириши тақиқланмайди. Шунинг учун иқтисодий низом инсон қонуний йўллар билан эга бўлган бойлик учун маълум бир чегарани белгилаши жоиз эмас.

3 – Одамзотнинг бойликка эга бўлиш ва уни күпайтириш ҳуқуқига келсак, инсонга бойликка эгалик қилиш ва уни күпайтириш ҳуқуқини беришда унинг ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган жамиятда яшаётганини ҳисобга олиш керак. Яъни бу Ислом турмуш тарзи бўлиб, у ниманидир талаб қиласа, ниманидир тақиқлади ва нимагадир рухсат беради. Шунинг учун Ислом одамлар ўртасида

бойликтегі чиройлы тақсимлайдиган ва фаровонликни рүёбга чикарағандың қонунлар билангина чекланиб қолмади. Балки бойликтегі борасыда баъзи нарсаларни вожиб қылса, бошқасини ҳаром қилди. Бу эса исломий ҳаёт тарзини барпо этиш учун Ислом белгилаган олий ғояларни рүёбга чикарағади. Бу ғоялар инсоннинг наслини сақлаб қолиш, ақл-идреки, инсоний шарафни, инсоннинг ўзлигини, хусусий мұлкни, динни, хавғасызликни, шу жумладан давлатни муҳофаза қилишдан иборатдир. Шунга кўра, ушбу олий ғояларни рүёбга чикариш учун бойликтан инфоқ қилишни вожиб қилди. Бойликтегі эга бўлиш ва уни кўпайтиришда айрим воситаларни ҳаром қилди, бундан мақсад эса бойликтегі сақлаш бўлди. Шунинг учун ароқ ва чўчқани ношаръий мұлк қилиб белгилади. Бошқача айтганда, уларнинг мұлкчилик сифатини йўқ қилиб, уларга эгалик қилишдан ва қандай шаклда бўлмасин улардан фойда кўришдан қайтарди. Шунингдек, қимор ва рибо орқали мұлкчиликни ривожлантиришни ҳамда фоҳишалик орқали пул топишни ҳаром қилди.

Пул топишдаги бурчлар ҳамда мұлкчилик ва уни ривожлантиришдаги ҳаром йўлларга қарасак, бу вожиб ва тақиқларнинг баъзилари бевосита бойликтегі тақсимлашга боғлиқ эмас, балки турмуш тарзини сақлаб қолишга алоқадордир. Зоро, иқтисодий низом биз исломий деб атайдиган мұайян яшаш тарзига эга жамиятни пайдо қилиш учун жорий қилинган бошқа исломий низомларнинг бир қисмидир. Шунга кўра, Ислом иқтисодиётни рағбатлантириш, сайдёнларни жалб қилиш, фуқароларнинг бойлиги ёки миллий даромадни кўпайтириш баҳонасида шариат қоидаларидан холи бўлган, тақиқланган кўнгилочар масканлар, дискотекалар, меҳмонхоналар, беҳаёликни кўрсатувчи кинотеатрлар ташкил этилишини қабул қилмайди.

Исломдаги иқтисодий низомнинг энг мұхим мақсадларидан бири бўлган қашшоқликни бартараф этиш масаласига қайтадиган бўлсан, Ислом бу мақсадга эришиш учун қандай ҳукмлар чиқарган?

Исломий иқтисод низомида қашшоқлик кўринишини чекловчи энг мұхим жиҳат бу низомнинг ўзи. Бу нарса шахсий мұлкка эгалик қилиш ва уни ривожлантиришда у рухсат берган ва тақиқлаган йўлларда, мұлкчиликни шахсий, умумий ва давлат мұлкига ажратишда, фуқаролар ўз молидан инфоқ қилишида ҳамда давлат бойликтегі тақсимлашдаги мувозанатни сақлашида ўз аксини топади.

Аммо Ислом шахсий мұлкка эгалик қилиш ва уни ривожлантиришда тақиқлаган йўлларга келсак, Ислом тақиқлаган йўллардан бири бу рибодир. Капиталистик низом асос соглан-

судхўрлик банклари оддий халқнинг пулларини, кичик бир гуруҳнинг чўнтағига солиб, қанчадан-қанча фалокат келтиргани ҳамда пул бадавлат пул китлари қўлидаги бойликка айланиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Ислом белгилаган ҳукмлар қаторига тижорат ширкатларининг амал қилиш ва фойда олиш шартларини ўз ичига олган ширкат ҳукмлари ҳам киради. Зеро, мана шу шартларга кўра ҳиссадорлик жамиятлари каби капиталистик ширкатлар ножоиз ҳисобланади.

Бундан ташқари, сир эмаски, бу турдаги жамиятлар судхўр банклар билан бир хил ролни ўйнайди. Яъни оддий халқнинг пулларини тортиб олиб, уни капиталист, тадбиркор ва пул китларидан иборат кичик бир гуруҳ қўлига топширади. Кўпинча бу нарса одамларнинг пулларини исроф қилиш ва уларни қашшоқлаштиришга олиб келиши ҳам сир эмас. Жумладан, капиталистик низом туфайли бугунги кунда машҳур бўлган шартнома турлари, масалан қарзларни сотиш ва сотувчини ҳузурида йўқ бўлган нарсани сотиши кабилар Ислом дини томонидан тақиқланган. Айнан шу турдаги операциялар шундай шартнома ва катта миқдордаги пул муомалаларининг пайдо бўлишига олиб келадики, уларда аслида мавжуд бўлмаган виртуал товарлар сотилади ва сотиб олинади. Натижада, кўпинча қимор ўйинларида бўлгани каби, катта миқдордаги пуллар оддий одамларнинг чўнтақларидан капиталистларнинг кичик бир гуруҳи чўнтағига тушади. Бундан ташқари, Ислом ҳаром қилган бир неча шаклдаги битимлар борки, улар бойликни одамларнинг кичик бир гуруҳи қўлига ўтиб кетишига олиб келади.

Аммо Исломнинг мулкчиликни шахсий, умумий ва давлат мулкига ажратишига келсак, унинг умумий мулкни белгилаб бериши бойликнинг бойлар қўлида тўпланмаслигининг олдини олишда катта рол ўйнайди. Чунки Ислом шахсларга бир қанча мулкларни ўзиники қилиб олишдан қайтариб, уларни умумий мулкка айлантирган. Бу турдаги мулкчиликнинг энг муҳимлари турли шаклдаги конлар ҳамда нефть ва газ конларидир. Шариат фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва улардан келадиган даромадни фуқаролар ўртасида тақсимлашни давлатга юклаган. Ҳеч кимга сир эмаски, фойдали қазилмалар энг катта бойлик бўлиб, бу бойлик уларга эга бўлган давлатларни, гарчи улар саноати ва қишлоқ хўжалиги ривожланган давлат бўлмаса ҳам, дунёning энг бой давлатларига айлантиради. Дунёning аксар мамлакатларида, жумладан, Ислом олами мамлакатларида бугунги кунда шу нарса кузатиляптики, жисмоний шахслар ёки хусусий компаниялар бу мулкларни – уларнинг активларини сотиш ёки уларга

сармоя киритиш орқали – ўзлаштириб олган. Ислом эса, жисмоний шахслар ёки хусусий компанияларга уларни мулк қилиб беришни тақиқлайди. Бундан ташқари, бу мулқдан олинадиган даромад давлат фуқаролари ўртасида бойликтинг бир маромда тақсимланишини кафолатлади.

Давлатнинг бойликини тақсимлашда мувозанатни сақлашга аралashiшига келсак, давлат даромади чекланганлар ва кичик лойиха эгаларининг турмуш даражасини кўтариш учун ўзининг давлат мулки турига мансуб бойликларидан уларга беради. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло шундай дейди

﴿كُلَّا يَكُونُ دُولَةً بَيْنَ الْأَعْنِيَاءِ مِنْ كُمْ﴾

**«Токи сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиган нарса бўлиб қолмаслиги учун»** [Ҳашр 7]

Пайғамбаримиз ﷺ эса ўлжаларни бой-бадавлат кишиларга эмас, камбағал саҳобаларга бўлиб берган эдилар.

Аммо Ислом фуқароларнинг ўз бойликларидан инфоқ қилиши учун вожиб қилиб қўйган нарсага келсак, уларнинг энг аҳамиятлиси Ислом бойларга, тижорат товарларига ҳамда Исломда тилла ва кумушдан иборат пулларга, чорва молларига ва қишлоқ хўжалиги ҳосилларига юклаган закотdir. Зоро, шариат закот пуллари сарфланадиган энг муҳим жойлар камбағаллар, мискинлар ва қарздорлар деб белгилаган. Оддий ҳисоб-китоблар билан ҳам, бу мажбурият бойлик тақсимотида мувозанатни сақлашнинг яна бир муҳим кафолати эканлигини кўриш мумкин. Энди бунга шариат вожиб қилган фитр садақаси, айрим гуноҳларга бериладиган кафоратлар, чиройли қарз деб номланадиган қўшимча садақа ва қурбонликларни қўшсантиз тақсимот қандай бўлишини янада ёрқинроқ кўрасиз.

Шунингдек, шариат ҳар бир меҳнатга лаёкатли, ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлганидан ортиғига эга бўлган кишиларга ўзи боқиши лозим бўлган одамларга нафақа қилиш мажбуриятини юклаган. Зоро, нафақа аёли ва кичик фарзандларигагина чекланиб қолмайди, балки у ота-она ҳамда ҳақиқатдан ёки ҳукман ўзини боқишдан ожиз катта ёшдаги болаларга ҳам тегишилди. Шунингдек, бу тамойил ҳатто у вафот этган тақдирда унинг меросига даъвогарлик қилиши мумкин бўлган барча шахсларга, масалан, набиралар, бобо-бувилар, ака-ука ва жиянларга белгиланган тартибида тааллуқлидир.

Ниҳоят, ва энг муҳими, Ислом қашшоқликка қарши курашда бу кафолатлар билан қаноатланмади, балки у ҳар бир шахснинг

қашшоқлигини йўқ қилишга қаратилган батафсил қарорларни чиқарди. Уларни қўйидаги тартибда келтириш мумкин:

1 – Шариат ишлашга қодир ҳар бир кишига ўзининг асосий эҳтиёжлари ҳамда юқорида айтганимиздек аёли, фарзандлари ва бошқалардан иборат оиласининг эҳтиёжини қондиришни вожиб қилди. Шунинг учун ишлаш ва меҳнат қилишга қодир бўлган киши ишламаслиги ва бошқасига бўлиб қолиши жоиз эмас.

2 – Шахс гоҳида ҳукман ишлашга қодир бўлса-да, айрим сабабларга кўра ишлашдан ожиз бўлиши мумкин. Мана шундай ҳолатда давлат уни ўзи ва оиласини боқиши учун иш билан таъминлаши вожиб бўлади.

3 – Агар кимдир ҳукман ёки амалда ишлашга яроқсиз бўлса ва давлат унга мос иш ўринини топиб бера олмаса ҳамда унинг ўз турмуш даражасини сақлаб қолиш учун зарур бўлган маблағдан ортиғига эга бўлган меросхўри бўлса, уни боқиш шу меросхўрнинг зиммасига тушади.

4 – Ким ўзининг асосий эҳтиёжларини қондира олмаса ва ўз меросхўрлари ичида уни боқишига қодири бўлмаса, уни боқиш давлатга вожиб бўлиб қолади. Яъни давлат унинг ейиши, ичиши, кийиши ва бошпанаси каби асосий эҳтиёжларини таъминлаши керак бўлиб қолади.

Бу Исломнинг иқтисодий муаммо, иқтисодий сиёсат ҳамда қашшоқликка барҳам бериш манҳажи борасидаги қисқача тушунчасидир. □

## **ИНСОН АҚЛИЙЯСИ (МЕНТАЛИТЕТИ)ДА КҮНИКМА ҲОСИЛ ҚИЛИШ ВА БУ НАРСАНИНГ ХАЛҚЛАРНИ МУСТАМЛАКА ҚИЛИШДАГИ ТАЪСИРИ**

**Абду Сүҳайб Соъсөъ**

Ғарбда уч маймун назарияси деб аталаған назария мавжуд бўлиб, унда ғарблек олимлар бир тўп маймунлар устида тажриба ўтказишиди. Улар маймунларни қафасга солиши ва қафаснинг ўртасига бир платформа тиклаб, унинг устига бир шингил банан осиб қўйишиди. Сўнг платформага чиқадиган шоти қўйишиди. Маълум вақт ўтгач, маймунлардан бирининг қорни очиб, бананинг ейиш учун платформага қўйилган шотига чиқди. Шунда тажрибачилар барча маймунлар устидан катта босим билан совуқ сув сепишиди ва маймун ўз жойига қайтиди. Кейин, бошқа вақтда, бананга яна бир маймун етиб бормоқчи бўлган эди, барча маймунлар катта босимда совуқ сув сепиш билан жазоланишиди. Улар бананга етиб бориш фикридан қайтмагунича совуқ сув билан жазоланишаверди.

Тажрибачилар уларнинг ичидан бир маймунни бошқасига алмаштиришиди, янги маймун қорни очгач, платформага чиқишига ҳаракат қилган эди, қолган маймунлар уни қайтариб ура бошлишади. Кейин тажрибачилар тажриба бошида бўлган маймунлардан бирини бошқа янги маймун билан алмаштиришиди. Янги маймун банан олиш учун ўз инстинктига мурожаат қилган эди бошқа маймунлар уни калтаклашди. Кейин назоратчилар биринчи синовда сув сепилган охирги маймунни янги маймун билан алмаштиришиди. У ҳам аввалгидек бананга етиб олишга ҳаракат қилди. Шунда қафасдаги сув билан жазоланмаган барча маймунлар уни ура бошлишади.

Инсонга ҳайвондек муносабатда бўлинса, бу усул унга қандай ёмон таъсир қилишини, уни қандай кўниктиришини тушуниш учун мавзуни мана шундай муқаддима билан бошладик. Зоро, кўникма ҳосил қилиш ғаризалар сезгиси бўлган туйғуларни масалан, алам, қайғу, сиқилиш, тикланиш ва хурсандчилик кабиларни шакллантиради.

Тўққизинч ҳижрий асрда Исломни тушунишда мусулмонларнинг зеҳнига заифлик ва тубанлик ўрнашди. Натижада амалларга ҳукм чиқаришда ёрқин фикрлаш ўрнини кўниктирилган ақлия эгаллай бошлади. Ушбу заифликнинг сабаби араб тили қувватининг Ислом қувватидан ажратилиши эди. Чунки ҳижрий еттинчи аср бошидан бошлаб Исломни тушуниш ва ижро этишда Ислом тили ва унинг ажралмас қисми бўлган араб тили эътибордан четда қолганди. Араб тили қуввати Ислом қувватини ўз ичига олган луғавий қувват бўлиб, у билан шунчалик аралашиб кетганки, Исломни усиз тўла адо этиб

Инсон ақлийасида күнишка ҳосил қилиш ва бу нарсанинг халқларни мустамлака қилишдаги таъсири бўлмайди. Араб тили қувватини Ислом қувватидан ажратиш оқибатида ижтиҳод тўхтади ва бу дард устига чипқон бўлди.

Ҳизб ут-Таҳрир тушунчалари китобида шундай келади: «Лекин мужтаҳидларнинг мазҳаблари ёзилиб, китоб қилинганидан ҳамда қоида ва аҳкомлар тўпланганидан кейин дилларда ижтиҳод тушунчаси заифлашиб, мужтаҳидлар камайиб кетди. Натижада мусулмонларда тақлид кучайди ва ижтиҳод нодир ҳодисага айланиб қолди. Ҳатто тақлид тушунчаси кучайиб шу даражага етдики, «ижтиҳод эшигини ёпиш ва тақлид қилиш вожиб», дейдиган кишилар пайдо бўлди. Шу сабабдан ҳаммалари бўлмаса-да, мусулмонларнинг аксарияти муқаллид (тақлид қилувчи)ларга айланиб қолди».

Мана шу ердан кўнигирилган ақлияга кенг эшик очилди ва бунинг натижасида мусулмонлар қалбида тақво заифлашди. Халифалар ва ҳокимлар бирор масалада куфр билан ҳукм юритсалар-да, уларга сукут қилишадиган бўлишди. Улардаги заифлик кучайгач, ҳокимлар бир неча масалаларда куфр билан ҳукм юритсалар ҳам сукут сақладиган бўлишди. Узоқ вақт сукут сақлаш натижасида ҳокимлар очиқ тарзда куфр ҳукмларини татбиқ қиласидиган бўлишди. 1883 йили Мисрда ҳоким Франция маданий қонунини татбиқ қилиб, шаръий ҳукмлар бекор қилинганда мусулмонлар сукут қилишди. Сўнгра 1909 йили Исломий давлатда куфр ҳукмлари мусулмонлар учун дастур сифатида татбиқ этилганда сукут қилишди. Мусулмонлар бошланишда бунга қарши чиққан бўлсалар-да, кейин сукут қилишган эди. Шунинг учун Мустафо Камол Халифаликни қулатиши, Ислом ҳукмларини бекор қилиши ва куфр ҳукмларини эълон қилиши ҳайратланарли иш эмас эди.

Мусулмонлар устидан кўнигирилган ақлиянинг ҳукмрон бўлишига сабаб, улардаги тақдирний масала ўз ўрнидан тушиб қолган эди. Кейин нима бўлса, бўлди. Мусулмонлар очиқ куфрни кўрганда уни йўқ қилиш учун қилич кўтармайдиган аҳволга тушиб қолишиди. Балки улар учун куфр билан ҳукм юритиш оддий ишга айланиб, уни инкор қилмайдиган бўлиб қолишиди. Уларнинг катта бир гуруҳи куфр ҳукмларини қабул қилиб, уларга ўрганиб қолган ва Ислом ҳукмини ўз ихтиёлари билан тарқ этгандилар.

Мусулмонлар дунёning олий ҳукмдори ва инсониятга Ислом даъватини етказувчи бўлишдек Аллоҳ томонидан ўзларига юкланган вазифаларидан воз кечганларидан кейин, улар ихтиёрий ёки ихтиёrsиз йўлдан четга ўтишлари ва уни бошқаларга бўшатиб беришлари табиий эди. Чунки Аллоҳнинг қонуни ҳеч кимни аямайди.

Сиёsat бўшлиққа чидамаганидек, фикр майдони ҳам бўшлиққа чидамайди, деб ўйлайман. Шунинг учун капитализм муфаккирлар ва

Инсон ақлийасида күникма ҳосил қилиш ва бу нарсанынг халқларни мұстамлака қилишдәғи таъсири черков арбоблари ўртасидаги маълум ва машхур курашдан кейин пайдо бўлди. Чунки охирида икки тараф курашга барҳам бериш ва ҳар икки тараф ҳам бир-бирига ён босишга келишишди. Сўнг улар ўртача ечим, яъни зимдан Аллоҳнинг борлигини тан олиш ва айни пайтда черков бошқарувга аралашмаслиги, балки инсон ўзини ўзи бошқаришига келишишди. Кураш ўз ниҳоясига етиб, капитализм оёққа тургач, биринчи навбатда ўз халқи, кейин, мұстамлака қилинган халқлар ақлиясида күникма ҳосил қилиш жараёнини бошлади. Бу жараён тарихда мисли кўрилмаган шафқатсизлик билан кечди. Капитализм асосланган куллий фикр ақлни қаноатлантирмагани ва инсон фитратига мос келмагани учун у одамлар ақлиясида күникма ҳосил қилиш усулини қўллашга мажбур бўлди. Шундай бўлгач, унинг бошқаруви остида эзилаётганларнинг ҳаётида ташвиш ва изтироб бошланди. Натижада, у одамларни қонун ва бошқарувнинг қаттиқлиги билан бошқаришга мажбур бўлди.

Капитализм ҳақида айтилган сўзлар коинот, инсон ва ҳаёт модда деб фараз қилган, барча нарсаларни яратган яратувчининг борлигини инкор этган ҳамда ушбу куллий фикрдан келиб чиққан низом модданинг ривожланиши ва ишлаб чиқариш воситаларидан олинади деб айтган социализмга ҳам тўғри келади. Шунинг учун социализм ҳам одамлар ақлиясида күникма ҳосил қилиш усулини қўллашга мажбур бўлди. Чунки ундаги куллий фикр ақл асосига эмас, модда асосига қурилган. Куллий фикрдан келиб чиққан тузумни эса ўша пайтдаги бошқарувдан таъсиранган, социалистик партия муфаккирлари ишлаб чиқишиди. Социалистик мафкура ақлга тўғри келмайди ва инсон фитратини рад этади. Бу эса ушбу тузумга бўйсунган ҳар бир кишини баҳтсиз қилади. Мусулмон ва ғайримусулмон халқлар ақлиясида күникма ҳосил қилиш учун социализм уларни шафқатсизлик билан бошқарди. У минглаган инсонларни ўлдирди ҳамда юртлари ва уйларидан қувғин қилди.

Ақлияда күникма ҳосил қилиш усули қўлланиши таъсирида тушунчалари шаклланиб қолган баъзи кимсалар мабдалар бирлашади деб даъво қилишади. Бироқ, мабдалар ўз табиатига кўра, бир-бири билан тўқнашиб, курашади. Чунки капитализм социализмга қарши қақшатқич кураш олиб боргани учун 1991 йил 26 декабрда социалистик давлат қулади. Ушбу ҳал қилувчи зарбадан кейин, у қайта тикланмади.

Шунда майдон капитализм учун бўшаб қолди ва фикр майдонида унга қарши курашадиган, ўз давлатига эга мабда қолмади. Капитализм эса душмансиз яшай олмагани учун исломий мабда хатарини сезди. Шунинг учун капитализм Ислом динига, айниқса,

Ислом давлатини барпо этишга чақирувчи мусулмонларга душманлигини эълон қилди. Кейин РАНД маркази каби ўзига тобе стратегик марказларни Ислом ва мусулмонларни ўз ичига олган ва мусулмонлар ҳаётида мавжуд бўлган исломий ҳаракатлар билан боғлиқ кенг қамровли тадқиқот ўтказишга илҳомлантириди. Шундай қилиб, ушбу муассаса жамоатчиликка эълон қилинган ва ҳеч кимга сир бўлмаган натижаларни чиқарди. Қуйида ўша натижаларни келтирамиз:

Тадқиқотга кўра, мусулмонлар орасида диндан чиққан илмоний ва либераллар ҳамда Ислом ва илмонийликни қориштирган мўътадил мусулмонлар ва радикал экстремист мусулмонлар бор. Тадқиқот сўфийлик ҳаракатлари ва Ихвонул Муслимин ҳаракати каби мўътадил исломчиларга эътибор қаратиш лозимлигини айтди. Ҳисоботда келишича, мақсадга мувофиқ бўлган мўътадил (исломий) оқим қўйидагича бўлади:

- 1 – Исломий шариатни татбиқ этиш ҳақида бош қотирмайди.
- 2 – Аёл киши эр эмас, «ҳамроҳ» танлашда ихтиёри эканига ишонади.

3 – Фуқароларини кўпчилиги мусулмон бўлган давлатларда диний озчиликнинг юқори мансабларни эгаллаш ҳуқуқини тан олади.

4 – Либерал оқимларни қўллаб-қувватлайди.

5 – Фақат иккита исломий диний оқимга ишонади, улар: «Анъанавий диний оқим», яъни оддий намоз ўқийдиган ва бошқа ташвиши бўлмаган кўчадаги одамлар оқими. Иккинчиси: «Ғарб тизимини қабул қиласиган ва унга мос келадиган диний оқим».

Шу ўринда савол туғилади: Бу ҳаракатлар капиталистик сиёсатчилар рози бўладиган бундай даражага қандай тушиб қолдилар?

Бунинг сабаби шуки, ақлияда күникма ҳосил қилиш Ҳизб ут-Тахрирдан бошқа барча ҳаракатларнинг асосларидан бирига айланиб қолди. Чунки воқеимизда мавжуд бўлган барча исломий ҳаракатлар ўз аъзоларига сақофат беришда ақлияда күникма ҳосил қилиш усулига таянади. Бунда мутлақо итоат қил, шайхга савол берма, ким эътиroz билдирса, ҳайдалади, ким ошкор қилса кетади, майит ғассолнинг ихтиёрида бўлгани каби, мурид ҳам шайхнинг ихтиёридадир қабилида иш тутилади. Бундай ҳаракатларда сақофат ёлғиз илм ўрганиш асосига қурилган бўлиб, ундан ҳаракатланадиган китоблар етишиб чиқади. Шунингдек, у ваъз насиҳатлар асосига қурилган бўлиб, иймоний ҳароратдан холидир. Бу эса, охир оқибат исломий фаолиятга таҳдид сола бошлади, чунки у мусулмонларда беҳушликни пайдо қилди.

Шу ерда айтамизки, ишларнинг ҳақиқатига етиш ва ўрганишда Исломнинг үзига хос усули мавжуд бўлиб, бу усул дунёдаги мавжуд мабдаларнинг усулига ўхшамайди. Ишларнинг ҳақиқатига етишнинг ушбу усули фикрлашдаги ақлий йўл деб аталади. Унинг маъноси (Воқени сезги аъзолари орқали ва шу воқени изоҳлайдиган собық маълумот ёрдамида мияга узатиш)дир. Воқени маълумотга ва маълумотни воқега боғлаш орқали ҳаёт ҳақидаги тушунчалар келиб чиқади. Мана шу тушунчаларни исломий ақиданинг қоидалари билан ўлчаш орқали исломий ақлия пайдо бўлади.

Бу тушунчалар идрок этилаётган воқеликка нисбатан мусулмон кишининг ҳаёт тарзини, шунингдек, ушбу воқеликка нисбатан мойиллик турини, яъни қабул қилиш ёки рад этишни белгилайди. Тушунчалар билан боғланган ушбу ундовлардан исломий нафсия пайдо бўлади. Қачон ақлия ва нафсия битта қоида яъни исломий ақидага асосланса, үзига хос исломий шахсия вужудга келади.

Аммо Исломдаги дарс қилиш тариқатига келсак, у икки омилга асосланади. Биринчи: илм амал учун бўлмоғидир. Иккинчиси эса: ўқувчи маълумотларни унинг туйғуларига таъсир қиласидиган, унда ғайрат, малака ва битмас туганмас билимни пайдо қиласидиган ҳамда унга ҳаёт мұаммоларини муолажа қилиб берувчи ҳақиқатларни ўргатадиган фикрий тарзда олишидир. Исломдаги дарс олиш амалдан холи фақат қуруқ илм ва иймон ҳароратидан холи сатхий нарсаларни келтириб чиқарадиган ваъз насиҳат бўлмайди. Ибн Аббосдан шундай ривоят қилинган: «Орамиздан кимки Қуръондан ўн оят таълим олса, уларнинг маъносини тушуниб, амал қилмагунча бошқасига ўтмас эди».

Шундай қилиб, одамлар ақлиясида қўникма ҳосил қилиш усули қўлланиши натижасида шаклланган, бутун дунёга, шу жумладан, Ислом оламига хавф туғдирувчи ақлия билан Росулуллоҳ саҳобаларда шакллантирган ҳамда унинг асосида бутун дунёга нур таратувчи давлатни барпо этган ақлия ўртасида катта фарқ борлигини кўрамиз. □

## УЛАМОЛАР: ПАЙҒАМБАРЛАР МЕРОСИ БИЛАН БОЙЛИК ВА ҲОКИМИЯТ ИШҚИ ЎРТАСИДА

Ёзувчи: Сулаймон Мұхажирий – Яман

Бизни яратган, азалий ва етүк сифатлар соҳиби бўлган Аллоҳ Таоло айтади:

﴿مَا أَرِيدُ مِنْهُمْ مِنْ رِزْقٍ وَمَا أَرِيدُ أَنْ يُطْعَمُونَ ﴾ إِنَّ اللَّهَ هُوَ الرَّزَاقُ ذُو الْفُرْقَةِ الْمَتَّيْنُ ﴾

«Мен улардан бирон ризқ истамасман ва улар мени таомлантиришини ҳам истамасман. Зоро, Аллоҳнинг Ўзигина (барча халойиқقا) ризқу рўз бергувчи, куч-қувват Соҳиби ва қудратлидир» [Зариёт 57-58]

Аллоҳ Таоло бир ишни бизга юклар экан, албатта уни инсониятга манфаатли бўлгани учун юклайди. У Зот ўз маҳлуқларини ўзининг шариати билан саодатли бўлишларини хоҳлайди. Шунинг учун у зотнинг буйруқлари «Қил ва қилма» шаклида келган. Аллоҳ Таоло бу билан одамларнинг эркинлигини чеклашни хоҳламайди, фақат уларни ҳимоя қилишни истайди. У зот қандайдир чекловларни қўйған бўлса ҳам, улар фақат одамларни ҳимоя қилиш учун қўйилган. Масалан: ўғриликни ҳаром қиласар экан, бу буйруқ барча инсониятни ўз ичига олади, шунинг учун ҳеч ким бошқасининг нарсасини ўғирламайди. Аллоҳ Таоло бир қўлни ўғирлашдан ман қилганида, миллионлаб қўлларни, бу одамдан ўғирлашларидан қайтарди. Бу эса бутун инсониятни бир одамнинг бошқа одамни ўғирлашидан ҳимоя қилишдир ва бунда ҳар бир инсон учун фойда бор. Биз шариатга амал қиласар эканмиз, унга шахс сифатида эмас, балки жамият сифатида амал қиласар эканмиз. Яъни сиздан ва бошқалардан талаб қилинади ҳамда сизнинг ва бошқаларнинг фойдасига талаб қилинади қабилида амал қиласар эканмиз.

Демак, ҳар бир инсон – у хоҳ мўмин, хоҳ зиммий бўлсин – қонунчилик мавжудлиги боис, Аллоҳнинг шариати остида хотиржам яшашга эришади. Исломий шариат Аллоҳ Одам ни яратгандан бошлаб, ерни мерос қилиб олгунича барча инсониятнинг фойдаси учун келган. Аллоҳнинг раҳмати ҳар бир нарсадан кенгdir. Пайғамбарлар карвонининг узоқ давом этиши ҳам у зотнинг раҳматидандир. Пайғамбарлар келтирган манҷаж одамларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш, уларнинг фитратига мос келиши, ақлларини қаноатлантириши ҳамда қалбларга хотиржамлик ва иймон ҳаловатини солиш учун келган. Бу эса бир-бирига қарама қарши ва ўзаро нафрат билан яшаётган, баҳтсиз ва машаққатли ҳаётни келтириб чиқарадиган, инсонлар томонидан чиқарилган манҷажларнинг аксидир... Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло саййидимиз

Мұхаммад ﷺ ні пайғамбарларнинг охиргиси қилиб танлади ва у кишидан кейин, сүнгги рисолат юкларини у кишининг Уммати күтаришини хоҳлади. Умматнинг Исломни татбиқ этиши, жиҳод ва даъват йўли билан уни оламга олиб чиқиши орқали Ислом рисолати қиёмат кунига қадар тўғри йўл сифатида сақланиб қолади. Исломни бутун оламга рисолат сифатида етказиш шарафига Мұхаммад ﷺ нинг Уммати ва энг аввало уламолар сазовордир.

Имом Аҳмад ва сунан соҳиблари Абу Дардодан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ шундай дейди:

«إِنَّ الْعَلَمَاءَ وَرَبَّهُ الْأَنْبِيَاءُ، وَإِنَّ الْأَنْبِيَاءَ لَمْ يُوَرِّثُوا دِينًا وَلَا دِرْهَمًا، إِنَّمَا قَرَأُوكُمُ الْعِلْمَ فَمَنْ أَخْدَهُ أَخْدَ بِحَظٍّ وَافِرٍ»

«Уламолар пайғамбарларнинг меросхўрлариридир. Пайғамбарлар дийнор ҳам, дирҳам ҳам мерос қолдиришмаган. Балки илмни мерос қолдиришган. Ким уни олса битмас туганмас насибани олган бўлади». Ушбу ҳадис Аллоҳ Таолонинг:

﴿تُمْ أُورِثْتُمْ أَكْتَبَ الَّذِينَ أَصْطَفَنَا مِنْ عِبَادِنَا﴾

«Сўнгра Биз бу Китобга бандаларимиздан йўзимиз танлаган зотларни (яъни сизнинг умматингизни) ворис қилдик» [Фотир 32] қавли тафсирида келган. Уламолар бу ердаги меросдан икки хил маъно тушунилади дейишган. Биринчиси: Уламолар меросхўрлардир. Улар Ислом дини барча динлар устидан ғолиб бўлиши учун уни етказиш ва тарқатишдан жавобгар. Иккинчиси эса, «талабалар учун уламоларни тинглаш ва уларга ҳурмат кўрсатиш зарур. Чунки уламолар пайғамбарлар меросхўрлариридир», деган маъно. Бу ерда биринчисини иккинчисининг мавжудлигига сабаб қиласиданлар ҳам бор. Улар айтадики: «Уламоларни тинглаш ва уларни ҳурмат қилиш вожиб. Чунки улар Росууллоҳ ﷺ суннатини тирилтиришади ва шариатини етказишади». Демак, токи Аллоҳ Субҳанаҳунинг манҳажи учун ҳақиқий ғолиблик рўёбга чиққунигача, суннатларни тирилтиришга, шариатни барпо қилишга ва Исломни тўлиқ татбиқ қилишга эътиборсизлик қилаётган уламоларни тинглаш ҳам, тақдирлаш ҳам йўқ. (Ибн Баттолнинг Саҳиҳ Бухорийга ёзган шарҳига қаранг).

Бу ерда агар уламолар ўзлари буюрилган ишларни адo этсалар Аллоҳ Таоло уларнинг мартабаларини юксалтириши ҳақида очиқ ишора мавжуд. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَرْفَعُ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) дараҷа-мартабаларга кўтарур» [Мужодала 11]

Аммо агар улар илмга эътиборсизлик қилиб, буюрилган ишларини адo этмасалар ёки илмни дунё учун ишлатсалар ёки уни касб қилиб

олсалар ёки олим деб мақташлари учун ўргансалар ёки жамиятда бирор мартабага эришиш учун олсалар ёки ҳокимларнинг розилигини қозониш учун ўргансалар ёки одамларни ҳокимларга итоат қилиш вожиб ва уларга қарши чиқиш ҳаром деб адаштириш орқали уларнинг мункарларини инкор қилишдан чалғитсалар, Аллоҳ ваъда қилган нарсага эриша олмайдилар. Шунинг учун улар на тингланиш ва на ҳурматга лойиқдирлар. Уларнинг қиёмат кунидаги жазоси бошқаларнидан қаттиқроқ бўлади.

И мом Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ шундай дейди:

«إِنَّ أَوَّلَ النَّاسِ يُقْضَىٰ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَلَيْهِ رَجُلٌ اسْتَشْهَدَ، فَأَتَىٰ بِهِ فَعَرَفَهُ نِعْمَةٌ فَعَرَفَهَا، قَالَ: فَمَا عَمِلْتَ فِيهَا؟ قَالَ: قَاتَلْتُ فِيهَا حَتَّىٰ اسْتَشْهَدْتُ، قَالَ: كَذَبْتَ وَلَكِنَّكَ قَاتَلْتَ لِأَنْ يُقَالَ جَرِيءٌ، فَقَدْ قَيْلَ، ثُمَّ أَمَرَ بِهِ فَسَحَبَ عَلَىٰ وَجْهِهِ حَتَّىٰ الْقِيَامَةِ فِي التَّارِيَخِ الْأَكْثَرِ، وَرَجُلٌ تَعْلَمَ الْعِلْمَ وَعَلَمَهُ وَقَرَأَ الْقُرْآنَ، فَأَتَىٰ بِهِ فَعَرَفَهُ نِعْمَةٌ فَعَرَفَهَا، قَالَ: فَمَا عَمِلْتَ فِيهَا؟ قَالَ: تَعْلَمْتُ الْعِلْمَ وَعَلَمْتُهُ وَقَرَأْتُ فِيهِ الْقُرْآنَ، قَالَ: كَذَبْتَ وَلَكِنَّكَ تَعْلَمْتَ الْعِلْمَ لِيُقَالَ عَالِمٌ، وَقَرَأْتَ الْقُرْآنَ لِيُقَالَ هُوَ قَارِئٌ، فَقَدْ قَيْلَ، ثُمَّ أَمَرَ بِهِ فَسَحَبَ عَلَىٰ وَجْهِهِ حَتَّىٰ الْقِيَامَةِ فِي التَّارِيَخِ الْأَكْثَرِ، وَرَجُلٌ وَسَعَ اللَّهَ عَلَيْهِ وَأَعْطَاهُ مِنْ أَصْنَافِ الْمَالِ كُلَّهُ، فَأَتَىٰ بِهِ فَعَرَفَهُ نِعْمَةٌ فَعَرَفَهَا، قَالَ: فَمَا عَمِلْتَ فِيهَا؟ قَالَ: مَا تَرَكْتُ مِنْ سَبِيلٍ لِّحَبْبٍ أَنْ يُنْفَقَ فِيهَا إِلَّا أَنْفَقْتُ فِيهَا لَكَ، قَالَ: كَذَبْتَ، وَلَكِنَّكَ فَعَلْتَ لِيُقَالَ هُوَ جَوَادٌ، فَقَدْ قَيْلَ، ثُمَّ أَمَرَ بِهِ فَسَحَبَ عَلَىٰ وَجْهِهِ، ثُمَّ أَلْقَيْتُهُ فِي التَّارِيَخِ الْأَكْثَرِ»

«Қиёмат куни одамлар ичида энг аввал ҳукм қилинадиган киши шаҳид қилинган кишидир. Уни олиб келинади ва Аллоҳ унга Ўз неъматларини эслатади. Банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Уларнинг шукронасига нима амал қилдинг?» деб сўрайди. У banda: «То шаҳид бўлгунимга қадар Сенинг йўлингда жанг қилдим», деб жавоб беради. Шунда Аллоҳ: «Ёлғон айтяпсан, сен одамлар сени «жасур» дейишлари учун уришдинг ва дарҳақиқат, одамлар шундай ҳам дейишди», дейди. Сўнг буйруқ берилади, уни дўзахга ташлаш учун юзтубан ерга судраб, олиб кетилади. Кейин илим ўрганган ва илм ўргатган, ҳамда Қуръон ўқиган кишини олиб келинади. Аллоҳ унга ҳам Ўз неъматларини эслатади. У banda уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Буларнинг шукронасига нима амал қилдинг?» деб сўрайди. Банда: «Сен учун илм ўргандим, уни бошқаларга ўргатдим ва Қуръон ўқидим», деб жавоб беради. Аллоҳ: «Алдаяпсан, сен илмни одамлар сени «илмли» дейишлари учун ўргандинг, Қуръонни эса одамлар «қори», дейишлари учун ўқидинг, дарҳақиқат, одамлар шундай дейишди», дейди. Шундан сўнг буйруқ берилади, уни дўзахга ташлаш учун юзтубан ерга

судраб, олиб кетилади. Шундан кейин Аллоҳ үнга ризқини кенг қилиб берган, бойликнинг ҳамма туридан инъом қилган кишини олиб келинади. Аллоҳ үнга ҳам Ўз неъматларини танитади. Банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Буларнинг шукронасига нима амал қилдинг?» деб сўрайди. «Мол давлатни Сен хуш кўрган бирон йўлни қолдирмай, ҳаммасига Сен учун сарф қилдим», дейди у. «Ёлғон айтияпсан, сен бу ишни одамлар сени «сахий» деб айтишлари учун қилгансан, дарҳақиқат, одамлар шундай ҳам дейишди», дейди Аллоҳ. Сўнг буйруқ берилади, уни дўзахга улоқтириш учун юзи билан ерга судраб, олиб кетилади».

Шунинг учун бугун умуман мусулмонлар ва хусусан уламоларга вожиб бўлган энг юксак вазифалардан бири динни тиклаш, рисолатни дунёга олиб чиқиш ва Исломни татбиқ қиласидиган, даъватни етказадиган, мусулмонларни ҳимоя қиласидиган ва душманларидан сақлайдиган давлатда унинг ҳукмларини татбиқ қилишидир... Уламоларга биринчи навбатда одамларга дин масалаларини тушунтиришлари ҳамда уларнинг дунёдаги аҳволини ислоҳ қиласидиган ва охиратда зафар топишига олиб борадиган нарсаларни ўргатишилари лозимдир. Аллоҳ Таоло ўзининг ҳикматли китобида улардан олган ваъда мана шудир. Аллоҳ Таоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيقَاتَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَبَ لَتُبَيِّنَهُ وَلِلَّاتِيْسِ وَلَا تَكُنُمُونَهُ وَفَنَدُوْهُ وَرَاءَ ظُلُّهُرِهِمْ وَأَشْتَرُوْا بِهِ نَعَمَّا قَلِيلًا فِيْئِسَ مَا يَتَشَرُّوْنَ﴾

«Эсланг (эй Мұхаммад), Аллоҳ Китоб берилган кимсалардан «Албатта у Китобни одамларга очиқ баён қилурсизлар ва яширмайсизлар!» деб аҳд-паймон олган эди. Сўнг улар бу аҳд-паймонни ортларига ташладилар ва уни озгина қийматта сотдилар. Уларнинг бу олди-сотдилари нақадар ёмон иш бўлди!»

[Оли Имрон 187]

муфассирларнинг ушбу оят ҳақида айтганларига қисқача тўхталиб ўтсак:

Қуртубий ўзининг тафсирида шундай дейди: Аллоҳ Таолонинг

﴿وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيقَاتَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَبَ﴾

(Эсланг (эй Мұхаммад), Аллоҳ Китоб берилган кимсалардан аҳд-паймон олган эди), қавли яхудийларнинг тилга олиниши билан боғлиқ. Чунки улар Мұхаммад  га иймон келтириши ва у кишининг ишини баён қилиши керак эди. Лекин улар Мұхаммад  нинг сифатини яширишди. Оят уларни огоҳлантирди. Бундан ташқари, оят улар ва бошқалар учун умумийдир. Ҳасан ва Қатода «Бу китоб

берилган кимсалар ҳақида. Шунинг учун кимга илм берилса, уни бошқаларга ўргатиши керак. Илмни яширманглар. Чунки у ҳалокатдир», дейишган. Мұхаммад ибн Каъб айтади: Олим үз илмини яшириши, жохил эса үз жаҳолатини яшириши ҳалол әмас. Чунки Аллоҳ Таоло:

﴿وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيقَاتَ الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ﴾

**(Эсланг (эй Мұхаммад), Аллоҳ Китоб берилган кимсалардан аҳд-паймон олган әди).**

﴿فَسُلُّوا أَهْلَ الْذِكْرِ إِنْ كُنْתُمْ لَا تَعْلَمُونَ﴾

**«Билмайдиган бўлсангизлар, аҳли илмлардан сўранглар!»** [Наҳл 43] Абу Ҳурайра айтади: Агар Аллоҳ Таоло аҳли китоблардан аҳд паймон олмаганда, сизларга ҳеч нарса айтмаган бўлар эдим, деди ва қўйидаги оятни ўқиди:

﴿وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيقَاتَ الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ﴾

**(Эсланг (эй Мұхаммад), Аллоҳ Китоб берилган кимсалардан аҳд-паймон олган әди).**

**Ибн Касир**

﴿وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيقَاتَ الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ لِتُبَيِّنَهُ وَلِلنَّاسِ وَلَا تَكُنُّ مُؤْمِنَةً وَرَآءَ ظُهُورِهِمْ وَأُشْتَرِوْا بِهِ شَمَانًا قَلِيلًا فَيُئْسَ مَا يَشْتَرُونَ﴾

**«Эсланг (эй Мұхаммад), Аллоҳ Китоб берилган кимсалардан «Албатта у Китобни одамларга очиқ баён қилурсизлар ва яширмайсизлар!» деб аҳд-паймон олган әди. Сўнг улар бу аҳд-паймонни ортларига ташладилар ва уни озгина қийматга сотдилар. Уларнинг бу олди-сотдилари нақадар ёмон иш бўлди!»**

[Оли Имрон 187]

оятининг тафсирида шундай дейди: Бу Аллоҳ Таолонинг аҳли китобларга бўлган таҳди迪 ва огоҳлантирувидир. Чунки Аллоҳ Таоло улардан Мұхаммад имон келтириш ҳақида ҳамда одамларга у кишининг ишидан хабардор бўлишлари, элчи қилиб юборилганида эргашишлари учун у зот ҳақида айтиб бериш тўғрисида аҳд паймон олган әди. Лекин улар буни яширишди ва уларга ваъда қилинган дунё ва охиратдаги яхшиликни арзимас дунё матосига алмаштиришди. Уларнинг битимлари ва савдолари қандай ҳам хунук бўлди. Бунда уламоларни аҳли китобларнинг йўлига юриш ва натижада уларга етган мусибат уламоларга ҳам етиши тўғрисида огоҳлантирув бор. Шунинг учун уламолар ўзларидаги фойдали ва солиҳ амалларга бошловчи илмни бошқаларга етказиши ва ундан бирор нарсани

яширмасликлари вожиб бўлади. Бу ҳақда Ресулуллоҳ дан турли йўллар орқали ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади:

«مَنْ سُئِلَ عَنْ عِلْمٍ فَكَتَمَهُ الْحَمْ يَوْمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِلِجَاجِ مِنْ نَارٍ»

«Ким илмдан сўралса-ю, уни яширса, қиёмат куни оловдан бўлган юган билан юганланади».

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّمَا أَنْزَلْنَا التَّوْرِيهِ فِيهَا هُدًى وَنُورٌ يَحْكُمُ بِهَا الْنَّبِيُّونَ الَّذِينَ أَسْلَمُوا لِلَّذِينَ هَادُوا وَالرَّبَّنِيُّونَ﴾

«Эй пайғамбар, сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг! Агар (бу фармонга амал) қилмасангиз, Унинг элчилигини (бандаларига) етказмаган бўлурсиз, Аллоҳ Сизни одамлар (зарари)дан сақлагай» [Моида 67]

Ким ҳақиқатдан ҳам пайғамбарлар меросхўри бўлишни истаса, ушбу оятга амал қилиши ва Аллоҳ нозил қилган нарсани тўлиқ етказиши лозим. Акс ҳолда, Аллоҳ Таолонинг оятларидан бир қисмини ошкор қилиб, бир қисмини яширган Бану Исройл уламоларига ўхшаб қолади. Мана шу маънодаги энг мукаммал оятлардан бири Аллоҳ Таолонинг қуидаги қавлидир.

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَا الْتَّوْرِيهَ فِيهَا هُدًى وَنُورٌ يَحْكُمُ بِهَا الْنَّبِيُّونَ الَّذِينَ أَسْلَمُوا لِلَّذِينَ هَادُوا وَالرَّبَّنِيُّونَ وَالْأَحَبَارُ بِمَا أَسْتَحْفَظُوا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ وَكَانُوا عَلَيْهِ شُهَدَاءَ فَلَا تَخْشُوْ أَنَّ النَّاسَ وَأَخْسَوْنَ وَلَا تَشَرُّوْ إِيمَانِكُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكُفَّارُونَ﴾

«Албатта, Биз Тавротни ҳидоят ва нурни ўз ичига олган ҳолда нозил қилганимиз. Аллоҳга бўйсунувчи бўлган пайғамбарлар, илоҳий билим эгалари ва донишманлар ўзларига Аллоҳнинг китоби омонат қўйилгани сабабли яҳудийларга у (яъни Таврот ҳукмлари) билан ҳукм қиласдилар. Улар бу китоб устида гувоҳдирлар. Бас, одамлардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз ва Менинг оятларимни қиймати оз нарсаларга алмаштирумангиз! Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир» [Моида 44]

Пайғамбарлар тириклигида одамларни Аллоҳнинг китоби билан бошқарадилар. Улар вафот этгач, бу омонат раббоний уламолардан иборат уларнинг меросхўрлари гарданига тушади. Чунки улар пайғамбарлардан кейин динни ҳимоя қилувчи ва шариат байроғини кўтарувчилардир. Масала енгил эмас, бу ишга бел боғлаган киши хавф-хатар ва таҳдидларга йўлиқади. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло:

﴿فَلَا تَخْشُوْ أَنَّ النَّاسَ وَأَخْسَوْنَ وَلَا تَشَرُّوْ إِيمَانِكُمْ قَلِيلًا﴾

**(Бас, одамлардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз ва Менинг оятларимни қиймати оз нарсаларга алмаштирмангиз!).**

Бу ердаги одамлар султон ва ҳокимлардан иборат мансаб эгалари бўлмиш Аллоҳнинг ҳукмларини ёмон кўрадиган кишилардан киноядир. Бу оят «уларнинг куч ва қувватидан қўрқманг ҳамда Аллоҳнинг оят ва шариатини уларнинг мол-давлатларига алмаштирманг», деган маънода. Шариат аҳкомларини инкор этувчи ва уларга қарши чиқувчиларни рози қилиш учун шариат ҳукмларидан бўлган кичик бир нарсани тарк этганларни огоҳлантириб Аллоҳ шундай дейди:

﴿وَأَنْ أَحْكُمْ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَشْيَعَ أَهْوَاهُمْ وَاحْذَرُهُمْ أَنْ يَقْتُلُوكُمْ عَنْ بَعْضٍ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكُمْ﴾

«(Эй Мұхаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг. Уларнинг ҳавои нафсларига эргашманг ва Аллоҳ сизга нозил қилган ҳукмларинг айримларидан сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!» [Моида 49]

Азиз ва ҳамдга сазовор бўлган зот таҳдид ва қўрқитиш билан яна шундай дейди:

﴿وَلَوْلَا أَنْ تَبَيَّنَ لَكَ لَقَدْ كَدَّ تَرَكَنْ إِلَيْهِمْ شَيْئًا قَلِيلًا ﴿٤٦﴾ إِذَا لَآذَنْتَنَّكَ ضَعْفَ الْحَيَاةِ وَضَعْفَ الْمَسَاتِ ثُمَّ لَا تَجِدُ لَكَ عَلَيْنَا نَصِيرًا﴾

«Агар Биз сизни (ҳақ ўйлда) қилмаганимизда, сиз уларга бир қадар мойил бўлишингизга оз қолди. У ҳолда албатта Биз сизга дунё (азобини) ҳам, охират (азобини) ҳам икки ҳисса қилиб тутдирган бўлур эдик, сўнгра ўзингиз учун Бизга қарши бирон мададкор топа олмаган бўлур эдингиз» [Исрө 74-75]

Эй Аллоҳнинг каломи ва Росулининг суннатини ёд олган ҳамда олим ва фазилатли аллома унвонини олганлар, Аллоҳ, ўз пайғамбари ва танлаган элчиси бўлмиш Мұхаммад ﷺ га йўллаган кичик бир огоҳлантирувга қаранг. Бугун бу нарса ўзларини пайғамбарлар меросхўри деб даъво қилаётгандарда топиладими? Улар Аллоҳ нозил қилган нарсаларнинг айримларидан фитналандиларми? Ёки улар тоғутларга бўйсуниб, ҳукм борасида уларнинг нафс-ҳавосига эргашдиларми? Масалан, Аллоҳ нозил қилмаган нарса билан ҳукм юритиш, мустамлакачи кофирдан ҳукм сўраш ва яҳудийлар билан муносабатларни нормаллашириш, балки уларни ҳимоя қилиш тоғутга бўйсуниш эмасми? Аллоҳ Таолонинг қуйидаги қавли ўшалар ҳақида эмасми?

﴿وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيقَاتَ الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ لِتَبَيَّنَهُ وَلِلنَّاسِ وَلَا تَكُونُونَهُ وَفَنَبُدُوهُ وَرَاءَ ظُهُورِهِمْ وَأَشَرَّوْا بِهِ ثَمَنًا قَلِيلًا فَإِنَّمَا فَيْسَسَ مَا يَشَرُّونَ﴾

«Эсланг (эй Мұхаммад), Аллоҳ Китоб берилгандың кимсалардан «Албатта у Китобни одамларга очиқ баён қулурсизлар ва яширмайсизлар!» деб ақд-паймон олган эди. Сүнг улар бу ақд-паймонни ортларига ташладилар ва уни озгина қийматта сөтдилар. Уларнинг бу олди-сөтдилари нақадар ёмон иш бўлди!»

[Оли Имрон 187]

Аллоҳ Таолонинг қуйидаги ояти ўшаларга мос келмайдими?

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنزَلْنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَالْهَدَىٰ مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَنَا لِلنَّاسِ فِي الْكِتَابِ أُولَئِكَ يَلْعَبُهُمُ اللَّهُ وَيَلْعَبُهُمُ اللَّهُعُونَ﴾

«Биз нозил қилган ҳужжатлар ва ҳидоятдан иборат (Мұхаммаднинг ҳақ пайғамбар эканлиги ҳақидаги) нарсаларни одамларга Китобда (Тавротда) равшан қилиб берганимиздан кейин беркитган кимсаларни шубҳасиз Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар (фаришталар ва мўминлар) лаънатлагайлар» [Бақара 159]

Муфассирлар шайхи имом Табарий ушбу оят тафсирида бир қанча ривоятларни келтиради. Бу ривоятлар ушбу оят Мұхаммад ﷺнинг пайғамбарлигини яширган аҳли китоблар ҳақида нозил бўлганига далолат қиласи. У киши айтади: Гарчи бу оят хос одамлар ҳақида нозил бўлса-да, лекин Аллоҳ Таоло одамларга баён қилишни фарз қилган илмни яширган ҳар қандай кишига мос келади. Бу асарлар Росулуллоҳ ﷺ томонидан ривоят қилинган

«مَنْ سُئَلَ عَنْ عِلْمٍ يَعْلَمُهُ الْجَمِيعُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِلِحَاظَ مِنْ نَارٍ»

«Кимки ўзи биладиган бир илмдан сўралса-ю, уни яширса, қиёмат куни оловдан бўлган юган билан юганланади» ҳадисидан суғорилгандир. Манор соҳиби айтади: Оятдан олинадиган сабоқ унинг ҳукми омлигидир, гарчи сабаби хос бўлса ҳам. «Олинадиган сабоқ сабабнинг хослигига эмас, балки лафзнинг умумийлигидадир» деган шаръий қоидага кўра кимки Аллоҳнинг ояллари ва ҳидоятини одамлардан яширса, мана шу лаънатга лойик бўлаверади. Шу ерда Ислом тарихи, уларнинг уламо ва пайғамбарлар меросхўри эканлигига гувоҳ бўлган кишиларнинг тутган мавқифларини келтириб ўтамиш:

— Абу Ҳанифа Нўймон: Абу Жаъфар Мансур даврида бош қози бўлишдан бош тортгани учун азобланди. Унинг Мансурга рад жавоби шу бўлгандики, сен, ўғлинг ва югурдакларинг устидан ҳукм чиқаришга журъяти етадиган одамдан бошқаси қози бўлишга ярамайди, деган эди.

– **Молик ибн Анас:** Мансур уни Росууллоҳ ﷺдан ёдлаб олган ва Мансурнинг салтанатига хавф түғдирадиган маъноларни ўз ичига олган ҳадисни айтишдан қайтарган эди. Лекин у калтакланиши ва хорланишига қарамай рад этди ва илмни яширишдан бош тортди.

– **Суфён Саврий:** Мансур ҳар сафар ундан ўз эҳтиёжларини сўрашини айтса, унга унинг зулми, адолатсизлиги ва мусулмонлар пулидан яшаётган исрофгарчиликларини эслатарди. У халифа Маҳдийга нисбатан ҳам шундай позицияни эгаллади ва шунинг учун сургунда яшашга мажбур бўлди. Ундан бу ҳақда сўрашганида бундай деган эди: Олим – диннинг табибидир. Дирҳам эса, диннинг касалидир. Агар табиб касал бўлиб қолса, бошқаларни қандай даволайди.

– **Аҳмад ибн Ҳанбал:** Бир неча йил зинданда ўтирган, минг мартадан ортиқ дарраланган ва дарс бериши тақиқланган. Аббосий Халифалар (Маъмун, Мўътасим ва Восиқ)лар даврида зулмга учраган. Уларнинг Аллоҳнинг китоби ва Росулининг суннатига хилоф талаблари жавоб бермаган.

– **Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий:** У Хурросон амири Холид Заҳлий Бухорийдан амирнинг уйига келиб, ўғилларига таълим беришини талаб қилганида у киши кўнмаган ва бошқа талабалар қатори ўзининг уйига келишларини айтиган. Шунда Холид Заҳлий уни шаҳардан сургун қилган ва қувғинда вафот этган.

Мен мана шу мисоллар билан кифояланаман. Чунки ҳозир бу борада тадқиқот ўтказишнинг мавриди эмас. Ким бу борада кенгроқ билгиси келса, Абдулазиз Бадрийнинг «Ислом уламо ва ҳокимлар ўртасида» номли китобига мурожаат қилсин. Лекин мен бу ўринда эътибор қаратишни хоҳлаган нарса шуки, бу уламолар Аллоҳнинг шариатини татбиқ қилаётган, Аллоҳнинг душманлари билан курашаётган ва улар билан жанг қилиш учун армияни сафарбар қилаётган ҳокимларга нисбатан мана шундай ўз позицияларини билдиришган. Шундай экан, бугун ўзларини уламо деб атаётганлар Аллоҳнинг дини ва шариатига қарши уришаётган, Уммат душманлари билан дўстлашаётган, Аллоҳ нозил қилмаган нарса билан ҳукм юритаётган, беҳуда қон тўкаётган, судхўрлик билан муомала қилаётган, бузуқлик тарқатаётган, бойликларни талон-торож қилаётган, дискотекалар очаётган ва Аллоҳ йўлидаги жиҳодни бекор қилаётган ҳокимларга нисбатан қандай позицияда туришлари лозим? Эй уламолар, одамлар Парвардигорлари ҳузурида турган кунда нима дейсизлар? Аллоҳ Таоло:

﴿وَقِفُوهُمْ إِنَّهُمْ مَسْئُولُونَ﴾

«(Аммо то Менинг фармоним бўлмагунча) уларни тўхтатиб (дўзахга ташламай) туринглар! Чунки улар (аввал ҳаёти дунёда қилиб ўтган куфру исёнлари тўғрисида) сўралгувчиidlар» [Софрат 24] деганда нима деб жавоб берасизлар?!

Эй Уммат уламолари, уламолардаги асосий тамойил адолат бўлишининг ўзи кифоядир. Пайғамбаримиз ﷺ айтадилар: «Бу илмни ҳар қандай замонда энг одил кишилар кўтарадилар». Ушбу ҳадис Муснадда келган бўлиб, Ибн Қойим роҳимаҳуллоҳ бу борада огоҳлантирган. Ибн Абдулбир роҳимаҳуллоҳ айтди: «Тамҳид»да келганидек, «Бу ҳадисда уламолар одамлар орасида энг одил ва асл кишилар эканликлари тўғрисида далолат бор». Бу борада «Ер юзида яхшилик фақат уламолар орқали ёйлади, улар йўқлигидан эса ёмонлик тарқалади, яхшилик уламолар йўқлиги туфайли камаяди» деб эслашнинг ўзи кифоя.

Албатта уламоларнинг вазифаси Умматни ҳалокатга олиб кетаётган оқимларга қарши туришdir. Улар халқ ва юртни хавфсизлик сари етакловчи ислоҳотчи раҳбарлардир. Улар ҳар қандай эзгулик сари одамлар ичидаги пешқадамлар бўлиб, кенг жамоатчилик уларга ишонч билдиради. Аллоҳ Таоло уларни алоҳида зикр қилиб, уларнинг ер юзидағи фазилатини шундай баён қилади:

﴿أَفَلَا يَرَوْنَ أَنَّا نَأْتَى الْأَرْضَ نَنْصُصُهَا مِنْ أَطْرَافِهَا أَفَهُمْ لَا يَشْكُونَ﴾

«Ахир улар Биз ерни атрофидан камайтириб келаётганимизни кўрмайдиларми?!

[Анбиё 44]

Яна Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَوْ لَمْ يَرَوْا أَنَّا نَأْتَى الْأَرْضَ نَنْصُصُهَا مِنْ أَطْرَافِهَا وَاللَّهُ يَحْكُمُ لَا مُعَقِّبَ لِحَكْمِهِ وَهُوَ سَرِيعُ الْحِسَابِ﴾

«(Макка мушриклари) Биз уларнинг ерларига келиб уни атрофидан камайтираётганимизни кўрмадиларми? Аллоҳ ҳукм қилур. Унинг ҳукмини текширувчи бўлmas. У тез ҳисоб-китоб қилгувчиidir»

[Роъд 41]

Аксарият муфассирлар камайтириш деганда «Ер юзида уламо ва фақиҳларнинг йўқолиши» дейишган. Вакиль Талҳа ибн Умайрдан, у эса Ато ибн Абу Рабоҳдан

﴿أَوْ لَمْ يَرَوْا أَنَّا نَأْتَى الْأَرْضَ نَنْصُصُهَا مِنْ أَطْرَافِهَا وَاللَّهُ يَحْكُمُ لَا مُعَقِّبَ لِحَكْمِهِ وَهُوَ سَرِيعُ الْحِسَابِ﴾

«(Макка мушриклари) Биз уларнинг ерларига келиб уни атрофидан камайтираётганимизни кўрмадиларми? Аллоҳ ҳукм қилур. Унинг ҳукмини текширувчи бўлmas. У тез ҳисоб-китоб қилгувчиidir), оятидаги камайтириш ҳақида «Фақиҳ ва яхши одамларнинг йўқолиши», деган. Табарийнинг Жомиул баён китобидан. Ибн Абдулбир айтади: «Ушбу оятнинг таъвили ҳақидаги Атонинг сўzlари

жуда түғри бўлиб, аҳли илмлар уни қабул қилишган». (Илм ва унинг фазилатлари баёни тўплами). Бу нарса аксар муфассирлардан ривоят қилинган. Шунингдек, у Мужоҳид ибн Жабрдан ҳам ривоят қилинган. Суфён Саврий Мансурдан у эса Мужоҳид ибн Жабрдан Аллоҳ Таолонинг

﴿أَفَلَا يَرَوْنَ أَنَّا نَأْتَى الْأَرْضَ نَنْقُصُهَا مِنْ أَطْرَافِهَا أَفَهُمْ لَا يَشْكُرُونَ﴾

**«Ахир улар Биз ерни атрофидан камайтириб келаётганимизни кўрмайдиларми!»** [Анбиё 44]

қавли ҳақида: Бу ердаги камайтириш «Уламо ва фақиҳларнинг йўқолиши» деганини ривоят қилган. (Имом Нававий, 16/441).

Биз таъкидлаган бу сўзлар орқали одамлар орасида фақат икки сабаб туфайли ёмонлик тарқалишини кўриб турибмиз. Улардан биринчиси: Уламоларнинг ер юзидан йўқолиб кетиши. Иккинчиси: Уламолар бор бўла туриб, ўз вазифаларини адо қилмасликлари. Бухорий ва Муслимлар Ҳишом ибн Урвадан, у отасидан у эса Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ бу ҳақда шундай дейди:

«إِنَّ اللَّهَ لَا يَنْقُضُ الْعِلْمَ اِنْتَرَاعًا يَنْتَرِعُهُ مِنْ صُدُورِ الْعِبَادِ، وَلَكِنْ يَنْقُضُ الْعِلْمَ بِقَبْضِ الْعَلَمَاءِ، حَتَّىٰ إِذَا مَيَّقَ عَالِمًا، أَخْذَ النَّاسُ رُؤُسًا جُهَّالًا، فَسَلِّلُوا فَاقْتُلُوا بِغَيْرِ عِلْمٍ، فَضَلُّوا وَأَضَلُّوا»

«Албатта Аллоҳ Таоло илмни бандалар қалбидан сүғуриб олиш билан эмас, балки уламоларни қабз қилиш билан йўқ қиласи. Ҳатто бирорта ҳам олим қолмагач, одамлар жоҳилларни етакчи қилиб олишади. Сўнгра улардан сўрашса, илмсизлик билан фатво беришади. Натижада ўzlари ҳам адашади, бошқаларни ҳам адаштиришади».

Эй уламолар, албатта Росууллоҳ ﷺ барча одамлар каби яшар, улар каби қорни очар, улар билан бирга тош кўтарар, бўйрада ухлар ва ерда ўтирас эди. Шунингдек, ўз оиласини боқиш учун касб билан шуғулланар, кийимларини тикар ва оёқ кийимини тозалар эди. Лекин бугунги кунимизда айрим илм эгалари излаётган ва қизиқаётган ҳашамат ва фаровонлик кўринишларидан узоқда эди. Ҳатто бир куни бир аёл Росууллоҳ ﷺ билан лойиқ бўлмаган услубда гаплашган эди, саҳобалар ундан ғазабланиб, Росууллоҳ билан ҳам шундай гаплашасанми? – дейишди. Шунда аёл у кишининг қўриқчиси ва дарвозабони бўлмагани учун танимагани тўғрисида узр сўраган эди. Шундай экан, нима учун илм ва даъватни даъво қилаётгандар одамлар орасида мартаба ва мансабни қидирмоқдалар. Улар ҳоким ва сultonларни рози қилишда бир-бирлари билан мусобақа ўйнашмоқда. Улар аслида ҳаётда қанчалик қийинчилклар бўлмасин,

пайғамбарларнинг ҳақиқий мероси бўлган рисолатни етказиш ва омонатни адо қилиш йўлида мусобақалариши лозим эди... Бугун Ислом мусулмонлардан, хусусан уламолардан – модомики улар чорраҳада турар эканлар – Ислом ҳукмларини баён қилиш, даъватни олиб чиқиш ва давлатни тиклашда барча кучини ҳамда арzon ва қиммат нарсаларини сарфлашини талаб қилади.

**Эй уламолар,** сизга ҳокимларнинг хабари ва Ислом дунёсида ҳар соат улар қилаётган мункар ишларнинг хабари келмадими? Сизлар Шом ва унинг аҳлига нисбатан қилинган қотиллик ва вайронагарчиликни эшитмадингизми? Яманнинг шимол ва жанубидаги сиёсий аҳмоқларнинг ҳаром қон тўкиши ва бўронли фитналар экишидан Яманга нима бўлгани хабари келмадими? Баъзи уламолар тобеларига бир-бири билан жанг қилиш зарурлигини ҳалигача шаръийлаштириб беришмоқда. Ахир улар Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَمَن يَقْتُل مُؤْمِنًا مُّتَعَدِّدًا فَجَرَأَهُ وَجَهَنَّمُ خَلِدًا فِيهَا وَغَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَلَعْنَةُ وَأَعْدَادُهُ وَعَذَابًا﴾  
عَظِيْمًا

*«Ким қасдан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир»* [Нисо 93]

деган қавлини ўқимаганми? Жарир айтади: Пайғамбаримиз Ҳажжатул вадода менга одамларни тинглашга буюришимни айтиб, сўнг шундай деди:

«لَا تَرْجِعُوا بَعْدِيْ كُفَّارًا يَضْرِبُ بَعْضُكُمْ رِقَابَ بَعْضٍ»

*«Мендан кейин бир-бирингизни ўлдирадиган кофир бўлиб кетманлар».* Шундай экан, ҳақиқатни айтишдан ҳамда золим ҳокимлар ва уларнинг югурдаклари ишлари борасида Аллоҳнинг ҳукмларини баён қилишдан сукут қиладиган қавмнинг ҳолигавой бўлсин.

**Эй уламолар,** Кўрфаз, Ҳижоз ва Кинона каби мусулмон юртлар ҳокимларининг нодонлиги ҳақидаги хабар сизларга келмадими? Ахир улар Исро ва Мерож ерига қарши яҳудийлар билан тил бириктироқдалар. Улар Сурия, Яман ва бошқа исломий юртларда мусулмонларни қатл қилишмоқда. Эй Уммат уламолари, қаршингизда эрта-ю кеч содир бўлаётган мункарларга нега сукут сақламоқдасиз? Разил кимсаларнинг ҳокимиятда бир соат туришига сукут сақлаган қавмнинг ҳолигавой бўлсин.

Ушбу мақола ниҳоясида шаръий илм неъматидан баҳраманд бўлган, Аллоҳ билан бўлган риштасини узмаган, ақидасини соф ва

қалбини пок тутган, Роббисига йўлиқишига ишонган, Ислом Умматининг қирғин қилинаётгани, ҳурмати топталиб, бойликлари талон-торож қилинаётганини кўриб турган самимий уламоларга мана бундай мурожаат қилмоқчиман: эй уламолар, Уммат ҳалокатга учрашидан олдин ташаббус тизгинини қўлга олиб, уни қутқаришга шошилинг, акс ҳолда, кейин пушаймон бўласиз.

**Эй Уламолар,** ушбу фожия ва мункарларнинг ягона ечими Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифаликни тиклашдир. Шундай экан, уни тиклаш йўлида фаолият қилаётган Ҳизб ут-Таҳрир аъзоларидан иборат карвонга қўшилинг. Чунки Халифаликни тиклаш учун ҳаракат қилиш фарзлар тожидир. Чунки у орқали дин тикланади, ҳукмлар татбиқ қилинади ҳамда қадрият ва тақиқлар ҳимояланилади. Халифалик Умматнинг ҳақиқий қалқонидир. Росулуллоҳ  айтади:

«إِنَّا لِإِمَامٍ جُنَاحَةُ يُقَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ وَيَنْتَقِي بِهِ»

**«Албатта Имом қалқондир, унинг ортида туриб жанг қилинади ва у билан ҳимояланилади».**

Шундай экан, Эй Аллоҳим буюк қудратинг ҳаққи, нусратингни тезлиги ҳаққи, ҳурматингни топтаётгандарга ғазабинг ҳаққи, оятларингни ҳимоя қилганларни ҳимоя қилишинг ҳаққи, Эй эшитгувчи, яқин бўлган, дуоларни ижобат қилгувчи, ўч олгувчи, қаҳри қаттиқ, жаббор зот, эй золим ва қудратлиларни лол қолдирувчи қаҳхор зот сендан нусратни тезлаштиришишингни сўрайман. Эй Аллоҳим, эй оламлар Парвардигори ушбу Уммат ичидаги тақводор ва кучли кишилардан иборат ҳимоя ва нусрат аҳли билан бизни қўллаб-қувватлашингни сўраймиз... Охирги дуойимиз оламлар роббиси Аллоҳга ҳамд айтмоқлиkdir. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<b>Босқинчилар Қуръон нұсхаларини ёқиб юборганидан кейинги кеекин вазият</b>		
<p>2022 йил 10 сентябрда босқинчилар Қуръони каримнинг етти нұсхасини ёқиб юбориб, уни Иброҳимий масжиди жойлашган эски Халилур Роҳман шаҳридаги Қайтун масжиди яқинидаги ахлатта ташлаб кетишиди. Бу воқеа босқинчилар томонидан Иброҳимий масжиди ва унинг атрофидаги үйларга уюштирилган қатор ҳужумлардан кейин содир бўлди. Фаластиндаги мусулмонлар эса, босқинчиларнинг Қуръони каримга тажовуз қилишганидан ғазабланишиди. Аллоҳнинг китобига бўлган ҳужумга жавобан ижтимоий тармоқ фаоллари твиттерда мусулмонларни шом ва хуфтон намозларини Қайтун масжидида ўқишига чақиришиди. Бу ҳолат учинчи октябр куни юзлаб босқинчилар Иброҳимий масжидида ишғолчи кучларнинг қаттиқ ҳимояси остида зиёфат уюштирганидан кейин содир бўлди.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Бу яхудийлар мусулмонларнинг энг ашаддий душмани бўлиб келган ва қиёматга қадар шундай бўлиб қолади. Аллоҳ уларнинг устига қиёмат кунигача энг ёмон азоб билан азоблайдиган зотларни юборади. Уларга эргашган мусулмон ҳукмдорларга ҳам шу қисмат етажак. Биз Аллоҳ Таолодан ўша ишни бизнинг қўлимиз билан амалга оширишини сўраймиз. Шунда қалбларимиз шифо топиб ғазабларимиз йўқолади.</p>		
<p><b>Эрдоган: Дамашқ билан олиб бораётган разведка музокараларимиз йўл харитасини белгилайди</b></p>		
<p>2022 йил 29 сентябр куни Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоган CNN Turk ва Kanal D телеканалларига берган интервьюсида Сурия режими билан муносабатлар нормаллашаётганини маълум қилди. Эрдоган жумладан шундай деди: «Бизнинг разведкамиз у ерда (Дамашқда) музокаралар олиб бормоқда. Биз разведка хизмати натижаларига кўра ўз йўл харитамизни белгилаймиз». Ўз навбатида Туркия президенти матбуот котиби Иброҳим Калин Сурия режими билан алоқалар разведка хизматлари даражасида олиб борилаётганини айтиб, ҳозирда Дамашқ билан сиёсий алоқа ўрнатилмаганини таъкидлади.</p>		
<p>2022 йил 23 сентябрда Туркияning NTV радиосига берган интервьюсида Калин Туркияning Сурия бўйича позицияси аниқ эканлигини қўшимча қилиб: «Остона жараёни ва лойиҳа иши давом этмоқда» деди. 2022 йил 6 октябрда Туркия президенти Сурия</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг бирорадидир. Унга зулм килемайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>режими президенти Башар Асад билан учрашиш имконсиз эмаслигини айтди. Эрдоган Чехия пойтахти Прагада «Европа сиёсий ҳамжамияти» доирасидаги йиғилишлардан сўнг берган баёнотида «Вақти келганда Сурия президенти билан учрашиш вариантига мурожаат қилишимиз мумкин. Ҳозирда музокаралар паст даражада давом этмоқда», деди. Туркия президенти Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик саммитида Сурия режими президенти Башар Асад билан учрашиш истаги борлигини билдириди. Туркия ташки ишлар вазири Мавлуд Чавушўғли эса, Эрдоган ва Асаднинг Шанхай саммитида учрашиши ҳақидаги хабарларни рад этиб, Сурия режими раҳбари таклиф қилинмаганини таъкидлади.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Бу Эрдоган бошқа ҳукмдорлар каби хоиндир. Ташки кўринишида у ўзини исломий қилиб кўрсатса-да, аслини олганда у Исломдан тамоман йироқдир. Чунки у яхудий ва америкаликлардан иборат Аллоҳнинг душманларига ёрдам бериб, Суриядаги мусулмонларни хорламоқда ва уларни душманларига топширмоқда... Унинг юқоридаги баёнотига қаранг, бу баёнот у учун Ислом қадриятлари қадрият эмаслигига ишончли далил эмасми.</p>		
<p style="text-align: center;"><b>Лиз Трасс: Мен катта сионистман...</b></p>		
<p>Британия бош вазири Лиз Трасс ўзини «катта сионист» ва (Истроил)нинг катта тарафдори деб таърифлади ва Британия (Истроил)ни ҳимоя қилишини айтди. Трасс Британия яхудийлари вакиллар палатаси йиғилишида «Бирлашган қироллик ва (Истроил) ўртасидаги муносабатларни кучайтиришга ваъда берди. У яна (Истроил)ни мутлақ ва самимий» қўллаб-қувватлашга ваъда бериб, (Истроил) ва Британия эркинлик ва демократияга ишонмайдиган авторитар режимлар таҳдидига дучор бўлаётганини даъво қилди. Йиғилишда Британия элчинонасини Тель-Авивдан Қуддусга кўчириш чақириқлари бўлди. Яхудийлар вакиллар палатаси раҳбари Мар Ван Дерзел Британия ҳукуматини бу қадамни ташлашга унадади. У: «АҚШ элчинонани бошқа жойга кўчирганидек, Британия ҳам элчинонани кўчиради деб умид қиласиз?» деди. Йиғилишда (Истроил)нинг Британиядаги элчиси Ципи Хотовели ҳам иштирок этиб, Британия ва (Истроил) ўртасидаги дўстликни кўрсатиш учун бу қадамдан кўра мухимроқ нарса мумкин эмас, деди.</p>		
<p>Соғлиқни сақлаш вазири Роберт Женрик Қуддусда Британиянинг янги элчинонаси учун ҳозирда жуда кўп ерлар ажратилгани ҳақидаги олдинги фикрларини такорлади. Шунингдек, бош вазирнинг элчинонани кўчириш масаласини кўриб чиқишига тайёрлигини</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасız оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>әшитганидан мамнунлигини айтди. Рақамли технология, маданият, медиа ва спорт ишлари бүйича вазир Мишел Донилан үзининг биринчи халқаро ташрифи (Исройл)га бўлишини айтиб, «Исройлдан ўрганишимиз мумкин бўлган кўп сабоқлар бор», деди.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Британия – ёвузлик онаси ҳамда Ислом ва мусулмонларнинг бош душманидир. У үзининг мусулмонларга душманчилигини яна бир бор эълон қилди. Британия мусулмонлар ҳукмдорларини малай, хоин ҳамда Ислом ва мусулмонларга душман, (Исройл)га эса душман эмас деб билгани учун буни очиқ эълон қилишга журъат қилди. У мусулмонларда куч ва бирликни кўрганда эди, бунга журъат этолмас эди.</p>		
<p style="text-align: center;"><b>Мусулмонларнинг ҳукмдорлари үйғурларни ёрдамсиз ташлаб қўйдилар</b></p>		
<p>БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлган барча мусулмон давлатлар ҳукмдорлари (Сомалидан ташқари Бирлашган араб амирлиги, Қатар, Индонезия, Покистон, Судан, Сенегал, Қозоғистон, Мавритания) Хитойдаги ҳуқуқбузарликни мухокама қилишдан бош тортгани учун озчилик мусулмон үйғурларни ёрдамсиз ташлаб қўйдилар. Ливия эса бетараф қолди. Бу давлатлар Хитойнинг үйғур мусулмонлардан иборат фуқароларига нисбатан амалга оширган жиноятларини муноқаша қилувчи қарор лойиҳасидан бош тортиб, Хитой тарафини олдилар. Бу қарор 19та қарши 17та тарафдор ва 11та бетараф натижа билан ўтмай қолди. Унда АҚШ, Канада ва Британия чора кўриш тарафдори бўлишибди. Онаси қийиноқ лагерида вафот этган ва икки акаси бедарак йўқолган, жаҳон үйғурлар кенгashi раиси Тўлқун Ийсо шундай деди: «Бу фалокат. Бу ҳақиқатдан ҳам умидсизликдир». У яна қўшимча қилар экан, «Биз таслим бўлмаймиз. Лекин мусулмон давлатларнинг муносабатидан ҳафсаламиз пир бўлди», деди. Хитой ташқи ишлар вазирлиги эса, «Шинжон билан боғлиқ масалалар умуман гуманитар масалалар эмас. Балки улар терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш масалаларидир», деди.</p>		
<p>Ташқи ишлар вазирлиги үзининг расмий сайтида бу ҳаракат АҚШ ва айрим Ғарб давлатларининг «Хитойнинг ички ишларига аралашиш учун Инсон ҳуқуқлари кенгashiдан фойдаланишга» уриниши эканини ёзди. 31 август куни БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича бошқармаси ўз ҳисоботида Шинжонда инсон ҳуқуқлари жиддий поймол қилингани ҳақидаги холосага келган эди. Инсон ҳуқуқлари ташкилотлари</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг бирорадидир. Унга зулм килимайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Пекинни уйғурларга қарши қонунбузарликларда, жумладан уларни қамоқхона лагерларида мажбурий меҳнатда қўллашда айбламоқда. Улар этник озчилик бўлиб, уларнинг катта қисми мусулмонлардир. Уларнинг сони ўн миллионга етади ва АҚШ Хитойни геноцидда айблаб келади. 47 давлатдан иборат кенгашдаги кўплаб ривожланаётган давлатлар Хитой сармоясини хавф остига қўймаслик учун Хитойга очиқчасига эътиroz билдиришни истамайди. Хитой лагерларида сақланаётган одамлар суратларини кўтарган бир гуруҳ уйғурлар БМТ штаб квартираси олдида норозилик намойиши ўтказиши.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Уйғурлар масаласи соф исломий масаладир. Америка ундан ўзининг Хитой билан бўлган курашида фойдаланяпти. Хитойлик мазлум уйғурлар ўз масалаларини халқаро курашдан олиб чиқиб, уни Фаластин, Кашмир ва Роҳинга масалалари каби мусулмонларнинг муҳим масалаларидан бирига айлантиришлари керак... Бу масалалар ваъда қилинган ва Аллоҳнинг изни билан кутилаётган иккинчи рошид Халифалик давлати орқали ўз фожиаларининг тугашини кутмоқда.</p>		
<p style="text-align: center;"><b>Марокашнинг 20та шаҳрида Фаластинни қўллаб-қувватлаш ва муносабатларнинг нормализациясини рад этиш бўйича бўлиб ўтган намойишлар</b></p>		
<p>Марокашнинг 20та шаҳрида 30га яқин намойиш ва йиғилишлар ўюштирилиб, унда иштирокчилар Фаластиндаги мусулмонлар ва Фаластин масаласини қўллаб-қувватловчи шиорларни кўтариб чиқиши. Шунингдек, улар, босқинчilikни ва (Исройл)нинг Масжидул Ақсога бўлган тақрор-тақрор тажовузкорлигини қораловчи баннерларни (плакатларни) кўтариб чиқдилар. Намойишлар Ғарбий Соҳилда бир неча ҳафта давом этган қизғин воқеалар билан бир пайтга тўғри келди. Жанин ва Наблус лагерларида, шунингдек, бошқа ҳудудларда босқинч кучлар билан деярли ҳар куни бўлиб турган тўқнашувларда бир қанча мусулмонлар шаҳид бўлди. Намойишчилар «Фазаб жумаси» деб аталган кунларда арабларнинг расмий сукунатини ҳамда Ғарб ва унга алоқадор халқаро институтлар томонидан олиб борилаётган икки томонлама стандартли сиёсатни қораладилар. Улар яна Марокаш ва бошқа араб давлатлари ва босқинч (Исройл) ўртасидаги нормаллаштириш келишувини рад этишларини ҳамда кўп сонли босқинчилар иброний «такт» байрамини нишонлаш ва Талмудлик маросимларини ўтказиш баҳонасида Масжидул Ақсога қилаётган мисли кўрилмаган</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұмиллар ҳеч шак-шубҳасız оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
	<p>хужумларини қоралашларини тасдиқладилар. Намойишчилар яхудийлар билан муносабатлар нормаллаштирилишига қарши чиқиб, (Исройл) билан муносабатларни узишни талаб қилишди. Түнги намойишлар шаҳарларда кенг тус олиши күтилмоқда. Марокаш қироллиги 2020 йил охирида (Исройл) билан имзолаган муносабатларни нормаллаштириш келишуви жамоатчилек қаршилигига учраган эди.</p>	
	<p><b>Ал-Ваъй:</b> Бу – ҳукмдорларнинг ўз халқидан узоқлашганининг яна бир мисолидир. Бу хабар муносабатларни нормаллаштириш Марокаш халқи, қолаверса, ягона Уммат деган эътиборда, бутун Уммат томонидан рад этилганини англаади.</p>	
	<p><b>Босқинчи вұжуд Құддус мектебларида (Исройл) таълим дастурини жорий қилишга уринимоқда</b></p>	
	<p>Босқинчи яхудий вұжуди Құддусдаги Фаластин ўқув дастурини ўргатувчи таълим муассасаларыда чекловларни күчайтириб, ularни (Исройл) услубидаги ўқув дастурларини ўқитишига мажбур қилмоқда. Фаластиндаги мусулмонлар буни «ўқув дастурига қарши Исройлнинг уруши» ёки таълим жараёнини «яхудийлаштириш» деб таърифлайди. Құддусда 120минг талаба таълим олади. Уларнинг ярмидан кўпи босқинчилар назорати остидаги мектебларда ўқыйди. Босқинчилар қолган таълим муассасаларини ўзлаштиришига уриниб, ularни барча нарсада чеклайди, синф хоналарини кўпайтиришни, янги мектеблар қуришни ва ижарага олишни тақиқлайди. Құддусдаги мусулмонлар иш ташлашлар, юришлар ва норозилик намойишларини ўюштириш орқали (Исройл) ўқув дастури жорий қилинишига ва Фаластин таълим дастури ўзgartирилишига норозиликларини изҳор қилдилар.</p>	
	<p><b>Ал-Ваъй:</b> Фаластин халқи Ислом Уммати халқлари орасидаги энг қатъиятли халқ бўлиб, яхудийлар томонидан уларга етган мусибатлар уларнинг руҳини синдира олмади. Биз яхудийларнинг Фаластин халқи қўлида ўлим топишини Аллоҳдан сўраб қоламиз... Бу ёлғон бўлмаган ҳақ ваъдадир.</p>	
	<p><b>АҚШ давлат департаменти маслаҳатчиси: Фаластинликлар Абраҳам келишувига қўшилишлари керак</b></p>	
	<p>АҚШ давлат департаменти маслаҳатчиси Дерек Чолле бир гурӯҳ журналистлар билан учрашуви чоғида Украина-Россия можароси, шунингдек, Фаластин, Эрон, Қатар, ОПЕК ва Барак Обама билан боғлиқ бир қатор позицияларни очиқлади. Яхудийлар билан муносабатларни нормаллаштириш масаласига келсак, унга Фаластин</p>	

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм килмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>масаласини ҳал қилишдан кўра кўпроқ эътибор қаратди. У муносабатларни нормаллаштириш мұхимлигини тилга олиб, бу охирги йилларда эришилган энг ижобий ютуқ эканини айтиб ўтди. Дерек Чолле муносабатлар нормаллашувининг ilk белгилариға ўн йиллар олдин, Америка мудофаа вазиригига ишлаган пайтларида гувоҳ бўлганини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, ўша пайтда амирлик ва (исроил)ликлар бу ҳақда яширинча музокаралар олиб боришган. Чолленинг фикрича, бу борада Трамп маъмуриятининг ишлари таҳсинга сазовордир. Байден маъмурияти эса ҳозирда Трамп ўрнатган нарса устида ишламоқда.</p> <p>Унга кўра, Байден маъмурияти бу борада «тариҳий» учрашувни ўtkазишига эришди. Унда АҚШ давлат котиби Энтони Блинкен ўзининг (Исройил), Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Баҳрайн, Марокашдаги ҳамкаслари билан март ойида Негев чўлида учрашган. Чолле «Агар Абраҳам келишувларини бошланиш деб ҳисобласак, энди биз жараённи каттароқ келишувга айлантириш ва йиллик учрашувларни давом эттириш устида ишляяпмиз. (Исройил) араб давлатлари билан тузәётган «кatta ширкат» кенгайиб, фаластиналар учун унга қўшилишдан бошқа чора қолмайди», деди.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Улар муносабатларни нормаллаштиришни Фаластин масаласининг ечими сифатида тақдим этишмоқда. Бу билан улар мусулмонларни паст баҳолаб, ҳукмдорларни ўз ҳалқи ва динидан йироқ қарорларни қабул қилишга мажбурлашмоқда... Биз баланд овоз ва аниқлик билан айтамизки, Фаластин масаласи унга қарши шу қадар қабиҳ фитнадан сўнг Халифалик давлати барпо этилишини кутмоқда. Шом замини Халифалик давлатининг маркази бўлажак. □</p>		

## ҚУРЬОНИ ҚАРИМ СУХБАТИДА

СОФ СУРАСИ - СИЁСИЙ ҲИЙЛА-НАЙРАНГЛАРДАН ОМОН ҚОЛИШНИНГ  
ҚУРЬОНДАГИ НАМУНАСИ

Устоз Баён Жамол

Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда Ислом Уммати жудолик ва тарқоқликни бошдан кечирмоқда. Бундай аҳвол ё Исломнинг бошқарув ва жамият ҳаётида йўқлиги билан ёки мусулмонларнинг мағлубияти ва мусулмон юртларга Farb таъсирининг кириб бориши билан боғлиқ. Иқтисодий қолоқлик, қашшоқлик, ишсизлик, коррупция, қотиллик, оиласалар парчаланиши, фарзандлардан маҳрум бўлиш, буларнинг барчаси Ислом дини ва унинг низомларини ҳаётда татбиқ этмаслик натижасида юзага келган муқаррар кўринишdir. Аммо фикрий тарқоқлик, сиёsat ва тафаккур соҳасида янгича ёндашувларнинг тарқалиши, мусулмон юртларидағи сиёсий ҳаракатларнинг йўли турли-туманлиги, мусулмон ёшларнинг ўйин-кулгига берилиши, уларнинг ўз воқеларидан бехабарлиги ва тарихларини билмаслиги золимларнинг умрини чўзаётган ва устимиздан ҳукмронлик қилишига йўл бераётган кучли сабаблардир.

Уйғониш йўли Шайх Тақийюдин Набаҳоний роҳимаҳуллоҳ айтганидек, уйғонишни рӯёбга чиқарадиган фикрни, яъни коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги, шунингдек, коинот, инсон ва ҳаётнинг дунё ҳаётидан илгариги вужудга ҳамда дунё ҳаётидан кейинги ҳаётга алоқадорлиги ҳақидаги фикрни англашдан бошланади. Бошқача айтганда, Ислом фикратини ва унинг муаммоларни муолажа қилиш тариқатини англашдан бошланади. Юз йиллардан бери Уммат адашиб юрган бахтсизлик ботқоғидан чиқиб кетишини истаган киши Исломни, яъни унинг ақида ва низомларини билиши керак. Уйғониш йўлини излаган киши ўз амалини Аллоҳнинг китоби ва Росулининг суннатига боғлаши керак. Токи, йўллар ўзи билмаган жойда душман дарвозаси олдида тўхтаб қолмасин ҳамда ўз дини ақидаси ва ҳукмларидан бехабарлиги туфайли Умматнинг елкасидаги қуролга айланиб қолмасин. Чунки бизнинг ақидамиз ўзимиз яшаётган жоҳилияят зулмати қаршисида йўлни ёритиб берадиган нурдир.

﴿فَمَنْ كَانَ عَلَىٰ بَيْتَنَا مِنْ رَّبِّهِ فَكَمْ زُرْنَّ لَهُو سُوءَةٌ عَمَلِهِ وَاتَّبَعُوا أَهْوَاءَهُمْ﴾

«Ахир Парвардигори томонидан аниқ-равшан ҳужжатга (яъни Қуръонга) эга бўлган киши қилган ёмон амали ўзига чиройли

**күринган ва ҳавоиي нафсиға әргашған (коғири) кимсалар каби бўлурми?!»**

[Муҳаммад 14]

Қуръони карим инсонни ақл юритишга, фикрлаш ва тадаббур қилишга буюради. У ҳатто ваҳийга әргашишга тайёр бўлмаганларга ҳам мурожаат қилиб, уларни фикрлашга ундейди. Қуръондаги фикр юритиш шартларидан бири қандай бўлишидан қатъий назар таъсир этувчи жузъий омилларни бир четга суриб, ҳақиқатни англаш, кейин уни исботлаш истагидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَن يَدْعُ مَعَ اللَّهِ إِلَهًاٰءَاخَرَ لَا بُرْهَنَ لَهُ وَبِهِ فَإِنَّمَا حِسَابُهُ عِنْدَ رَبِّهِ إِنَّهُ لَا يُفْلِحُ الْكُفَّارُونَ﴾

**«Ким ўзи учун ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган ҳолда Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга илтижо қиласа, бас унинг ҳисоб-китоби Парвардигорининг ҳузурида бўлур. Албатта коғир бўлган кимсалар нажот топмаслар»**

[Мўъминун 117]

Албатта ушбу ва унга ўхшаш оятлар инсонга фикрлаш масъулиятини юклайди. Бу фикрлаш натижасига келсак, Қуръон ўз аҳлини кўр-кўрона әргашишга эмас, тафаккур асосида тарбиялайди. Шунингдек, шахсларга эмас, соғ йўлга әргашишга буюради. Қуръон ақлий тафаккурга эмас, балки натижаларни ҳимоя қилиш ва исботлаш масъулиятини ўз зиммасига олмайдиган тафаккурга эътиroz билдиради. Оятнинг давоми тафаккурнинг шунчаки ақлий кўнгилхушлик ёки натижасиз беҳуда тортишишдан иборат эмаслигини, балки инсон фикр майдонида то қиёматга қадар изланувчи-кузатувчи эканини огоҳлантиromoқда. Демак Исломда тафаккур – фаолиятдир.

﴿أَفَحَسِبْتُمْ أَنَّمَا خَلَقْنَاكُمْ عَبْرَانِيَا وَأَنَّكُمْ إِلَيْنَا لَا تُرْجَعُونَ﴾

**«Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда (яъни дунёда сизларга бирон вазифа бермайдиган, охиратда ҳисоб-китоб қилмайдиган ҳолда) яратдигу, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизларми?!»** (Ундоқ эмас)!»

[Мўъминун 115]

(Идрис Канбурий мақоласидан олинган иқтибос).

Қуръон амал китоби бўлгани ҳамда Аллоҳ Таоло Қуръон ўқувчиidan у ҳақда тадаббур қилишни талаб қилгани (ёнидан ўқ ўтганидек, тез ўқиб, ўтиб кетмаслиги) учун даъват йўлида фаолият олиб борувчи мусулмонлардан ушбу китоб ҳақида тадаббур қилишлари ҳамда даъват ва сиёsat ишларида унинг йўналишини маҳкам тутишлари талаб қилинган. Биз бугун жаҳолат ва онгиззлик балосига йўлиқдик. Бу Farb томонидан режалаштирилган ва мақсад қилинган ишdir. Чунки бутун бир авлоднинг йўқ бўлиб кетиши учун ўrnak олмаслик ва жаҳолат ёйилишининг ўзи етарлидир. Алоқа сайтларига ҳамманинг

осон кириши, аҳмоқ одам дунёга қарата ўз фикрини билдириши ҳамда фатво ва сиёсий таҳлил бериши оқибатида жамоатчилік саросимага тушиб, күпчилик парокандаликка учради.

Бу чалкашлик одамларни икки тоифага бўлиб қўйди. Биринчиси: Уммат ҳақидаги хабарларни кузатиш ва унинг ишларига эътибор беришни ёқтирумайди, қанийди нажот топсан деган умидда, фақат ўзинигина қутқаришни истайди. Бундан ташқари, у номаълум жойга ҳайдалган поданинг бир қисми бўлиб, ўзидан нима исталаётгани билмайди. Иккинчиси эса, воқеаларни кузатиб, уларнинг ортида нима борлигини билмайдиганлардир. Уларда на шаръий илим бор ва на ҳукмларни асослаб, воқега боғлашлик учун сиёсий билим бор. Шундай қилиб, саросима ва адаштиришлар кўпайди ҳамда Уммат мусибат устига мусибат билан яшайдиган бўлиб қолди.

Кимдир савол бериши мумкин: Бу ҳалокатдан чиқиш йўли борми?

Жавоб шуки, ҳар бир мусулмон қоронғиликда адашганда нурга қайтиши ва фикрлаш мушкул бўлиб қолганда ваҳий чироғидан фойдаланиши лозимдир.

﴿فَلَمَّا كُمْ مِنَ اللَّهِ نُورٌ وَكَتَبٌ مُبِينٌ ﴿يَهُدِي بِهِ اللَّهُ مَنِ اتَّبَعَ رِضْوَانَهُ وَسُبْلَ اللَّسِلَمِ وَيُخْرِجُهُمْ مِنَ الظُّلْمَةِ إِلَى النُّورِ يَأْذِنِهِ وَيَهْدِيهِمْ إِلَى صِرَاطِ مُسْتَقِيمٍ﴾

**«Сизларга Аллоҳ тарағиғдан Нур-Очиқ Китоб келдики, Аллоҳ у сабабли ўзининг ризолигига эргашган зотларни нажот йўлларига ҳидоят қилур ва Ўз изну иродаси билан уларни зулматлардан нурга чиқарур ва уларни Тўғри йўлга ҳидоят қилур»** [Моида 15-16] Мусулмон одам сиёсий ҳийла-найранглардан омон бўлиши учун ҳар дақиқада ўз ақидаси кўрсатмаларига амал қилиши ва ақидадан келиб чиқкан шаръий ҳукмларни воқега боғлаши ҳамда шу орқали тўла таслим ва бўйсунишни рўёбга чиқариши, нафс-ҳаво ва манфаатга эътибор бермаслиги, бирор гурӯҳ ёки раҳбарга эргашмаслиги керак. Чунки шариат ҳар қандай жамоат ва раҳбардан устундир. Агар ақида воқега тўғри шаклда боғланса, унда нажот бўлади. Чунки Аллоҳ Таоло бизга:

﴿وَاتَّقُوا اللَّهَ وَيُعَمِّكُمُ اللَّهُ﴾

**«Аллоҳдан қўрқингиз! Аллоҳ сизларга (ҳақ ҳидоят йўлини) билдиради»** [Бақара 282]  
деб ваъда берган.

Сиёсий фаолият шариат далилларига асосланган ва шаръий аҳкомларга мувофиқ бажарилиши лозим бўлган ўзига хос шаръий амаллардир. Сиёсий фаолият биринчи навбатда фиқҳ бўлиб, бу шунчаки фикрий кўнгилхушлик ёки тасодифий содир бўладиган ва биз Шарқ ёки Фарб изидан борадиган маъмурий фаолият эмас. Аллоҳ

Таоло бизга дин масалаларини батафсил ўргатған, бизга қандай уйланиш, қандай покланиш, қандай кийиниш, қандай овқатланиш, нимадан хафа бўлиш ва нимага хурсанд бўлишни ўргатған. Лекин қандай давлат қуриш, сиёsat билан қандай шуғулланиш ва ишларимизни қандай бошқаришни ўргатмаган, деб ўйлайдиган киши янглишади. Чунки оиласиз, фарзандларимиз, қўшниларимиз ва зиммийларга қандай муносабатда бўлишни ўргатған Ислом душманларимиз билан муомала қилишимизда, улар билан қандай баҳс-мунозара қилишимизда ва уларга нисбатан қандай позицияда туришимизда батафсил манҳажни кўрсатиб берган.

Шунинг учун Қуръон нури билан юрадиган мусулмон қуфр миллати битта экани ва кофиirlар бизга яхшиликни истамаслигини яхши билади

﴿وَدُّوا لَّو تَحْمِرُونَ كَمَا كَفَرُوا فَتَكُونُونَ سَوَاءٌ﴾

**«Улар ўзлари кофир бўлғанлари каби сизлар ҳам кофир бўлиб, улар билан баробар бўлиб қолишиларингизни истайдилар»** [Нисо 89]

Шунингдек, улар бизни пиистирмада пойлаб турishgанини ҳам яхши билади. Шундай экан, асосий тамойил шуки, мусулмонларнинг ҳар қандай масалаларига назар ташлар эканмиз, кофиirlарнинг аралашуви бу масалани бузиб вайрон қилишини яхши билишимиз ва улардан ҳеч қачон яхшилик кутмаслигимиз керак.

Аммо мусулмон ҳукмдорларга келсак, улар Аллоҳнинг шариати билан эмас, балки Farb қонунлари билан ҳукм юритмоқдалар. Шунинг учун мусулмон уларни ёмон кўриши ва нафратланиши керак. Уларга нисбатан улар Farb қўлидаги қўғирчоқлардир, Farb уларни хоҳлаган томонига ҳаракатлантиради деган муносабатда бўлиши керак. Қайси жамоа ёки олим уларга тилёғламалик қилса ва яхши муносабатда бўлса, улар билан биргадир. Шунингдек, Farb билан яхши муомалада бўлаётган ва унинг сиёсий ташкилоти остида фаолият қилаётган ҳар қандай сиёсий ҳаракат анави ҳукмдорлар каби Farb қўлидаги қўғирчоқдир деб ҳисоблаш лозим.

Аммо ер юзидаги мусулмонларга келсак, Аллоҳ Таоло бизни ягона Уммат қилди ҳамда ҳар қандай тарафкашлик ва Исломдан бошқасига мансубликни бекор қилди. Росууллоҳ ﷺ айтади:

«ذُعُوهَا فِإِنَّهَا مُبْتَدَأٌ»

**«Уни тарқ этинглар, чунки у сассиқ нарса».**

«الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَجُدُّهُ وَلَا يَقْرُءُهُ وَلَا يَظْلِمُهُ»

**«Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Уни ёрдамсиз ташлаб қўймайди, уни пастга урмайди ва унга зулм қилмайди».** Демак мусулмон учун мустамлакачи чизган чегаралар ва қабилавий

тарафкашликларнинг ҳеч қандай қиймати йўқ. Мусулмон ер юзидағи барча мусулмон менинг биродарим, унинг муаммоси менинг муаммойимдир, унинг ташвиши менинг ташвишимдир деб ҳисоблаши керак. Шундай экан, Фаластин фақат фаластинликларнинг муаммоси, Ливан муаммоси Сурияликларнинг муаммоси эмас, балки фақат Ливанликларнинг муаммоси, Туркия Суриялик қочқинларни қабул қилиши шарт эмас, деган шовқин суронлар ҳамда бундан бошқа исломий юртлардаги ҳокимият медиаси ва унинг малайлари тарқатадаётган бақир-чақириларнинг ҳеч қандай қиймати йўқ.

Ваҳийдан келиб чиққан ушбу тамойиллар фикрий ва сиёсий асосни ташкил этади. Мусулмон унинг нүридан фойдаланиб, ҳұммдорларнинг жарангдор нұтқлари ҳамда Ислом либосини кийиб олиб, эрта-ю кеч ғарбнинг дүстлиги ҳақида гапираётган сиёсий ҳаракатларнинг оқловларига алданмайди. Бирор ҳокимнинг хайрия ишлари ёки бирор давлатнинг мусулмонларни құллаб-қувватламаётганини яшириш мақсадида улар учун қилаётган саховати мусулмон кишини адастирмайди. Шунингдек, у ботилнинг умри узайиши ва ҳақ йўлига әргашаётгандарнинг озлигидан ноумид бўлмайди ва Роббисидан бўлган умиди ҳеч қачон сўнмайди. Аччиқ воқелик ва золимлар шавкати Аллоҳ Таолонинг ҳар қандай эшикни очиб беришини, ҳар қандай вазиятдан чиқиш йўлини кўрсатиб беришини унуттира олмайди.

Биргина Соф сураси ҳақида тафаккур қилган киши мана шу ҳақиқатларни тұлық идрок қила олади. Чунки Аллоҳ Таоло сураларини

﴿سَبَّحَ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا لَمْ تَشْوُلُونَ مَا لَا تَفْعَلُونَ﴾ كَبُرُ مَقْتَنًا عِنْدَ اللَّهِ أَنْ يَقُولُوا مَا لَا تَعْلَمُونَ﴾

«Осмонлардаги ва ердаги бор нарса Аллоҳга тасбеҳ айтди. У қудрат ва ҳикмат соҳибидир. Эй мўминлар, сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани (қиласиз деб) айтурсизлар?! Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган ишни (қиласиз, деб) айтишларингиз Аллоҳ наздида ўта манфур (ишдир)» [Соф 1-3] дея бошлади.

Имом Табарий тафсирида шундай келади: «Бу оят Росулуллоҳ нинг айрим саҳобаларига танбех бўлган эди. Чунки улардан бири қилмаган яхши иши билан мақтаниб, «мен фалон ишни қилдим», деган эди. Шунда Аллоҳ Таоло ўзлари қилмайдиган нарса билан ёлғондан мақтанишлари борасида танбех берди». Шундай экан, Ислом учун хизмат қиляпмиз деб даъво қилаётган, лекин хизмат

қилмаётган ҳаракатларнинг ақволи нима бўлади?! Биз Фаластин аҳли билан биргамиз дейдилару, лекин босқинчи билан ҳамтовоқ бўлганларнинг ақволи нимадан иборат бўлади?! Ёки улар ўзларини мўминлар қаторига қўймайдиларми?! Шунинг учун мусулмон киши аввало уларнинг амалларига назар ташлаб, бу амалларини гапирган гаплари билан солиштириб кўриши, сўнг, уларнинг Аллоҳ Таоло юқоридаги оятда зикр қилганларданми ёки улардан эмасми, шу ҳақда ўйлаб кўриши лозим.

Ибн Касир тафсирида шундай келади: «Абу Мусо Басра аҳлиниң қориларига элчи юборган эди, улардан уч юзтаси элчининг ҳузурига киришди. Уларнинг барчаси Қуръонни ёд олган кишилар эди. Элчи уларга: Сизлар Басра аҳлиниң қорилари ва яхши кишиларидансизлар. Биз мусаббиҳотлардан (سبح دеб бошланувчи суралардан) бирига ўхшайдиган сурани ўқир эдик, кейин уни унутиб қўйдик. Лекин мен ундан

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا لَمْ تَقُولُونَ مَا لَا تَعْلَمُونَ﴾

**(Эй мўминлар, сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани (қиласиз деб) айтурсизлар?!),** деган жойини ёд олганман. Сизларнинг бўйнингизда гувоҳлик ёзилган бўлиб, қиёмат куни ундан сўраласизлар», деди.

Аллоҳ Таоло бу оятлар ортидан

﴿إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الَّذِينَ يُقْتَلُونَ فِي سَبِيلِهِ، صَفَّا كَانُهُمْ بُنِينٌ مَرْضُوصٌ﴾

**«Албатта Аллоҳ Ўзининг йўлида гўё туташ бинолардек бир сафга тизилган ҳолларида жиҳод қиласиган зотларни севар»** [Соф 4] деб хитоб қилмоқда. Бу Аллоҳ Таолонинг жанг майдонида у зотнинг калимаси олий бўлиши ва дини бошқа динлар устидан ғолиб бўлиши учун бир сафда туриб, Аллоҳнинг душманларига қарши жанг қилаётган мўмин бандаларини яхши кўриши ҳақидаги хабаридир. Лекин бугун Аллоҳ йўлидаги мужоҳидларнинг сафи тарқоқ ва йўли турли-туман бўлиб кетди. Чунки Уммат парчаланиб сафи бузилди. Бугун уларни жамлайдиган ҳамда мужоҳидларнинг сафини тўғрилаб, Уммат биносини туташтириши учун жиҳод ҳукмларини барпо қиласиган ва Умматни душман қаршисида бирлаштирадиган, Аллоҳнинг калимасини олий қиласиган ва динини ҳукмрон қиласиган ҳоким йўқ. Қатода айтади: «Бино эгаси ўз биносининг қинғир-қийшиқ бўлиб кетишини хоҳламагани каби, Аллоҳ Таоло ҳам ўз ишини турли-туман бўлиб кетишини ёқтирамайди. Аллоҳ Таоло мўминларнинг намозда сафини тўғрилагани каби жангда ҳам тўғрилади. Шундай экан, Аллоҳнинг буйруғини маҳкам тутинг, чунки у унга амал қилган киши учун ҳимоядир».

Сүнг Аллоҳ Таоло яхудий ва насронийлар ҳамда уларнинг ўз пайғамбарларини ёлғонга чиқариши ҳақида бундай дейди:

﴿وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِقَوْمِهِ يَقُولُونَ لَمْ تُؤْدُنَا فَقَدْ تَعْلَمُونَ أَتَيْ رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ فَلَمَّا زَاغَ عَنْهُمْ قُلُوبُهُمْ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ ﴾ وَإِذْ قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ يَدْعُ إِسْرَائِيلَ إِذْنَ رَسُولِ اللَّهِ إِلَيْكُمْ مُصَدِّقاً لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْتَّوْرَةِ وَمُبَشِّراً بِرَسُولٍ يَأْتِي مِنْ بَعْدِي أَسْمُهُ أَحْمَدُ فَلَمَّا جَاءَهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ قَالُوا هَذَا سِحْرٌ مُّبِينٌ وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنِ افْتَرَى عَلَى اللَّهِ الْكَذِبَ وَهُوَ يُدْعَى إِلَى الْإِسْلَامِ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ﴾

«Эсланг, Мусо ўз қавмига: «Эй қавмим, нега сизлар мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбари эканлигимни билган ҳолингиздә менга озор берурсизлар?!» деган эди. Бас, қачонки улар (Хақ йўлидан) оғишгач, Аллоҳ уларнинг дилларини (ҳидоятдан) оғдирив кўйди. (Зотан) Аллоҳ фосиқ-иттоатсиз қавмни ҳидоят қилмас. Эсланг, Исо ибн Марям: «Эй Бану Исроил, албатта мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбари дирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳақида хушкабар бергувчи бўлган ҳолда (юборилдим)», деган эди. Бас қачонки (Исо) уларга (ўзининг ҳақ пайғамбар эканлигига) аниқ-равшан ҳужжат-мўъжизалар келтиргач, улар: «Бу очиқ сеҳр», дедилар. Ўзи Исломга даъват қилинаётган ҳолида, (у даъватни қабул қилиш ўрнига) Аллоҳ шаънига («У зотнинг боласи бор, шериклари ҳам бор», деб, ёки Аллоҳнинг оят-мўъжизаларини «Бу сеҳр», деб) ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Аллоҳ бундай золим қавмни ҳидоят қилмас!» [Софиф 5-7]

Қуртубийнинг тафсирида шундай дейилади: «Яъни улар Ресулуллоҳ  ҳурмат қилиш ва Роббилирига итоат қилишдек буйруқни тарк этгач, Аллоҳ уларнинг қилган ишларига жазо бўлиши учун қалбларга залолатни солиб қўйди». Ушбу оят улардан кейингиларни огоҳлантирмоқда. Чунки ваҳийдан оғиш қалбларни хиралаштиришга ва уларни залолатга тўлдиришга сабабдир, Аллоҳ ўзи сақласин.

Яхудий ва насронийларнинг ўз пайғамбарларини ва саййидимиз Мұхаммад  ёлғончига чиқаришлари ҳақидаги бу оялтар у кишидан кейинги даъватчиларга тасаллидир. Шунингдек, уларда кофирлар бизларга яхшиликни хоҳламаслиги ва ўзлари кофир бўлганидек бизни ҳам кофир бўлишимизни исташлари ҳақида хабар бор. Бу уларнинг рўмол, аzon, васийлик, оила қадриятлари ва таълим-тарбия каби барча Ислом ҳукмларига қарши ҳужумларида

яқынади. Исломнинг сиёсий вүжудига ҳужум қилишлари, Халифаликдан құрқишилари, уни тилга олишдан қайтаришлари ва унға ҳаракат қилаётгандарга қарши тинимсиз уруш олиб боришлари ҳақида айтмасак ҳам бўлади. Улар худди Аллоҳ Таоло қўйидаги каломида сифатлаган кимсалардек:

﴿يُرِيدُونَ لِيُطْفِئُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَاللَّهُ مُتِمٌ نُورٍ وَلَوْ كَيْدَ الْكُفَّارِ هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ وَبِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرُهُ عَلَى الَّذِينَ كُلُّهُمْ وَلَوْ كَيْدَ الْمُشْرِكُونَ﴾

**«Улар Аллоҳнинг нурини (яъни Исломни) оғизлари (яъни беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўлурлар. Аллоҳ эса, гарчи кофирилар истамасалар-да, Ўз нурини (яъни динини) тўла (яъни ҳар тарафга) ёйгувчидир. У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар истамасалар-да – барча динларга ғолиб қилиш учун юборган зотдир»** [Соф 8-9]

Бу ҳақда Ибн Касир тафсирида шундай келади: Улар ҳақиқатни ёлғон билан рад қилишга ҳаракат қилишяпти. Бунда улар гўё ўз сояси билан қуёш нурини тўсмоқчи бўлган кишига ўхшайдилар. Ваҳоланки, ҳар икки иш ҳам маҳолдир. Шунинг учун Аллоҳ Таоло

﴿يُرِيدُونَ أَن يُطْفِئُوا نُورَ اللَّهِ إِلَّا أَن يُتَمَّمْ نُورُهُ وَلَوْ كَيْدَ الْكُفَّارِ هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ وَبِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرُهُ عَلَى الَّذِينَ كُلُّهُمْ وَلَوْ كَيْدَ الْمُشْرِكُونَ﴾

**«Улар Аллоҳнинг нурини (яъни, Исломни) оғизлари (яъни, беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса, гарчи (кофирилар) хоҳламаслар-да, фақат Ўз нурини тўла (яъни, ҳар тарафга) ёйишни истайди. У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар хоҳламасалар-да – барча динларга ғолиб қилиш учун юборган зотдир»** [Тавба 32-33]

деди.

Суранинг охирига келсак, Аллоҳга қасамки, суранинг боши неъматларни ўз ичига олганидек, охири ҳам неъматларни ўз ичига олади. Бу неъмат ҳидоят ва ёрқин нурдир. Яна у Аллоҳнинг мўмин бандаларига бўлган меҳрибонлиги ва мұхаббатини таратган улкан марҳаматидир. Аллоҳ Таоло яхудийлар Мусо  олиб келган нарсадан оғишган пайтда уларнинг қалбларига залолат уруғини экканидек, мўминларнинг қалбига ҳидоят уруғини экади ва уларни дунё ва охиратда халоскор бўлган нарсага етаклайди. Ибн Касир ўз тафсирида суранинг бошланиши ва охирини боғлар экан, шундай дейди: «Абдуллоҳ ибн Саломнинг ҳадисида (бу аввалги оятлар тафсирида ҳам келган) келишича, саҳоба лар Аллоҳдан у зот учун энг суюкли амал қайси эканини сўрашни хоҳлашди ва уни билсалар

амал қилишларини айтишди. Шүнда Аллоҳ Таоло үшбу сұраны нозил қилди. Унинг таркибида үшбу

﴿يَتَأْمِنُهَا الَّذِينَ ءامَنُوا هُلْ أَدْلُكُمْ عَلَىٰ تِجَرَّةٍ تُنْجِيْكُمْ مِنْ عَذَابٍ أَلِيمٍ﴾

**«Эй мұмінлар, сизларга аламли азобдан на жом берадиган бир «тижорат»ни күрсатаймы?»** [Софф 10]

ояти ҳам бор бўлиб, Аллоҳ Таоло бу мақсаднинг ҳосиласи бўлган ва ҳаромни кетказадиган ва қасод бўлмайдиган тижоратни тушунтириб

﴿تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَتُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ بِاَمْوَالِكُمْ وَأَنْفُسِكُمْ دَلِيْكُمْ خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾

«(Ўша «тижорат» мана будир) – Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтирурсизлар ва Аллоҳ йўлида мол ва жонларингиз билан жиҳод қилурсизлар. Мана шу агар билсангизлар ўзларингиз учун энг яхши (иш)дир» [Софф 11]

дейди. Яъни бу дунё тижоратидан, унга тер тўкишдан ва фақат унга бел боғлашдан яхшироқ деганидир».

Сўнг Аллоҳ Таоло айтди:

﴿يَغْفِرَ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ﴾

(*Сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур*). Яъни агар Мен буюрган ва кўрсатган ишларни қилсангиз, гуноҳларингизни кечириб, жаннатга киргизаман. Шунингдек, покиза масканлар ва олий даражалар ато қиламан, деганидир. Шунинг учун:

﴿وَيُدْخِلُكُمْ جَنَّتٍ تَجْرِيْ مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَرُ وَمَسَكِنٌ طَيْبَةٌ فِي جَنَّتٍ عَدِينَ ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيْمُ﴾

**«Сизларни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга ва абадий жаннатлардаги покиза масканларга киритур. Бу эса улуғ баҳтдир»** [Софф 12]

дейди». Сўнг айтади:

﴿وَأُخْرَىٰ تُحِبُّونَهَا﴾

**«Ва яна бошқа сизлар сүядиган»** [Софф 13]

Яъни бунга қўшимча яна сизлар сүядиган нарсани берурман дейди. Бу эса,

﴿نَصْرٌ مِنْ اللَّهِ وَفَتْحٌ قَرِيبٌ﴾

**«Аллоҳ томонидан бўлган ғалаба ва яқин(да рўй бергувчи Макка) фатҳидир»** [Софф 13]

Яъни агар у зотнинг йўлида жанг қилсангиз ва динига ёрдам берсангиз, Аллоҳ сизларга ёрдам беришни кафолатлади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ عَامَنُتُمْ إِنَّ تَنْصُرُوا اللَّهَ يَنْصُرُكُمْ وَلَيَقْتَلَنَّ أَفَدَامَكُمْ﴾

«Эй мүминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар (яғни Унинг йўлида жиҳод қилсангизлар), У зот ҳам сизларга ёрдам берур ва жанг майдонида қадамларингизни сабит-барқарор қилур»

[Мұхаммад 7]

﴿وَلَيَنْصُرَنَّ اللَّهُ مَنْ يَنْصُرُهُ إِنَّ اللَّهَ لَغَوِيٌّ عَزِيزٌ﴾

«Албатта Аллоҳ Ўзига (яғни динига) ёрдам берадиган зотларни ғолиб қилур. Шубҳасиз Аллоҳ кучли, қудратлидир»

[Ҳаж 40]

(<sup>1</sup> Ҷаҳоннумнан шунингдеги ғарбиёттаги Яқин ғалаба) дегани Аллоҳ ва Росулига итоат қилган ҳамда Аллоҳ ва Унинг динига ёрдам берган кишига охират неъматларига уланадиган дунё яхшиликларини беради деганидир. Шунинг учун Аллоҳ Таоло:

﴿وَبَشِّرْ أَمْوَانِنَ﴾

«(Эй Мұхаммад), мүминларга (мана шу) хушхабарни етказинг!»

[Софиф 13]

демоқда».

Демак, бу ҳар бир мусулмонга даъват бўлиб, нусрат ҳамда дунё-ю охиратдаги азизлик ва юксаклик йўли ушбу динни юксалтириш учун фаолият қилаётгандарнинг йўли деганидир. Шунингдек, нусрат Умматдан юз ўгириш билан эмас, балки тинимсиз меҳнат қилиш, эрта-ю кеч унинг ташвишларини кузатиш, насиҳат қилиш ва Аллоҳнинг динини татбиқ этишга даъват қилиш билан бўлади. Қиёмат куни Қуръон ўз қорисини лаънатлаши мумкин. Шунинг учун Уммат уни ўрганиши, татбиқ этиши ҳамда салтанат тоғуту режимларники эмас, балки Исломники бўлиши учун у билан ҳукм юритиши шарт. Акс ҳолда, Қуръонни ёдлаш ва тиловат қилиш Аллоҳнинг ҳузурида бизга қарши ҳужжат бўлади. Шундай экан, кофирлар билан ора очиқлик қилиш ҳақидаги оятларни ўқиб туриб, ҳукмдорларимиз Вашингтон ва Москвага бориб, улардан куч-қудрат излаётганини қандай қабул қиласиз? Азизлик Аллоҳ, Росули ва мүминларники эканини ўқиб туриб, қандай қилиб шундан кейин душманларимиз бизга ҳукмрон бўлишлари, ишларимизга аралashiши, фарзандларимиз тарбиясини назорат қилиши ҳамда бизга CEDAW ва болалар қонуни ва бошқа ифлосликларини жорий қилишига рози бўламиз. Қуръонни эрта-ю кеч тиловат қилиб, унга қарши амал қиласизми? Ёки бизга Аллоҳ Таолонинг ғазаби ёғилишини хоҳтаймизми?! □

## ЯХШИЛИК ҚИЛИШ ВА ОДАМЛАРНИНГ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРИШ

Албатта яхшилик қилиш ва одамларнинг эҳтиёжларини қондириш солиҳ амаллардан бўлиб, мусулмон киши у орқали Аллоҳга яқинлашади ҳамда дунё-ю охиратдаги розилигига эришади. Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло мусулмонларга яхшилик қилиш, жумладан одамларнинг эҳтиёжларини қондиришга буюриб, мусулмоннинг нажот топишини унга боғлади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِمَانُوا أَرْكَعُوا وَأَسْجَدُوا وَأَعْبُدُوا رَبَّكُمْ وَأَفْعُلُوا الْخَيْرَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

«Эй мўминлар, рукуъ қилингиз сажда қилингиз ва Парвардигорингизга ибодат қилиб, яхшилик қилингиз шоядки нажот топсангизлар» [Ҳаж 77]

Аллоҳ Таоло яна мусулмон нима яхшилик қилса, ўзига савоб, бошқасига эса завқу шавқ тақдим этадиган қилиб белгилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا تُقْدِمُوا لِأَنفُسِكُمْ مِنْ خَيْرٍ تَجِدُوهُ عِنْدَ اللَّهِ هُوَ خَيْرٌ وَأَعْظَمُ أَجْرًا وَأَسْتَغْفِرُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

«Ва ўзингиз учун тақдим қиласиган ҳар бир яхшилиknи (Қиёмат куни) Аллоҳнинг ҳузурида янада яхшироқ ва улуғроқ ажр мукофот ҳолида топурсизлар. Аллоҳдан мағфират сўранглар! Албатта Аллоҳ мағфиратли меҳрибондир»

[Муззамил 20]

Ином Табарий роҳимаҳуллоҳ ўз тафсирида шундай дейди: Эй мўминлар дунёда берган садақаларингиз ва Аллоҳ йўлида берган нафақаларингиз, бундан бошқа яхшилик йўлидаги нафақаларингиз, Аллоҳга итоат қилиб ўқиган намозларингиз, тутган рўзаларингиз ва ҳажларингиз ҳамда Аллоҳ ҳузуридаги ажр умидида қилган яхшиликларингизни қиёмат куни Аллоҳ ҳузурида дунёда берган нарсаларингиздан яхшироқ ва савоби

күпроқ ҳолда топасиз. Яъни унинг савоби сиз берган нарсадан каттароқдир, гарчи ният қилиб бера олмай қолган бўлсангизда. Имом ибн Касир роҳимаҳуллоҳ айтади: Ким бир ишга ҳаракат қилса ва унинг натижаси яхшилик бўлса, у учун ўша нарсадан насиба бордир.

– Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилган ҳадисда Руслан صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ шундай дейди:

«كُلُّ مَعْرُوفٍ صَدَقَةٌ»

«Ҳар бир маъруф ишда садақа бор». Муттафақун алайҳ.

– Табароний ибн Умардан ривоят қилган ҳадисда Руслуллоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ шундай дейди:

«إِنَّ لِلَّهِ عَبَادًا أَخْصَصَهُمْ بِالنِّعَمَ لِمَنَافِعِ الْعِبَادِ، يُقْرَئُهُمْ فِيهَا مَا يَذَلُّوهَا، فَإِذَا مَنَعُوهَا نَزَعَهَا مِنْهُمْ، فَحَوَّلَهَا إِلَى غَيْرِهِمْ»

«Аллоҳ Таоло айрим бандаларига бошқаларга манфаат келтирадиган неъмат берган. Улар ўша неъматдан бошқаларга улашар эканлар, у неъмат уларда барқарор турди. Аммо улар улашишдан тўхтасалар, Аллоҳ уни ундан тортиб олиб, бошқаларга беради». Ҳасан ҳадис.

– Ибн Абу Дунё ва Табароний Ибн Умардан ривоят қилган ҳадисда Руслуллоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ айтади:

«أَحَبُّ النَّاسِ إِلَى اللَّهِ أَنْعَمُهُمْ لِلنَّاسِ»

«Одамларнинг Аллоҳга суюклироғи одамларга манфаатлироғидир». Ҳасан ҳадис.

– Ибн Можжа Анас ибн Моликдан ривоят қилган ҳадисда Руслуллоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ айтади:

«إِنَّ مِنَ النَّاسِ مَفَاتِيحَ لِلْخَيْرِ، مَغَالِقَ لِلشَّرِّ، وَإِنَّ مِنَ النَّاسِ مَفَاتِيحَ لِلشَّرِ مَغَالِقَ لِلْخَيْرِ، فَطُوبِي لِمَنْ جَعَلَ اللَّهُ مَفَاتِيحَ الْخَيْرِ عَلَى يَدِيهِ، وَوَبِئِي لِمَنْ جَعَلَ اللَّهُ مَفَاتِيحَ الشَّرِ عَلَى يَدِيهِ»

«Шундай одамлар борки, улар яхшилик калитлари, ёмонликнинг эса қулфлариидир. Яна шундай одамлар борки, улар ёмонлик калитлари, яхшиликнинг эса қулфлариидир. Аллоҳ қўлига яхшилик калитини берган кишига тубо бўлсин ва

қўлига ёмонлик калитини берган кишига вайл бўлсин». Ҳасан ҳадис.

— Табароний Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ айтади:

«اَمُّوْمِنُ يَاْلُفُ وَيُؤْلُفُ، وَلَاَ خَيْرٌ فِيمَنْ لَا يَاْلُفُ وَلَا يُؤْلُفُ وَخَيْرُ النَّاسِ اَنْفَعُهُمْ لِلنَّاسِ»

«Мўмин киши бошқаларни дўст тутади ва ўзи ҳам бошқаларга дўст бўлади. Дўст тутмайдиган ва дўст бўлмайдиган кишида яхшилик йўқ. Одамларнинг яхиси, уларга фойдалироғидир». Ҳасан ҳадис.

— Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ айтади:

«مَنْ نَفَسَ عَنْ مُؤْمِنٍ كُرْبَةً مِنْ كُرْبِ الدُّنْيَا، نَفَسَ اللَّهُ عَنْهُ كُرْبَةً مِنْ كُرْبِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ، وَمَنْ يَسَرَ عَلَى مُعَسِّرٍ، يَسَرَ اللَّهُ عَلَيْهِ فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ، وَمَنْ سَرَّ اللَّهُ فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ، وَاللَّهُ فِي عَوْنَ الْعَبْدِ مَا كَانَ الْعَبْدُ فِي عَوْنَ أَخِيهِ»

«Ким бир мўминни дунёдаги ғам-қайғусидан халос этса, Аллоҳ Таоло унинг охиратдаги қайғусидан халос қиласди. Ким бир мўминнинг оғирини енгил қиласа, Аллоҳ унинг дунё-ю охиратдаги ишларини енгиллаштиради. Ким мусулмоннинг сирини яширса, Аллоҳ дунё-ю охиратда унинг сирларини яширади. Банда ўз биродарига ёрдам беришда давом этар экан, Аллоҳ ҳам бандасига ёрдам беришда давом этади».

— Икки шайх Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ айтади:

«الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ، لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يُسْلِمُهُ، وَمَنْ كَانَ فِي حَاجَةٍ أَخِيهِ كَانَ اللَّهُ فِي حَاجَتِهِ»

«Мусулмон мусулмоннинг биродариидир, унга зулм қилмайди ва ёрдамсиз ташлаб қўймайди. Ким ўз биродари ҳожатини чиқарса, Аллоҳ унинг ҳожатини чиқаради».

— Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Саид Ҳудрий айтади: Росууллоҳ ﷺ билан бирга сафарда эдик, уловини миниб бир киши келиб, ўнг ва чап тарафга қарай бошлади. Шунда Росууллоҳ ﷺ айтдики:

«مَنْ كَانَ مَعَهُ فَصْلٌ ظَهِيرٌ (دَابَّةٌ)، فَلْيَعْدُ بِهِ عَلَىٰ مَنْ لَا ظَهَرَ لَهُ، وَمَنْ كَانَ لَهُ فَصْلٌ مِنْ زَادٍ، فَلْيَعْدُ بِهِ عَلَىٰ مَنْ لَا زَادَ لَهُ»

«Ким уловидан ортиқчаси бўлса, улови бўлмаган кишига берсин. Кимни озиқ-овқатидан ортиқчаси бўлса, озиқ-овқати бўлмаганга берсин».

— Икки шайх Абу Мусодан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ айтади:

«الْمُؤْمِنُ لِلْمُؤْمِنِينَ يَشُدُّ بَعْضَهُ بَعْضًاً، وَشَبَّكَ بَيْنَ أَصَابِعِهِ»

«Мўмин мўмин учун бир-бирини ушлаб турадиган бинога ўхшайди, деди-да, бармоқларини бир-бирига кириштирди».

— Имом Муслим Нўймон ибн Баширдан ривоят қилган ҳадисда Росулулоҳ, ﷺ айтади:

«مَثُلُ الْمُؤْمِنِينَ فِي تَوَادِهِمْ وَتَرَاحِمِهِمْ مَثُلُ الْجَسَدِ إِذَا اشْتَكَى مِنْهُ عُضُوٌ تَدَاعَى لَهُ سَائِرُ الْجَسَدِ بِالسَّهْرِ وَالْحَمَى»

«Мўминларнинг ўзаро муносабатлари, раҳмдилликлари ва ҳамдардликлари худди бир танага ўхшайди. Агар унинг бирор аъзоси оғриб қолса қолган аъзолар ҳам иситмалаб, бедор бўлиб чиқади». Ибн Абу Дунё ва Табароний Ибн Умардан қилган ривоятда Росулулоҳ, ﷺ шундай дейди:

«أَحَبُّ الْأَعْمَالِ إِلَيَّ اللَّهِ سُرُورُ تُدْخِلُهُ عَلَىٰ مُسْلِمٍ، أَوْ تُكْشِفُ عَنْهُ كُرْبَيْةً، أَوْ تَقْضِي عَنْهُ دِيَنًا، أَوْ تَطْرُدُ عَنْهُ جُوْعًا، وَلَا نَأْمُشِي مَعَ أَخِّي فِي حَاجَةٍ، أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ أَنْ أَعْتَكِفَ فِي هَذَا الْمَسْجِدِ (يَعْنِي مَسْجِدَ الْمَدِينَةِ) شَهْرًا، وَمَنْ كَفَ غَضَبَهُ، سَتَّرَ اللَّهُ عَوْرَتَهُ. وَمَنْ كَظَمَ عَيْظَةً، وَلَوْ شَاءَ أَنْ يُمْضِيَهُ أَمْضَاهُ، مَلَأَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَ قَلْبَهُ أَمْنًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ. وَمَنْ مَشَى مَعَ أَخِيهِ فِي حَاجَةٍ حَتَّىٰ أَثْبَتَهَا لَهُ، أَثْبَتَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَ قَدَمَهُ عَلَى الصِّرَاطِ يَوْمَ تَزُلُّ فِيهِ الْأَقْدَامُ، وَإِنَّ سُوءَ الْحُلُقِ لِيُفْسِدُ الْأَعْمَالَ كَمَا يُفْسِدُ الْحُلُقُ الْعَسَلَ»

«Амалларнинг Аллоҳ учун суюклироғи мусулмонни хурсанд қилишинг, ғамидан халос қилишинг, қарзини тўлашинг ва оч қолганда тўйғазишингдир. Чунки Мен ушбу масжидда бир ой эътикофда ўтиришимдан кўра биродаримнинг эҳтиёжини қондириш йўлида ҳаракат қилишим мен учун яхшироқдир.

Ким ғазабини бостирса, Аллоҳ унинг айбларини яширади. Ким агар ғазабини тўкиб солишни истаса, бунга қодир бўла туриб, уни тўхтатса, Аллоҳ қиёмат кунида унинг қалбини умид билан тўлдиради. Ким биродарининг эҳтиёжини қондирish йўлида йўлга чиқиб, уни қондирса, Аллоҳ Таоло қадамлар тойиладиган кунда унинг қадамларини мустаҳкам қилади. Албатта ёмон хулқ худди сирка асални айнитганидек, амални бузади». Ҳасан ҳадис.

— Икки шайх Анас ибн Моликдан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ шундай дейди:

«لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ، حَتَّىٰ يُحِبَّ لِأَخِيهِ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ»

«Бирортангиз яхши кўрган нарсасини биродарига илинмагунича мўмин бўла олмайди».

— Муслим Абу Ясадан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ шундай дейди:

«مَنْ أَنْظَرَ مُعْسِرًا أَوْ وَضَعَ عَنْهُ، أَظَلَّهُ اللَّهُ فِي ظَلَّةٍ»

«Ким тўлашга қодир бўлмаган қарздорни кутса ёки кечиб юборса, Аллоҳ қиёмат куни уни ўз сояси остига олади».

— Имом Термизий Амр ибн Жуҳанийдан ривоят қилишича, Муовия ибн Абу Суфён айтади: Мен Росууллоҳ шундай деганини эшитганман:

«مَا مِنْ إِمَامٍ يُعْلِقُ بَابَهُ دُونَ ذَوِي الْحَاجَةِ وَالْحَلَّةِ وَالْمَسْكَنَةِ، إِلَّا أَغْلَقَ اللَّهُ أَبْوَابَ السَّمَاءِ دُونَ خَلْبَيْهِ وَحَاجَيْهِ وَمَسْكَنَتَهِ»

«Қайсики Имом (халифа) ўз эшигини муҳтоҷ, бечора ва камбағал қаршисида ёпса, Аллоҳ Таоло унинг муҳтоҷлиги, бечоралиги ва камбағаллиги қаршисида осмон эшикларини ёпди». Муовия шундан кейин одамларнинг эҳтиёжлари учун бир кишини тайин қилгани ривоят қилинган. Ҳасан ҳадис.

— Имом Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ шундай дейди:

«إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ يَقُولُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ: يَا ابْنَ آدَمَ، مَرِضْتُ فَلَمْ تَعْدِنِي، قَالَ: يَا رَبَّ، كَيْفَ أَعُوذُكَ وَأَنْتَ رَبُّ الْعَالَمَيْنِ؟ قَالَ: أَمَا عَلِمْتَ أَنَّ عَبْدِي فُلَانًا مَرِضَ فَلَمْ تَعْدُهُ؟ أَمَا عَلِمْتَ أَنَّكَ لَوْ عَدْتَهُ لَوْ جَدَنَيْ عِنْدَهُ؟ يَا ابْنَ آدَمَ، اسْتَطْعَمْتُكَ فَلَمْ تُطْعِمْنِي، قَالَ: يَا

رَبِّ، وَكَيْفَ أَطْعَمْتَ وَأَنْتَ رَبُّ الْعَالَمِينَ؟ قَالَ: أَمَا عَلِمْتَ أَنَّهُ إِسْتَطَعْمَكَ عَبْدِي فُلَانْ، فَلَمْ تُطْعِمْهُ؟ أَمَا عَلِمْتَ أَنَّكَ لَوْ أَطْعَمْتُهُ لَوْجَدْتَ ذَلِكَ عِنْدِي؟ يَا ابْنَ آدَمَ، إِسْتَسْقِيْنُكَ، فَلَمْ تَسْقِنِي، قَالَ: يَا رَبِّ، كَيْفَ أَسْقِيْكَ وَأَنْتَ رَبُّ الْعَالَمِينَ؟ قَالَ: إِسْتَسْقَاكَ عَبْدِي فُلَانْ فَلَمْ تَسْقِهِ، أَمَا إِنَّكَ لَوْ سَقَيْتَهُ لَوْجَدْتَ ذَلِكَ عِنْدِي».

«Аллоҳ Таоло қиёмат куни: Эй одам боласи, мен касал бўлдим мени кўргани бормадинг, дейди. Шунда у киши: Эй Роббим, қандай қилиб сени кўргани бораман? Сен оламларнинг Роббиси бўлсанг дейди. Аллоҳ эса: Билмайсанмики, фалончи бандам касал бўлди, лекин уни кўргани бормадинг. Агар уни кўргани борганингда, унинг ҳузурида мени топар эдинг, дейди. Аллоҳ: Эй одам боласи сендан таом сўрадим, менга уни бермадинг, дейди. У киши: Эй Роббим қандай қилиб сенга таом бераман, Сен оламлар Роббиси бўлсанг, дейди. Аллоҳ эса: Билмайсанмики, фалончи бандам сендан овқат сўради, лекин сен унга овқат бермадинг. Агар унга овқат берганингда, ҳузуримда уни топар эдинг, дейди. Аллоҳ: Эй одам боласи сендан сув талаб қилдим, лекин мени сув билан сийламадинг, дейди. У киши: Эй Роббим нечук сени сув ила сийлайман? Ваҳоланки сен оламлар Роббиси бўлсанг, дейди. Аллоҳ эса: Фалончи бандам сув талаб қилди, сен унга сув бермадинг. Билмайсанмики, агар сув билан сийлаганингда, уни менинг ҳузуримда топган бўлар эдинг, дейди».

— Икки шайх Абу Мусо Ашъарийдан шундай ривоят қиласиди: Агар Росууллоҳ ﷺ бирортаси бир нарса сўраса ёки эҳтиёжини қондиришини истаса шундай дер эди:

«اَشْعَعُوا تُؤْخِرُوا، وَيَقْضِي اللَّهُ عَلَىٰ لِسَانِنِيَّةِ مَا شَاءَ»

«Шафоат қилинглар ажр оласизлар. Аллоҳ Таоло ўз пайғамбари ﷺ тили билан хоҳлаган нарсани ҳукм қиласиди». Бу ерда шафоат шаръий манфаатни жалб қилиш ва зарарни даф қилиш борасида бошқасига ўртамчилик қилиш маъносидадир.

Табароний ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ айтади:

«إِذَا عَرَضَ الْمُحْتَاجُ حَاجَتَهُ عَلَيَّ، فَأَشْفَعُوا لَهُ إِلَيَّ؛ فَإِنَّكُمْ إِنْ شَفَعْتُمْ حَصَلَ لَكُمُ الْأَجْرُ؛  
سَوَاءٌ قَبِيلْتُ شَفَاعَتُكُمْ أَمْ لَا، وَجُنْحِرِي اللَّهُ عَلَى لِسَانِ نَبِيِّهِ مَا شَاءَ مِنْ مُوجَبَاتِ قَضَاءِ  
الْحَاجَةِ أَوْ عَدَمِهَا، فَإِنْ قَضَيْتُهَا أَوْ لَمْ أَقْضِهَا، فَهُوَ بِتَقْدِيرِ اللَّهِ تَعَالَى وَقَضَائِهِ»

«Бир мұхтож киши менга шикоят билан келса, унга шафоат қилинг. Агар сүраганда шафоат қилсанғыз, ажрингизни оласыз ва сизнинг шафоатингиз ёрдам берадими ёки ёрдам бермайдими, фарқи йўқ. Аллоҳ Таоло Ўз Пайғамбари ﷺ орқали Ўзига маъқул бўлган қарорни, хоҳ ижобий ва хоҳ салбий бўлсин, эълон қиласди. Шафоатингиз қабул бўладими ёки йўқми, бу Аллоҳнинг тақдиди ва қазоси биландир». (Ибн Ҳажар Асқолоний, Фатхул Борий китоби). Имом Нававий айтади: Бу ҳадисда эҳтиёж эгаларининг мубоҳ эҳтиёжлари борасида шафоат қилиш мустаҳаб эканлигига далил бор. У шафоат сultonгами, волийгами ёки бошқасигами ёки сultonга зулмни тўхтатиши, таъзирдан воз кечиши ёки мұхтожга ҳадя беришда бўладими фарқи йўқ. Аммо ҳадлар борасида, ҳамда ботилни амалга ошириш ва ҳақиқатни бекор қилиш борасида ҳаромдир. (Нававий шарҳи).

Бухорий Абу Мусо Ашъарийдан ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ айтади:

«أَطْعِمُوا الْجَائِعَ، وَعُودُوا الْمَرِيضَ، وَفُكُوا الْغَانِيَ»

«Оч қолганни тўйғазинглар, касалдан хабар олинглар ва асрни озод қилинглар». □

## САХОБИЙ АБУ СУФЁН ИБН ҲОРИС ЖАННАТ ЎҒЛОНЛАРИ САЙЙИДИДИР

Икки шахс ўртасидаги алоқалар узилганидан кейин уланиш ҳолати жуда кам учрайди. Аммо Мұхаммад ибн Абдуллоҳ  билан Абу Суфён ўртасидаги алоқанинг узилгандан сўнг боғланиши бағоят мустаҳкам бўлди. Дарҳақиқат, Абу Суфён Росууллоҳ нинг бир йилда туғилган тенгдоши ҳамда тенгқур ўртоғи бўлган. Унинг отаси Ҳорис билан Росууллоҳ нинг оталари Абдуллоҳ бир отанинг (Абдулмутталибнинг) пушти камаридан бўлганлар. Бундан ташқари, Абу Суфён Пайғамбаримиз нинг эмиқдоши ҳам бўлган. Иккаласини Ҳалима Саъдия ўз кўкракларидан эмизган. Булардан ташқари, Абу Суфён Росууллоҳ нинг нубувватдан олдинги қайноқ дўсти ва у зотга жуда-жуда ўхшаш инсон бўлган. Сиз Мұхаммад ибн Абдуллоҳ билан Абу Суфён ибн Ҳорислардан ҳам бир-бирига яқин қариндошли ва бир-бирига чамбарчас боғлиқ икки дўстни кўрмагансиз ва эшиитмагансиз. Шунинг учун ҳам Росууллоҳ даъватларини қабул қилишда ва ул зотга тезроқ әргашишда Абу Суфёндек тез инсон бўлмайди дея гумон қилинган эди. Бироқ башоратчилар гумони аксинча бўлиб чиқди. Дарҳақиқат, Росууллоҳ даъватни намоён этиши ва қариндош уруғларини огоҳ этиши биланоқ, Абу Суфёнда ул зотга нисбатан нафрат ва гина-кудурат олови аланга олиб, дўстлик душманликка, қариндошлик ёт бегоналилкка, биродарлик ашаддий қаршиликка айланди...

Росууллоҳ  роббисининг амрини баралла баён қилган пайтда Абу Суфён ибн Ҳорис Құрайшнинг энг номи чиққан сўзомол ва энг улуғ мартабали шоирларидан бири эди. Шунинг учун Росууллоҳ га қарши курашда, даъватига душманлик қилишда қиличи ва тилини ишга солди. Ислом ва мусулмонларга озор беришда ва ўлдиришда барча кучини сафарбар қилди. Құрайш Набий  қандай уруш олиб борган бўлса, бу уруш оловининг ўтин қаловчиси Абу Суфён бўлди, мусулмонларга қандай азоб-уқубат етказган бўлса, Абу Суфён унда асосий рол ўйнади. Росууллоҳ ни масхара қилишда ўз шеърияти шайтанатини ишга солди, тилига эрк берди. У зотга нисбатан шармсиз ифлос, уят сўзларни айтди...

Абу Суфённинг Набий га бўлган адовари қарийб йигирма йилгача чўзилди ва бу орада у зотга қарши маккорлик зарбаларининг бирортасини қолдирмай қўллади. Мусулмонларга ҳар турли озорларни етказди, гуноҳлари оқибатини зиммасига ортди... Абу Суфённинг тақдирига Исломга кириши Макка фатҳ этилишидан бироз олдинга қилиб битилган экан. Ушбу Исломга кириш қиссаси шу

даражада таъсирли бўлдики, у тўғрисида бутун сийрат китоблари тўлиб тошди ва бутун тарих зарварақларига битилди. Келинг, бу ҳақда сўзлаб беришни унинг ўзига қўйиб берайлик. Чунки унинг ўзи буни чуқурроқ ҳис этган ва яхшироқ сифатлай олади:

Ислом масаласи мустаҳкам қарор топиб, Росулуллоҳнинг Маккани фатҳ қилиш сари йўналишлари тобора кенг тарқалгани сари, бу кенг дунё мен учун тор бўла бошлади. Мен энди қаёққа бораман, ким билан дўстлашаман, ким билан бирга бўламан дея ўйлайвердим. Кейин аёлим ва фарзандларим олдига келиб, Маккадан чиқиб кетишим учун менга керакли нарсаларни ҳозирланг, Мұҳаммаднинг келиши яқин, мен мусулмонлар қўлига тушсан, ўлдирилмай қолмайман, дедим. Улар бундай дейиши: Ўйлаб кўришингиз фурсати етмадими, ахир арабу ажам аллақачон Мұҳаммадга итоат қилмоқда. Улар Мұҳаммаднинг динини қабул қилдилар, сиз бўлсангиз ҳануз адватингизда қаттиқ турибсиз. Ҳолбуки, уни қўллаб-қувватлаш ва ёрдам беришга энг муносиб инсон сиз эдингиз-ку?! Улар Мұҳаммаднинг динига киришимга хайриҳоҳлик қилишдан, унга тарғиб этишдан тўхтамадилар ва ниҳоят, Аллоҳ қалбимни Исломга очди.

Дарҳол ўрнимдан турдимда, хизматкорим Мазкурга бизга тuya ва отларимизни ҳозирла дедим. Ўзим билан бирга ўғлим Жаъфарни олиб, Макка билан Мадина ўртасидаги Абво томон шошилинч йўлга тушдик. Чунки менга Мұҳаммад ўша ерда деган хабар келган эди. Абвога яқинлашганимизда, бирор мени таниб қолмасин ва Росулуллоҳ олдига бориб, Исломга кирганимни у зотнинг ҳузурида эълон қилмасимдан бурун мени ўлдириб қўймасин деб, юзимни никоблаб олдим. Шундай фикрлаб тургандим, Росулуллоҳ улов миниб бораётганига кўзим тушди. Олдига бориб қаршисига турдим ва юзимни очдим. Менга кўзи тушиши биланоқ, мени таниди. Лекин юзини бошқа томонга буриб олди... Юз бурган томонга ўтгандим, яна бошқа томонга буриб олди, ўша томонга ҳам ўтгандим, бошқа томонга буриб олди ва бу ҳол кўп такрорланди.

Мен Набий ﷺ олдига боришим биланоқ, Исломга кирганимдан хурсанд бўлади, саҳобалар ҳам у кишининг хурсандчилигига шерик бўлади деган ўйда қатъий эдим. Лекин мусулмонлар Росулуллоҳ мендан юз ўғирганини кўрганларидан кейин, ҳаммалари қовоқ уйиб олишиди. Абу Бакр учраганди, мендан қаттиқ юз бурди, Умар ибн Хаттоб қалбини менга очармикан деган умид билан боқандим, унинг мендан юз буриши дўстининг юз буришидан ҳам ўтиб тушди. Ҳатто у ансорлардан бирини менга қарши гижгижлади ҳам... Анзорий менга ҳой Аллоҳнинг душмани Росулуллоҳ ﷺга ва саҳобаларга озор

берган сен эдинг. Сенинг Набий ﷺ га бўлган душманлигинг кўлами ер юзининг Ғарбу шарқига етиб борган эди, деди. Бу анзорий мени сўкиш, таҳқирлаш ва бақиришдан тўхтамади. Мусулмонлар ҳам мен томон кўзларини ўқрайтириб қарашдан тўхтамадилар. Улар кўнгилларига мен билан бир учрашиш ниятини тугишиди...

Шу пайт амаким Аббосга кўзим тушди, унга илтижо билан боқиб, шундай дедим: Эй амаки Росууллоҳ ﷺ қариндошлигим ҳамда битта шараф ва битта қавмда эканлигим боис, орзуйим, у кишини Исломга кирганим билан хурсанд қилиш эди... Ўзингиз нима қилаётганларини қўриб турибсиз, у киши билан мен ҳақимда гаплашиб кўринг, кошки мендан рози бўлса. Аббос эса, шундай деди: Аллоҳга қасамки, у киши юзини сендан ўғирганини кўрганимдан сўнг, энди ҳеч қачон у киши билан бу ҳақда гаплашмайман. Бироқ, қулай фурсат бўлиб қолса майли. Чунки Росууллоҳ ﷺ ни жуда ҳурмат қиласман ва у кишидан ҳайбатланаман. Мен: Амаки унда мени кимга бор дейсиз, мени кимга топширасиз? дедим. У мендан эшитганингни эшитдинг, бошқа гапим йўқ, деди. Мен оғир аҳволда қолдим ва қаттиқ ғамга ботдим... Шунда амакиваччам Али ибн бу Толибни қўриб қолдим. Унга ишимни айтгандим, у ҳам амаким Аббоснинг гапини гапирди... Шунда амаким Аббос ёнига қайтиб, шундай дедим: Амаки агар сиз менга Росууллоҳ ﷺ нинг қалбини бўшатиб бера олмасангиз, у ҳолда мени сўқаётган ва одамларни сўкишга чақираётган ҳалиги кишини мендан тўхтатиб қўйинг, дедим. У унинг кимлигини менга сифатлаб бер деган эди, сифатлаб бердим. У Нуаймон ибн Ҳорис Нажжорийку, деди ва олдига одам юбориб, у орқали шундай деди: Эй Нуаймон Абу Сүфён Росууллоҳ ﷺ нинг амакиваччаси ва менинг акамнинг ўғли. Бугун Росууллоҳ ﷺ унга ғазаб қилаётган бўлса, бир кун келиб ундан рози бўлиши ҳам мумкин, шундай экан бас қилинглар. Амаким гапини тутатмай, менга қарши гапиришдан тўхтади ва шу соатдан бошлаб, уни тилимга олмайман, деди.

Росууллоҳ ﷺ Жаҳфа (Макка билан Мадина оралиғидаги жой)га кўнгач, у кишининг манзили остонасига ўтириб олдим. Ёнимда ўғлим Жаъфар тик турди. У киши манзиларидан чиқаётib, менга кўзи тушгач, бошини четга бурди. Мен у кишининг розилигини олишдан ноумид бўлмадим. Ҳар сафар бирор манзилга қўнса, остонасига ўтириб олишдан ва ўғлимни тик турғизиб қўйишдан тўхтамадим. У киши мени кўрса, юзини бурарди. Анча вақт шундай қилишда давом этдим... Бу иш менга машақкат туғдириб, қийналиб қолганимдан сўнг, аёлимга шундай дедим: Аллоҳга қасамки, ё мендан Росууллоҳ

рози бўлади ёки ўғлимни етаклаб, бошим оққан томонга жўнайман. Очлик ва ташналиқдан ўлиб кетганимиз бўлсин. Бу қасамим Росууллоҳ  га етиб боргач, менга нисбатан кўнгли юмшади... Чодиридан чиқиб, менга кўзи тушгач, аввалгидан анча юмшоқ назар билан боқди ва табассум қилишини умид қилдим. Кейин Росууллоҳ  Маккага борганида, мен ҳам лашкари билан кириб бордим. Масжидга чиққанида ёнида бирга чиқдим ва ҳеч қаҷон ажралмадим.

Ҳунайн куни келгач, араблар Набий  қарши урушга илгари мисли кўрилмаган дараҷада кўп аскар тўплашди ва катта тайёргарлик кўришди. Ислом ва мусулмонларни йўқ қилишга аҳд қилишди. Росууллоҳ  уларга қарши саҳобалари билан қўшин тортиб чиқди. Мен ҳам у киши билан бирга чиқдим. Мушрикларнинг жуда катта қўшинини кўриб, Аллоҳга қасамки, мен илгари Росууллоҳ  кўрсатган қанча адоватим бўлса, ҳаммасини бугун бадалини тўлаганим бўлсин, Набий  ўз таъсирили ишимидан Аллоҳни ва у кишини рози қиласиган нарсани кўрсатганим бўлсин, дедим.

Томонлар ўзаро тўқнашгач, мушриклар қўли мусулмонлардан баланд келиб, мусулмонларга заифлик ва муваффақиятсизлик ета бошлади. Одамлар Пайғамбаримиз  атрофидан узоқлашдилар ва мағлубиятга учрашимизга оз қолди... Шунда қарасам, ота-онам фидо бўлсин, Росууллоҳ  жанг майдони ўртасида кулранг хачири устида буюк забардаст қоя каби мустаҳкам ҳолатларида қилич яланғочлаб, ғазабнок шер каби жанг қиласиди... Ана шунда мен отимга бир ирғиб чиқдимда, қиличим қинини синдириб ташладим. Аллоҳнинг ўзи билди, мен Росууллоҳни ҳимоя қилиб, ўлишни истардим... Амаким Аббос Пайғамбаримиз хачири узангисидан ушлаб, ҳимоя қила бошлади, мен у кишининг иккинчи томонига жойлашиб олиб, ўнг қўлимга қиличимни олдим ва Росууллоҳ  ҳимоя қилдим. Чап қўлим билан эса у кишининг уловини ушлаб турардим. Росууллоҳ  душманга қарши қаттиқ ҳужум қилаётганимни кўриб, амаким Аббосдан «бу ким» дея сўради. Бу биродарингиз ва амакиваччангиз Абу Сүфёндир, энди ундан рози бўлинг, ё Росууллоҳ, деди. Шунда Росууллоҳ албатта розиман, Аллоҳ менга қилган барча душманликларини мағфират қилсин», деди.

Росууллоҳнинг мендан рози бўлганидан хурсанд бўлиб, бошим кўкка етди ва улоқда турган оёқларини ўпгандим, у киши менга боқиб, «Биродарим, умримга қасамки, туринг ўрнингиздан жанг қилинг», деди. Росууллоҳни бу сўзи жасоратим оловини ёқди. Мен мушрикларга ҳамла қилиб, жойларидан силжитиб ташладим. Мен

билан бирга бошқалар ҳам ҳамла қилдилар ва бир фарсах нарига суриб, ҳар ёнга тарқатиб ташладик».

Абу Сүфён ушбу Ҳунайн кунидан бошлаб, Пайғамбаримизнинг розилигига эришди ва гўзал суҳбатига мушарраф бўлди. Бироқ у ўтмишда у кишига қилган ишлари учун у кишидан ҳаё қилгани ва хижолат бўлгани сабабли ҳеч қачон юзига тик боқмади. Дарҳақиқат, Абу Сүфён жоҳилият даврида Аллоҳнинг нуридан узоқда ва китобидан маҳрумликда ўтказган қора кунлари учун алам бармоғини тишлаб, туну кун Қуръони каримдан бош кўтармай, тиловат қилди. Қуръон ояларини ўрганди, ваъзларидан насиҳат олди. Шунингдек, дунё ва унинг матоларидан юз ўғирди, бутун тану жони билан Аллоҳга юзланди. Росулуллоҳ бир куни уни масжидга кираётганини кўриб, Оиша га: «**Бу ким биласизми, ё Оиша? – деди. Оиша** : йўқ ё Росулуллоҳ деган эди, у киши шундай деди: **Бу амакиваччам Абу Сүфён ибн Ҳорисдир. Қаранг, у киши бугун масжидга энг биринчи киряпти, ундан энг охир чиқяпти ва шиппагидан кўзларини узмаяпти**».

Росулуллоҳ рафиқи аълого риҳлат қилганида Абу Сүфён у кишига боласидан айрилган она каби қаттиқ қайғурди, суюкли дўст мисоли йиғлади. Сўнг энг сара қасида битдики, у одамни изтироб ва қайғуга ғарқ қиласди, ҳасрат ва надоматда қовуради... Форуқ нинг Халифалик замонида Абу Сүфён ўз ажали яқинлашганини сезди ва ўз қўллари билан ўзига қабр қазиди. Орадан уч кун ўтмасдан, худди ваъда қилинганидек вафоти келди. У аёли, фарзандлари ва аҳлига боқиб, шундай деди: Мен учун йиғламанг. Аллоҳга қасамки, Исломга кирганимдан бошлаб, ҳеч бир гуноҳ қилмадим.. Шундан сўнг унинг покиза жони узилди, жанозасини Форуқ ўқиди. Абу Сүфёндан ажралгани учун Форуқ ҳам, саҳобалар ҳам қайғуга чўмдилар. Унинг вафотини Ислом ва мусулмонлар учун улкан кулфат деб ҳисобладилар. □

## АҚШДАГИ ОРАЛИҚ САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН ЯНГРАГАН ОГОХЛАНТИРУВ ВА ЗҮРАВОНЛИК ҚҮРҚУВИ

Оралиқ сайловлар Оқ уйда ўтирган президенттинг шон-шұхратини белгиловчи референдум үрнида күрилаётган бир пайтда, Құшма Штатлардаги қонун чиқарувчilar ва расмийлар оралиқ сайловлардан бир ой олдин зўравонликларнинг қайталанишидан огохлантиришиди. Октябр ойи бошида республикачи сенатор Сюзан Коллинз Нью-Йорк Таймс газетасида: «Агар сенатор ёки конгрессмен ўлдирилса, мен ҳайрон бўлмайман», деди. Собиқ президент Доналд Трамп қарши чиққан АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Адам Кинзингер ўзига келган таҳдидли аудио ёзувларни эълон қилди. Унда: «Биз сенинг оиланг қаердалигини биламиз... Эй кичкинтои... биз сени таъқиб қиласмиз... хотининг ва болаларингни қўлга оламиз», дейилади. Вакиллар палатаси аъзоси Прамила Жаяпал унинг уйи олдига белига қурол таққан киши бир неча бор келиб, уни ҳақорат қилганида «911» хизматига қўнғироқ қилган. Доналд Трамп устидан тергов олиб борувчи Конгресс қўмитасига қўшилгани учун ўз партияси томонидан рад этилган республикачи вакил Лиз Чейни ўзига йўлланган ўлим таҳдиди туфайли ўз ватани Вайоминг штатидаги ҳар қандай йирик сайловолди кампаниясини тарк этишга мажбур бўлди.

Агар бундай таҳдидлар йўлланиши давом этадиган бўлса, мамлакат ноябр ойида бўлиб ўтадиган қонунчилик сайловлари пайтида сайлов ташкилотчиларининг етишмаслигига дуч келиши мумкин. Конгресснинг сайланган аъзоларини ҳимоя қилиш учун масъул бўлган пойтахт полициясига кўра, таҳдидлар икки баравар кўпайган. Яъни 2017 йилда 3,939дан 2021 йилда 9,625гача кўтарилиган. Хавфсизлик масалалари бўйича эксперт К. Кемпел экстремист ўнгчилар гуруҳлари, шу жумладан, «Қасамёдга содиқ қолувчилар» гуруҳи томонидан амалга ошириладиган ҳужумлардан хавотирланаётганини билдирган. Бу гуруҳ аъзоларидан бир нечтаси фитна уюштиришда, шунингдек, 2021 йил январ ойида Трампни ҳокимиятда сақлаб қолиш мақсадида Капитолий биносига ҳужум қилиш учун қўлга қурол олганликда айбланиб маҳкамага тортилган. Сиёсий эксперт Рейчел Кляйнфельднинг сўзларига кўра, Жо Байден ва Доналд Трамп бир-бiri билан тўқнашган 2020 йилги сайлов мавсуми ҳам баъзи республикачиларни «зўравонликни сиёсий восита сифатида қабул қилишга» ундан бурилиш нуқтаси бўлди. Оралиқ сайловолди кампанияси авжига чиққан пайтда, баъзи республикачи номзодларнинг милтиқ ёки автомат кўтариб юрганини кўриш мумкин эди. Бу рекламаларнинг баъзиларида республикачи номзодларнинг демократ рақиблари суратларига, ҳатто президент Жо Байден суратига қурол ўқташ билан ҳузурлангани акс этган. Рейчел Клейнфельд бир неча ой олдин Конгрессда сўзлаган нутқида: «Зўравон эътиқод ва ҳаракатлар одатий ҳолга айланди», деб огохлантириди.

**Ал-Ваъй:** Америкада чуқур ижтимоий бўлиниш мавжудлиги аста-секин ошкора бўлиб, одамларнинг тақдерири учун ташвиш манбаи бўлиб қолди. Тўғри, унинг қаочон портлашини олдиндан айтиш қийин. Бироқ, у айни шу йўналишда шиддат билан кетмоқда. Бу ҳолат Америка империясининг, бинобарин, у бошқараётган халқаро тизимнинг қулашидан бошқа нарсани англатмайди. □

## ИГНАТИУС: ХОМАНАЙ РЕЖИМИ ЎЗ ВУЖУДИНИ ЛАРЗАГА КЕЛТИРГАН БҮНДАЙ НОРОЗИЛИК ҲАРАКАТИГА ҲЕЧ ҚАЧОН ДУЧ КЕЛМАГАН

Журналист Дэвид Игнатиус «Вашингтон Пост» газетасида нашр қилинган мақоласида шундай дейди: «Дунё Украина жасоратини олқышлаётган экан, келинг, биз ҳам Эрондаги диний арбоблар ҳукуматини ларзага келтираётган аёллар бошчилигидаги норозилик ҳаракатини олқышлайлilik. Бу қўзғолон ҳайратланарли ва фаоллиги жиҳатидан Америка ва бутун дунё томонидан қўллаб-қувватланишга лойиқ». Бу ҳаракат 22 ёшли Маҳса Аминийнинг ўлдирилишидан ғазабга келган, аксари аёллар бўлган ёшларни ўз ичига олган... Кўриниб турибдики, Эроннинг 31та вилоятидаги 105та шаҳарда норозилик намойишлари ўз-ўзидан, етакчисиз бошланди. Намойишлар кенг миёсда бўлгани учун Эрон хавфсизлик кучлари намойишчиларни тарқатиб юбориш имконига эга бўлмади... Турли этник гуруҳлардан ташкил топган HRANA инсон ҳуқуқлари ахборот агентлигининг ушбу ҳафтада нашр қилган ҳисботига кўра, келиб чиқиши сунний курд бўлган Маҳса Аминий масаласини қўллаб-қувватлаш учун минглаб шиа форслари тўплланган. Ва ниҳоят, энг муҳими, намойиш ҳаракатининг белгилари шуни кўрсатдики, кўчадаги талабалардан бошланган намойишларга Эронни бошқараётган секторлар: нефть-кимё ишчилари, юк машиналари ҳайдовчилари ва бозордаги савдогарлар ҳам қўшилган. Игнатиус яна шундай қўшимча қиласди: «Режим намойишчилар сонини камайтириб кўрсатишга уринмоқда. Бироқ, рақамлар бунинг аксини кўрсатмоқда. Бугун биз дунё сиёсатидаги файриоддий ҳодисаларга гувоҳ бўлмоқдамиз: кичик Украина жанг майдонида рус айиғини масхара қилмоқда. (Исройилликлар) ва араблар «Абраҳам келишуви» байроғи остида бизнес ишларини амалга оширишга уринишмоқда. Саудия Арабистони валиаҳд шаҳзода Мұхаммад ибн Салмон бошчилигида аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш ва жамиятга кўпроқ эркинлик бериш учун ажойиб қадамларни ташламоқда. Эрондаги норозилик ҳаракати АҚШ ва дунёнинг қўллаб-қувватловига мухтож. Намойишлар оммавий ахборот воситалари ходимларининг Эронга кириш имконига эга эмаслиги ва интернет тўсиб қўйилганлиги билан боғлиқ. Шунинг учун эронликлар хабар тарқатиш учун сунъий йўлдош алоқаларига ва ижтимоий тармоқларга мухтож. Яхши ҳамки, жуда кўп чегара ҳудудлари бор. У ердан зарур жиҳозларни, хусусан, Покистон, Туркия, Қувайт, Ироқ, Озарбайжон ва ҳатто Форс кўрфазидан олиб ўтиш осон».

**Ал-Ваъй:** Ушбу мақоланинг хавотирили томони мустамлакачилик руҳини ўз ичига олганлигидир. Чунки, мустамлакачи давлатларнинг қўзғолонларга аралашиб, уларни қўллаб-қувватлашига айни шу руҳ имкон беради. Агар қўзғолонлар ҳокимиятни қўлга олишга эришса, бу ҳам мустамлакачининг ютуғига айланади. Эрон режимини репрессив деб атаб, Американи қўзғолонларга аралashiшга чақирган Игнатиусга саволимиз қўйидагича: Эрон режими Америка ҳимояси остида эмасми? Эрон сиёсати Американинг Афғонистон, Ироқ, Сурия, Ливан ва Ямандаги манфаатларига мос эмасми? Агар унинг ўзи буни билмаса, унинг мақоласи жиддий қабул қилинишга лойиқ эмас. Аммо, бу ҳақда билса (албатта билади), унинг мақоласи ғарб мустамлакачилиги қуролларидан бошқа нарса эмас. Бас, билсинки, Уммат ҳар бир сўзни кузатиб туради! Ҳар бир халқнинг ўз вақти бор! □